Маҳаллий жамоат Унинг шуҳратининг намоён бўлишининг маркази, бутун дунё қўлга киритилиши учун инъомлар оқадиган жой бўлади. Бу шогирдлар тайёрланиб, ўргатилиб Исонинг ишларини қилишга юбориладиган жойдир.

Худонинг режасида, ҳар бир имонлини хизмат ишига тайёрлашга хизмат қиладиган - ҳаворийлик, пайғамбарлик ва бошқа хизмат инъомлари фаолият кўрсатадиган жой маҳаллий жамоат бўлиши эди.

Худо ўзларининг урф -одатларини маҳкам ушлаган ҳолда исёнда бўлган жамоатларни ишлата олмайди, ҳатто бу урф -одатлар Янги Аҳддаги намуналарга асосланган бўлса ҳам.

Худо-гуруҳ хизматидаги Худонинг янги ҳаракатини тушун адиган жамоатни, ҳар бир имонлини хизмат ишига тайёр лаш учун беш томонлама хизмат бошқарувчилари биргал икда ишлайдиган жамоатни ишлатади.

Мана шу қудратли Янги Аҳд жамоатларида, Худонинг шуҳ рати намоён бўлади ва барча имонлилар қудратли, маҳсул дор хушхабар мўъжизасига ўргатиладилар ва юборилади лар.

*(Жамоат мавзунда кўпроқ маълумот олиш учун А. Л ва Жойс Гилнинг "Тантанавор Жамоат" китобин и ўқинг)*

## ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

---

1. Ер юзида Худодан кейин энг қудратли бўлган куч нима?
2. Ҳозирги охирги замон Худо ҳаракатида одамларни жамоатга нима тартади?
3. Жамоат голибона бўлиши учун, жамоатда нима қайта тикланиши керак?

## Тўртинчи дарс

### *Имонлининг ҳокимияти*

Шайтон бу дунёнинг йўқотилганларининг руҳий кўзларини кўр қилган. Миллионлар - алдов руҳлари ва ёлғон динлар орқали руҳий зулматда тутилиб, мангуликда дўзахга боришга сақланмоқда.

Агар бизлар йўқотилганларга эришишга маҳсулдор бўлишни истасак, тутқинларни озод қила олишимиз учун қудратли руҳий урушга ҳам тайёрланган бўлишимиз шарт.

Кўплар руҳий урушга имонлининг ҳокимияти ҳақидаги ваҳийсиз киришга ҳаракат қилдилар. Улар шайтон ва унинг жинлари нақадар қудратли эканлиги ҳақидаги фикрлар билан тўлдилар. Улар қўрқиб қолдилар ва имонлининг умри - жадал ҳаёт ва ўлим жанги деган фикр билан қамал қилиндилар. Имонлиларни руҳий жанг ҳақида ўқитишдан олдин уларни ғолиб келувчи руҳий ҳокимиятлари ҳақида ўқитиш муҳим.

Имонлилар улар Исо Масихда ким эканликлари ҳақидаги ваҳий билан, Исо Масихнинг номидаги ҳокимиятлари билан, Унинг қонининг ғолиб келувчи қудрати ва Худонинг Сўзи билан — янгича дадиллик билан олдинга, шайтоннинг қотмаларини парчалашга ва тутқунларни озод қилишга ташланадилар.

Имонлининг ҳокимиятини ва урушимизнинг қудратли қуролиларини тушуниш бизларни шу охириги кунларда маҳсулдор хушxabар мўъжизасига тайёрлайди.

## **ИМОНЛИЛАРНИНГ ҚУДРАТИ ВА ҲОКИМИЯТИ**

---

### **Ҳокимият одам зодга берилган**

Худо инсонни Ўз суратида яратди ва унга бу ердаги ҳамма нарса устидан ҳукмронлик қилиш учун ҳокимият берди.

**Ибтидо 1:26 Яна Худо: "Ўз суратимизга кўра, Ўзимизга ўхшаш одамни яратайлик. У денгиздаги балиқлар, кўк юзидаги паррандалар, чорвалар, ҳа, бутун ер юзи ва ерда ҳаракат қилувчи барча махлуқот устидан ҳокимлик қилсин", — деди.**

Осмондаги урушдан сўнг шайтон шу ерга улоқтирилган эди. У Худо одамни яратганини ва унга ҳаёт нафасини пуркаганини кўрди. Худо Одам Атонинг қовурғасидан аёлни яратганини ва мана шу янги яралувчиларга ер юзидаги ҳар бир жонзот устидан ҳокимият берганини кўрди. Шайтон ерда яшар экан, бу ҳокимият- шайтоннинг ва унинг бор жин издошларининг устидан ҳам ҳукмронликни ўз ичига оларди.

### **Яратилишнинг мақсади**

Худо эркак ва аёлни яратиб, уларга ер устидан ҳокимият берди. Худо Момо Ҳавони яратгунича эркакка ҳокимиятни бермади. Худо уларга ҳокимиятга эга бўлишларини айтди. Худо эркак ва аёлни биргаликда ер юзида ҳокимият ва ҳукмронликда юришларини режалаштирди.

### **Одамга эркин ирода берилди**

**Ибтидо 2:16,17** Худо одамга буюриб деди: "Сен бу бо<sup>®</sup>нинг ҳар бир дарахтидан еявергин. Фақат яхши ва ёмоннинг билиш дарахтидан ема. Чунки ундан еган кунёқ ўласан".

Худо Одам Атога эркин ирода берди. У Худога итоат қилиш ёки итоат қилмасликни танлаш қудратига эга эди. Одамнинг итоат қилиш ёки итоат қилмаслик орасидаги истаги Адан боғида синалиши лозим эди.

### **Амалдаги ҳокимият**

**Ибтидо 2:19** У тупроқдан ҳар хил дашт ҳайвонини, кўлда учувчи ҳар хил паррандани ясади ва уларга от қўйиш мақсадида одамнинг олдига келтирди. Одам эса ҳар бир жонли махлуққа от қўйди ва ўша махлуқнинг оти шундай бўлди.

Одам Атонинг ҳамма ҳайвонларни номлашидан, биз унинг буюрда Худо берган ҳокимиятда фаолият юритаётганини кўрамиз.

### **Шайтон одамзоддан нафратланади**

Шайтон одамзоддан нафратланади, чунки улар Худонинг суратида яратилган эдилар.

- Улар Худога ўхшардилар.
- Улар Худодек юрардилар.
- Улар Худодек сўзлардилар.

Шайтоннинг Худога қарши исёнда бўлган бор нафрати - эркак ва аёл деб аталмиш Худога ўхшаш яралувчиларга бурилди.

## Шайтоннинг қўрқуви

Шайтон учун бизлар Худо бизларга берган ҳокимиятни б  
илмаслигимиз ва унда юрмаслигимиз жуда муҳим.

Ибтидо 1:28 Худо одамларни муборак қилиб, уларга: "Б  
аракали бўлинглар, кўпайинглар. Ер юзини тўл<sup>®</sup>азиб тоб  
е қилинглар. Денгиздаги балиқлар, кўк юзидаги парра  
ндалар ҳамда ер юзида ҳаракатланувчи барча ҳайво  
нлар устидан ҳоким бўлинглар",– деди.

## ҲОКИМИЯТ ЙЎҚОТИЛДИ

---

### Одамнинг гуноҳ қилиши

Одам Ато ва Момо Ҳаво Худога итоатсизлик қилганларида  
ва Худо берган ҳуқуқларини йўқотганларида, улар ҳокими  
ятларини, улар эга бўлиш учун яратилган ҳокимиятларини  
йўқотдилар.

#### ➤ Алдов

Шайтон алдашга тажрибали эди. У осмонда фаришталар  
ни алдаган эди. Фаришталарнинг учдан бир қисми исён  
қилишда унга эргашган эдилар.

Ибтидо 2:17 "Фақат яхши ва ёмонни билиш дарахтида  
ема. Чунки ундан еган кунӣёқ ўласан".

Ибтидо 3:1 Худованди Карим яратган барча дашт ҳай  
вонлари орасида энг айёри илон эди. Илон хотинга: "Чи  
ндан ҳам Худо, бо<sup>®</sup>даги ҳеч бир дарахтнинг мевасид  
ан еманглар, деб айтдимикин?" —деди.

Шайтон кўринишини ўзгартирди ва боққа билдирмай келд  
и. Унинг боғда ҳеч қандай ҳуқуқи йўқ эди ва одам уни та  
ниганида қува олар эди.

#### ➤ Шайтоннинг алдови

Шайтон уларни алдов сиқувига олиб, Худонинг Сўзларини н  
отўғри талқин қилди.

Ибтидо 3:2-6 Хотин илонга деди: "Бо<sup>®</sup> дарахтларининг м  
евасидан ея оламиз-у, Худо фақат бо<sup>®</sup>нинг ўртасидаги  
дарахтнинг мевасини еманглар, унга тегманглар, бўлма  
са ўласизлар",– деди. Илон хотинга: "Йўқ, мутлақо, ўлм  
айсизлар! Чунки Худо биладик, ундан еган кунӣёқ кўзл  
арингиз очилиб қолади ва Худо каби яхши ва ёмонни б  
иладиган бўласизлар",– деди. Хотин кўрсаки, дарахтни

нг меваси емоққа яхши, кўзга ёқимли ҳамда дид-фаросат топишга фойдали экан. У дарахтнинг мевасидан олиб еди. Сўнг эрига ҳам берди, эри ҳам еди.

Учинчи оятда Момо Ҳаво, Худо айтган Сўзларига "тег" сўзини қўшди.

Шайтон Момо Ҳавога: "Сизлар аниқ ўлмайсизлар", – деди. Унга кўзлари очилиши ва Худодек бўлишларини айтди.

#### ➤ *Гуноҳ*

Одам Ато ва Момо Ҳаво Худонинг айтганига эргашишдан тўхтаб, табиий ҳиссиётларига эргашдилар ва шайтонга қул оқ солдилар. Шайтон алдаб уларни енгди. Улар гуноҳ қилганларида Худонинг табиатини йўқотдилар ва Худонинг шуҳратисиз яланғоч қолдилар.

#### Шайтонинг ® алабалари

Одам Ато ва Момо Ҳаво гуноҳ қилганларида, уларга Худо берган ҳокимиятни шайтонга топширдилар. Шу йўл билан, у яна бу дунёнинг худоси, бу дунёнинг бошқарувчиси ҳамда ҳаводаги куч-қудратнинг шахзодаси айланди.

Маълум муддат мобайнида, Худодек юриб, Худодек сўзлаш учун яратилган одамлар:

- кўр, кўчаларнинг четларида тиланчилик қилувчи
- заифлик руҳи билан боғланган
- легион ёвуз руҳларга чалинган
- мохов еб битираётган юз ва танали
- Алдов ва диний урф-одатлар томонидан бошқарилувчи, кўр қилинган бўлдилар.

#### **ХОЧДАН ТАХТГА**

---

Исо Ўз қонини тўкиб ва хочда ўлиб, гуноҳларимиз учун ҳақ тўлади. У бизларнинг барча гуноҳларимизни, касалликларимизни, заифликларимизни ва нимжонлигимизни азоб жойига олиб борди.

Колосаликларга 2:14 Худо бизга қарши бўлган қўлзма қоидаларини ўчирди, уни дунёнинг орасидан олиб хочга михлади.

## Рухий дунёда

Исо бизларнинг гуноҳларимизни бу ернинг тубларига олиб кетди ва бизнинг ўрнимизда ер тубининг ва дўзахнинг азобларини тортди. У ер остининг тубларига тушганида, ҳар қачон содир этилган барча гуноҳларни олиб кетди.

Санолар 87:4,8 Зеро менинг жоним кулфатлардан тўйдим, менинг ҳаётим ҳам қабрга яқинлашди. Сенинг жаҳлининг менинг устимга ююдек тушди ва Сен мени барча тўлқинларнинг билан шикастладдинг.

## Шайтон ва ёвуз руҳлар енгилган

Исо бизларнинг гуноҳларимизни ернинг энг чуқур қисмларига олиб кетганида, Унга Худонинг қудрати келди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 2:27 Чунки Сен менинг жонимни дўзахда қолдирмайсан ва Ўз муқаддасининг чирешини кўришига йўл қўймайсан.

Дўзахнинг эшиклари Унга қарши тура олмади. У ўлимнинг, дўзахнинг ва қабрнинг калитини шайтондан тортиб олди.

Колосаликларга 2:15 Шу орқали ҳукмронликлар ва ҳокимиятлардан қуролларини тортиб олиб, уларнинг устидан тантана қилиб, уларни ошкор шарманда қилди.

Исо шайтонни ва унинг ёвуз руҳларини уларнинг бор ҳокимиятларидан маҳрум қилди ва қуролсизлантирди.

## Тирилиш

Исо ўлимдан тирилганида, шайтон ва унинг ёвуз руҳлари маңуга енгилдилар.

Эфесликларга 1:19-21 Ҳамда биз, имонлиларда ҳаракат қилаётган Худо салтанатининг куч-қудрати бўйича, Унинг ичимизда бўлган қувватининг буюклигини пайқаб олдинлар. Худо Масихда ўша куч-қудратни амалда шундай кўрсатдики: Уни ўликлардан тирилтириб, осмонда Ўзининг ўнг томонига ўтқазиб, ҳар қандай бошлиқ ва ҳокимият, куч ва салтанатдан, нафақат бу дунёда, балки келгуси дунёда ҳам номланадиган ҳар қандай номлардан юқори қўйди.

## Осмонга кирди

Исо осмонга кирди ва Отасининг ҳузурига ғолибона борди.

Санолар 24:7-10 Бошларингни кўтаринглар, сизлар дарв озалар! Сизлар, мангу эшиклар кўтарилинглар! Ва шуҳратнинг Шоҳи киради!

Ким у шуҳратнинг Шоҳи? -Қувватли ва қудратли Раббий, жангда қудратли Раббий. Дарвозаларингни, баландликларингни кўтаринглар, кўтарилинглар мангу эшиклар ва шуҳратнинг Шоҳи киради!

Ким у шуҳратнинг Шоҳи? Қудратнинг Раббийси, Ўша- шуҳратнинг Подшоҳидир. Селаҳ

## ҒАЛАБА

---

Исо шайтондан қайта тортиб олган ҳокимиятнинг калитларига эга.

Ваҳий 1:18 Тирикман; Ўлган эдим, ва мана абадул-абад тирикман, омин; Ҳамда дўзахнинг ва ўлимнинг калитига эгаман.

### Калитлар одамга берилган

Исо ҳокимиятнинг бу калитларини жамоатига берди. Янги я ралувчи сифатида одамнинг ҳокимияти бу дунёда қайта тикланди.

Матто 16:18,19 Мен ҳам сенга шуни айтиб қўяй: сенинг тош деган исминг бор ва Мен Ўз умматимни бу тош устида бунёд этаман, жаҳаннам кучлари эса ундан устун чиқмас. Осмон Шоҳлигининг очқичларини сенга бераман. Ер юзида сен нимани бо<sup>®</sup>ласанг, осмонда ҳам бо<sup>®</sup>ланган бўлади. Ер юзида сен нимани ечсанг, осмонда ҳам ечилган бўлади.

### Ҳокимият қайта тикланган

Яна бир марта, руҳдан қайта тирилган инсон бу заминдаги ҳокимиятнинг асл ўрнига қайта тикланди.

Луқо 10:19 Мана Мен сизларга илонлару чаёнларни ҳам да душманнинг бутун куч-қудратини босишга ҳоқимият беряпман ва ҳеч нарса сизларга зарар етказмайди.

### Исонинг иши тугалланди

Исо Отасининг ўнг томонига ўтирди, чунки Унинг одамзодни қайта сотиб олиш иши тугалланган эди. Унинг ердаги иши тугалланди.

Санолар 109:1 Раббий менинг Раббимга деди: Душманларингни оёқларинг остига қўйгунича Менинг ўнг қўлимда а ўтир.

### Одамларнинг иши бошланди

Ҳозир Масиҳ танасининг аъзоси сифатида, ҳоқимиятни Худонинг асл мақсадларида ишлатиш ҳар бир имонлининг вазифасидир. Худонинг эркаклар ва аёллар учун ҳаққони й мақсади уларнинг ер узра ҳукмронлик қилишлари эди.

Эфесликларга 1:18-23 Ва тушунишингизнинг кўзларини ёритсин, токи сизлар Унинг даъватининг умиди нимадан иборат эканлигини, Унинг муқаддаслар учун бой ва ул у<sup>®</sup>вор меросининг қандай эканлигини билиб олинглар, ҳамда биз, имонлиларда ҳаракат қилаётган Худо салтанатининг куч-қудрати бўйича Унинг ичимизда бўлган қувватининг буюклигини пайқаб олинглар. Худо Масиҳда ўша куч-қудратни амалда шундай кўрсатдики: Уни ўликлардан тирилтириб, осмонда Ўзининг ўнг томонига ўтказиб, ҳар қандай бошлиқ ва ҳоқимият, куч ва салтанатдан, нафақат бу дунёда, балки келгуси дунёда ҳам номланадиган ҳар қандай номлардан юқори қўйиб, ҳамма нарсани Унинг оё<sup>®</sup>и остига бўйсундирди ва Уни ҳамма нарсадан юқори қўйиб, Жамоатга бош қилиб тайинлади. Жамоат эса Масиҳнинг баданидир, яъни ҳамма нарсада ҳамма нарсани Тўлдираётганнинг тўкис-тугаллигидир.

Шайтон ва унинг издошлари ёнгилган. Улар Исонинг оёқлари остидадир. Бизлар Масиҳнинг танасимиз. Бу шайтон ва унинг жинлари бизларнинг оёқларимиз остида деганидир.

Эфесликларга 1:22 Ҳамма нарсани Унинг оё<sup>®</sup>и остига бўйсундирди ва Уни ҳамма нарсадан юқори қўйиб, Жамоатга бош қилиб тайинлади.

**Римликларга 16:20. Тинчлик Худоси эса шайтонни тезда сизларнинг оёқларингиз остида янчиб ташлайди. Рабби миз Исо Масихнинг инояти сизлар биландир! Омин.**

Кимнингдир оёғи остида бўлиш дегани - тўлиқ босиб олинди, енгилиш ва бўйсундирилишнинг манзарасидир. Бошқа томондан эса, бу тўлиқ ҳокимиятнинг манзарасидир.

## **Исо кутмоқда**

Исо Отасининг ўнг қўлида ўтириб, имонлилар ўзларининг қайта тикланган ҳокимиятларини англашларини кутмоқда. Сўнгра улар кўтариладилар ва шайтон ҳамда унинг ҳамма жинлари енгилиб, имонлиларнинг оёқлари остида эканлигини намойиш қиладилар.

Исо бизларнинг Хушxabар мўъжизаси хизматимизни бу дунёда маҳсулдор руҳий жанг орқали тугаллашимизни кутмоқда.

**Ибронийларга 10:12,13 Масих эса гуноҳлар учун то-абад битта қурбонлик келтириб ва Худонинг ўнг томонида ўтириб, энди душманларини Ўз оёқлари остига тахт супачаси қилинишларини кутмоқда.**

## **Имонлилар бошқаришлари керак**

Исо одамзодга тегишли бўлган, лекин шайтон томонидан ўйрилган бошқарувчилик ҳуқуқини қайтариш учун келди.

Бизлар Ўғилнинг Шоҳлигига ўтказилганмиз. Бизлар шу ерда – Унинг шоҳлигида ҳукмронлик қилишимиз ва уни бошқаришимиз керак.

**Колосаликларга 1:13-18 У бизни зулмат ҳукмронлигида н халос қилиб, севимли Ў<sup>®</sup>нинг Шоҳлигига олиб кирди.**

**Биз Масихда Унинг қони билан қайта сотиб олинисга ва а гуноҳларимизнинг кечирилишига эгамиз.**

**Исо Масих бутун мавжудотнинг тўн<sup>®</sup>ичи бўлиб, кўринмас Худонинг тасвирidir.**

Чунки самодаги ва ер юзидаги, кўринадиган ва кўринмайдиган ҳамма нарса У орқали яратилган. Тож-тахтлар,

ҳукмронликлар, бошлиқлар, ҳокимиятларнинг ҳаммаси У орқали ва У учун яратилган.

Масих ҳамма нарсадан аввал бўлган ва ҳамма нарса У билан турибди.

Масих — Жамоат Танасининг бошидир. У — бошланиш дир, ўликлардан тўн®ичидир, токи ҳамма нарсада бири нчиликка эга бўлсин.

Исо бош, бизлар эса Унинг танасимиз. Унинг танаси сифати да бизлар "Унинг Оёқлари"миз.

## Ҳокимиятда юриш

Ишайё 54:14-17 Сен ҳақиқат билан мустаҳкамланасан, азобланишдан йироқ бўласан, зеро сенинг кўрқинишга асос йўқ, даҳшатдан ҳам кўрқмайсан, зеро у сенга яқин лашмайди. Мана, сенга қарши қуролланадилар, лекин Мендан эмас; Кимки сенга қарши қуролланмасин йиқил ади. Мана, Мен оловда кўмирни пуфлайдиган ва ўз иш и учун қурол ясайдиган темирчини яратдим, ва Мен қи риш учун ҳалокатчини яратаман. Сенга қарши кўтарилг ан бирор қурол муваффақиятли бўлмайди; ва сен била н судлашадиган ҳар қандай тилни сен айблайсан. Бу Ра ббийнинг қулларининг мероси, -уларнинг оқланиши Мен дан,-дейди Раббий. .

## Қудратли Хушхабарчилик

Бугунги кунда, имонлилар қайта тикланган ҳокимиятларин и билганларида, Худонинг Шоҳлиги учун олдинга дадилин тилишнинг мажбуриятини олган ва тутқинларни озод қил аётган имонлиларнинг қудратли қўшини кўтарилмоқда.

Улар Хушхабарни ҳар бир яралувчига етказиш мажбурият ини олмоқдалар. Улар руҳий қуроллари Худо томонидан қ отмаларни парчалашга қодир эканлигини билиб олганлар . Улар чекинмас, актив, мўъжизавий хушхабар тарқатиш м ажбуриятини олганлар.

Ўз қўшинининг Бошлиғи бўлмиш Исо Масих билан биргал икда, биз дадил айта оламиз: "Бу Шоҳликнинг Хушхабари бутун дунёга, барча халқларга шоҳидлик учун воизлик қил инади, сўнгра охири замон келади."

*Имонлиларнинг ҳокимияти мавзуини чуқурроқ ўргани ш учун "Имонлининг ҳокимияти" ва "Ҳукмронлик қили*

*ш учун олдиндан белгиланганлар' деб аталувчи А. Л. Г  
илнинг китобларини ўқинг.*

## **ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР**

---

1. Имонли руҳий урушга ўргатилишидан олдин унга нима ҳақида билим берилиши керак?
2. Нима учун шайтон одамзоддан нафратланади?
3. Бу дарс Одам Ато ва Ҳавво итоатсизлик қилиб Худога қарши гуноҳ қилганларида бошларидан кечирган улкан йўқотишни тасвирлайди. Шу йўқотишни изоҳлаб беринг.
4. Худонинг одамзодга шу "йўқотиш"ни қайтариш учун режаси нима эди?

## Бешинчи дарс

### *Жанговар Хушхабар*

#### КИРИШ

---

Исо Масихдаги ҳокимияти ҳақида ваҳий олган ҳар бир и монли, хушхабар мўъжизасининг кесувчи қиррасида бўлади. У дўзахнинг эшикларини дадиллик билан бомбардимон қилиб, халқни шайтоннинг назоратидан озод қилади.

Бу охириги замон қўшини шайтоннинг қудратини ғолибона енгади ва охириги замон қимматбаҳо ҳосилини Худонинг қўлларига келтиради.

#### Ёвуз руҳлар оқимлари.

Бу ҳосилни тўхтатишга уринадиган ёвуз руҳлар оқими бўлади. Уларнинг мақсади Худонинг - Исо Масихнинг Хушхабари билан халқларни қўлга киритишга мўлжалланган етук ва шуҳратли жамоатлар ҳақидаги режасини барбод қилиш бўлади.

#### Қувиб юбориш

Шайтоннинг ўз режалари бор, аммо Худонинг яхшироқ режалари бор. Ишаъё душман тошқиндек келса, Раббий унга қарши қувувчиларни кўтаришини ёзган.

Бизлар ўша қувувчилармиз.

**Ишаъё 59:19 Раббийнинг номидан ® арбада ва Унинг шуҳратидан қуёш чиқар жойда қўрқадилар. Агар душман дарёдек келса, Раббийнинг Руҳи уни қувувчиларни кўтаради.**

#### Маҳаллий руҳлар

Ёвуз руҳлар:

- халқлар
- регионлар
- районлар
- оилалар

устиларидан мавжуддир.

Персиянинг сардори ёвуз руҳ бунга мисолдир. Бизлар айтдикки, Персияни бошқараётган ёвуз руҳ – Дониёрнинг ибодатига жавоб келтираётган Раббийнинг фариштасига қар

ши турди. Кейинроқ, осмондаги бош фаришталардан бир и бўлмиш Микоил – унга жангга ёрдам бериш учун юборилди.

Дониёр 10:13 Аммо Форс шоҳлигининг сардори менга йигирма бир кун қарши турди. Бироқ мана, бош сардорлардан бири Микоил менга ёрдам бериш учун келди; мен эса Форс подшоҳлари олдида қолган эдим.

## **ХУШХАБАРЧИЛИКДА УРУШ**

---

Бизлар хушхабар тарқатишни бошлаганимизда, шайтоннинг қотмаларига қарши чиқамиз. Бизлар Худо томонидан боғлаш ва ечиш учун берилган ҳуқуқимизни- асирларни озод қилиш учун ишлатишимиз керак.

Бизлар бош ҳокимлар билан тўғридан-тўғри қарама-қаршиликка чиқишимизни ҳисобга олишимиз керак.

Шунинг учун бизларга қуйидагилар муҳим:

- Кучли одамни билиш.
- Ўзимизнинг ҳокимиятимизни ишлатиш.
- Бостириб олинган ерларга эгалик қилиш.
- Жангга қандай киришни билиш!

### **Қаршилик қилувчи руҳлар**

Шайтоннинг қўшинида асосий ишлари хушхабар тарқалишига қаршилик қилиш бўлган кўринмас руҳий кучлар бор. Шафоатчи сифатида улар ҳақида билишимиз етишмаслиги натижасида, бизлар зулматнинг кўринмас кучларига тўғридан-тўғри ҳужум қилишда енгиламиз.

1-Салоникаликларга 2:18 Шунинг учун биз, айниқса мен, Повул, бир-икки марта олдингизга келмоқчи эдик, аммо шайтон бизга тўсқинлик қилди.

### **Руҳий кўрлик**

Шайтон имонсизларнинг юракларини улар хушхабарни қабул қилмасликлари учун кўр қилиб қўйган.

Имонлилар имонсизларнинг ҳаётларини бошқараётган ёвуз руҳларни боғлаб, бу руҳий кўрликни синдиришлари керак. Улар шунингдек, имонсизларга ёришиши учун хушxabар нурини ечишлари керак.

2-Коринфликларга 4:4 Ўша имонсизларнинг онгини бу дунёнинг худоси кўр қилиб қўйган, токи Худо тасвири бўлган Масиҳнинг шон-шуҳратли Хушxabарининг нури улар учун порламасин.

## Кучлини бо<sup>®</sup>лаш

Исо бизлар олдин - шахс, оила, район, вилоятлар, халқлар, территорияларда ҳукм сураётган руҳий ҳокимлар ва бошлиқлар бўлмиш кучлини боғлашимиз шарт эканлигини ўргатган.

Матто 12:29 Уйнинг эгаси бўлган бақувват кишини аввал бо<sup>®</sup>лаб қўймасдан туриб, биров унинг уйига кириб, мол-мулкини ў<sup>®</sup>ирлаб кета олармиди? Фақат шундай қилибгина уйни талаш мумкин.

Матто 18:18 Симун Петъор жавоб бериб деди:

-Сен барҳаёт Худонинг Ў<sup>®</sup>ли - Масиҳсан!

Бизлар ҳукм сураётган руҳларни таниш, сўнгра боғлаш ва ҳайдаб юбориш учун руҳларни фарқлаш инъомида ҳаркат қиламиз.

1-Коринфликларга 12:7-11 Аммо Руҳнинг намоён бўлиши ҳар кимнинг манфаати учун берилади. Бирига Руҳ томонидан донолик сўзи берилади, бошқасига эса худди ўша Руҳ томонидан билим сўзи берилади. Бирига худди ўша Руҳ томонидан имон, бошқасига эса худди ўша Руҳ томонидан шифокорлик инъомлари берилади. Бирига мўъжизакорлик, бошқасига эса пай<sup>®</sup>амбарчилик берилди; бирига руҳларни фарқлаш, бошқасига ҳар хил тиллар, яна бошқасига тилларни талқин қилиш инъомлари берилди. Бироқ буларнинг ҳаммасини ўша битта Руҳ келтиради. У Ўзи хоҳлагани бўйича буларни ҳар кимга алоҳида тақсимлайди.

## Руҳий жанг

Руҳий уруш кўпинча руҳий дунёда қаршилик қилувчи жанглари ўз ичига олади. Ҳар доим ҳам ибодатларимизга ва эҳтиёжларимизга жавобга осонликча эришмаймиз. Исо Масиҳнинг яхши аскарлари сифатида қийинчиликларга бардош беришимиз лозим бўлган вақтлар бўлади.

Бу ҳақда ҳаворий Повул ёзган:

Эфесликларга 6:12 Чунки бизнинг жангимиз қону танага қарши эмас, балки бу дунёдаги зулматни бошқарадиган бошлиқларга ва ҳокимлару ҳокимиятларга, осмон остидаги ёвузлик руҳларига қаршидир.

Довуд жанг вақтларида далда бериш сўзларини ёзган:

Санолар 90:11,13 Зеро фаришталарига сен ҳақингда -сени барча йўлларингда қўриқлашни топшириқ беради.

Чаён ва илонни босасан; Шер ва аждарни оёқ остида эзасан.

## Хизматкор фаришталар

Фаришталарнинг қудратли қўшини бизлар билан бирга жангга киришга қодирдир. Исо Отасига ибодат қилиши мумкинлигини ва Отаси Унга фаришталарни юборишини айтди.

Матто 26:53 Ёки ўйлайсанки, Мен Отамга илтижо қилол майманми? У менга ҳозироқ ўн икки тумандан кўпроқ фаришталарни юбориши мумкин.

Фаришталар жангга бизларнинг фойдамизга хизмат қилувчи руҳлар сифатида юборилишни хошлайдилар.

Ибронийларга 1:14 Фаришталарнинг ҳаммаси ҳам нажот мерўсхўрларига хизмат қилиш учун юборилган хизматчи руҳлар эмасми?

Бизлар Худонинг Сўзини сўзлай бошлаганимиздан, фаришталар жавоб берадилар ва бизларнинг фойдамизга ҳаракат қила бошлайдилар.

Санолар 102:20 Раббийни дуо қилинлар - кучда мустаҳкам бўлган, Унинг Сўзини бажараётган ва Унинг Сўзининг товушига бўйсунадиган барча фаришталари;

## УРУШ МИСОЛЛАРИ

---

### Осмондаги уруш

Библияда руҳий урушнинг мисоллари бор. Урушнинг мисолларидан бири Персиянинг шайтон ҳокими билан Микоил ҳамда унинг фаришталари орасидаги урушдир. Бошқа бир мисол осмонда Микоил ва шайтон ўртасида бўлиб ўтган жангдир.

Ваҳий 12:7-11 Осонда жанг бўлди. Микоил ва унинг фаришталари аждаҳога қарши урушдилар. Аждаҳо ҳам ўзининг фаришталари билан урушга тушди. Аммо аждаҳо олиб келмади. Осмонда уларга бошқа жой қолмади. Улкан аждаҳо - иблис ва шайтон деб аталган, бутун дунёни алдаб йўлдан оздираётган ўша алмисоқ илон ўз фаришталари билан бирга ер юзига отилди.

Ўшанда самодан баланд овоз билан айтилган бу сўзларни эшитдим:

"Энди Худойимиз нажоткорлиги, кудрати, салтанати ҳамда Унинг Масиҳи ҳукмронлиги ўрнатилди. Энди биродарларимизнинг туҳматчиси, Худойимиз ҳузурида уларга кеча-кундуз туҳмат қилаётган иблис ташқарига отилди.

Улар Қўзининг қони шарофати билан ва Ўзларининг шаходат каломи билан уни енгдилар.

Улар ўз жонларини то ўлгунча севмаган эдилар!

### Персия сардори

Раббий бизларни таъминлаган қуроллар - осмонда бизнинг устимизда авж олаётган уруш учун берилган руҳий қуроллардир. Бу уруш - буюк қудратга эга бўлган руҳий мавжудотларнинг иккита қўшини орасидаги урушдир. Уларнинг ҳар бири инсон ўғилларига эга бўлишни тенг талаб қиладилар.

Фаришталар Персиянинг ҳокими бўлган шайтонга қарши жанг қилдилар.

Ибодатга жавобнинг кечикиши Худонинг Дониёрнинг ибодатига жавоб беришни истамаганидан эмас эди. Ҳоким шайтон жавобни осмон остида тутиб қолган эди.

Дониёр 10:12,13 У эса менга деди: "Дониёр, кўркма. Сен тушунишга эришишинг учун ва Худонинг олдида ўзингн

и итоатли қилишинг учун ўз юрагингни мойил қилган ўша кундан бошлаб, сенинг сўзларинг эшитилган эди. Мен ўша сўзларинг бўйича келаётган эдим.

Аммо Форс шоҳлигининг сардори менга йигирма бир кун қарши турди. Бироқ мана, бош сардорлардан бири Микоил менга ёрдам бериш учун келди; мен эса Форс подшоҳлари олдида қолган эдим.

## Амалик

Амалик бизлар ибодат қилганимизда руҳий дунёда нима бўлишининг мисолидир. Амалик ва унинг қўшини шайтон ва унинг фаришталарини намойиш қилади. Жошуа Бин Нун ва унинг қўшини Микоил ва самовий фаришталарни намойиш қилади. Қояда, чўзилган ҳассаси билан турган Мусо шафоат ибодатида ибодат жангларини намойиш қилади.

Осмон остидаги урушда қуйидагилар ғолиб келганлар.

Ваҳий 12:11 Улар Қўзининг қони шарофати билан ва Ўзларининг шаҳодат каломи билан уни енгдилар.

Улар ўз жонларини то ўлгунча севмаган эдилар!

Чиқиш 17:8-12 Шу вақтда Амаликитлар келиб, Ревидим да Исроилликлар билан жанг қилишди. Мусо Ясуга деди: эркаклардан танлаб ол ва бориб Амаликитлар билан жанг қил; мен эртага қоянинг чўққисига чиқаман, Худонинг ҳассаси менинг қўлимда бўлади.

Ясу эса Мусо унга айтганидек қилиб, Амаликитлар билан жанг қилишга борди; Мусо, Ҳорун ва Орқирнинг чўққисига чиқишди. Мусо қўлларини кўтарганда Исроилликлар устун келишар эди; қўлларини туширганда эса Амаликитлар устун келишар эди. Аммо Мусонинг қўллари о<sup>®</sup>ирлашди; шунда тош олиб унинг тагига қўйишди, ва у тошга ўтирди. Ҳорун ва Орқирнинг қўллари ни бири бир томонидан, бошқаси эса бошқа томондан ушлаб туришди. Унинг қўллари қуёш ботгунча кўтарилиб турди.

## Ибодатда саёҳат қилиш

Зулматнинг кучларига қарши туриш зарурияти туғилганда, баъзан ғалаба қозониш учун ибодатда саёҳат қилиш зарурияти туғилади.

Муқаддас Рух шафоат ибодатларимизга сўз билан ифодаланмайдиган оҳ-нолалар билан ёрдам беради.

Римликларга 8:26,27 Шунингдек Рух ҳам заифликларимизда бизга ёрдам бермоқда; чунки биз қандай ибодат қилиш кераклигини билмаймиз, аммо Рухнинг Ўзи сўз билан ифодаланмайдиган оҳ-нола билан биз учун шафоат қилмоқда.

Юракларни синайдиган Худо эса Рухнинг фикрини билдирилади, чунки Рух Худонинг иродаси бўйича муқаддаслар учун шафоат қилмоқда.

Маҳсулдор уруш ибодатлари – бизлар ғалаба қозонишимизга тўлиқ ишончимизга асосланган имоннинг дадил ибодатларидир.

## ПАРТИЗАНЛИК МАШҒУЛОТИ

---

### Жанг театри

Повул имонлиларни Худонинг тўлиқ қурол-аслаҳаларини кийиб, душман билан жангга киришга руҳлантирди.

Эфесликларга 6:10-17 Ниҳоят, менинг биродарларим, Раббийда ва унинг қуватининг қудратида кучли бўлинглар. Иблиснинг ҳийлаларига қарши тура олишингиз учун Худонинг ҳамма қуролларига бурканинглар, чунки бизнинг жангимиз қону танага қарши эмас, балки бу дунёдаги зулматни бошқарадиган бошлиқларга ва ҳокимлару ҳокимиятларга, осмон остидаги ёвузлик руҳларига қаршидир. Шунинг учун сизлар ёвуз кунда қаршилик кўрсата олишингиз учун Худонинг ҳамма қуролларини қабул қилинглар, токи ҳаммасини бажариб, туриб қола олинглар.

Шунинг учун туриб, белингизни ҳақиқат камари билан боғланглар, ҳақлик совутига бурканинглар, тинчлик Хуш хабарини ёйиш учун оёқингизга тайёрликни кийинглар. Бунинг устига имон қалқонини олинглар, у билан ёвузн

инг ҳамма қиздирилган ўқларини ўчира оласизлар. Шун  
игдек нажот дубул®асини ва Худонинг Сўзи бўлган Рух  
нинг қиличини олинглар.

У 18-оятда жанг қичқириғини берди.

Эфесликларга 6:18 Барча ибодат ва илтижо билан Рухд  
а ҳамиша ибодат қилиб, бутун тиришқоқлик билан ҳуш  
р бўлинглар, ҳамма муқаддаслар учун илтижо қилингла  
р.

Уруш руҳий дунёдадир. Худонинг фаришталари ва шайто  
н ўз ёвуз руҳлари билан умумий, улкан тенгликда ҳаёт-ма  
мот жангида курашмоқдалар. Улар аёллар ва эркакларнинг  
онглари ҳамда жонлари учун курашмоқдалар.

Бу халқларни зулмат шоҳлигидан нур шоҳлигига олиб кири  
ш учун имонлиларнинг қуроли шафоат ибодатидир.

2-Коринфликларга 10:3-5 Ҳа, биз танада юрсак ҳам, тан  
авий куч билан жанг қилмаяпмиз. Жангимиздаги қуролл  
ар эса тана измига оид эмас, балки қалъаларни барбод  
қилиш учун Худодан куч-қудратлидир.

Булар билан Худони таниб билишга қарши кўтариладиг  
ан ҳар қандай ҳаёл ва кеккайишни йиқитамиз. Ҳар қанд  
ай фикрни Масихга бўйсунуши учун асир қиламиз.

Марк 3:27 Ҳеч ким уйнинг эгаси бўлган кучли кишини ав  
вал бо®лаб қўймасдан туриб, унинг уйига кириб, мол-ду  
нёсини ў®ирлаб кетолмайди. Фақат шундай қилибгина у  
йни талаш мумкин.

Исо бизларга шоҳликнинг калитларини берди ва У бизларн  
инг маълум вилоятда кучлини боғлаб куч билан шаҳарла  
римизни ва дунёдаги халқларни олишимизни кутмоқда. Б  
у фақатгина шафоат ибодати воситасида амалга оширил  
ади.

Ибодат – бу урушнинг тили!

## Ибодат ва Хушхабарчилик

Бизлар хирмон учун ибодат қилганимизда, дунёнинг халқ  
лари ва уларнинг бошлиқлари учун ибодат қиламиз. Бизл  
ар Хушхабар мўъжизалари учун яхши шароит яратадиган  
тинчлик муҳити учун ибодат қиламиз.

Повул Тимўтийга ёзганида, бизларга қандай ибодат қилиш имиз кераклиги мисолини берди.

1-Тимўтийга 2:1-4 Шундай қилиб, энг аввало шун илтимос қиламанки: барча инсонлар, подшоҳлар, ҳамма ҳокимлар ва бошлиқлар учун ибодатлар, илтижолар, шафоатлар қилинганлар ҳамда миннатдорчилик билдиринганлар, токи биз ҳар қандай диёнат ва покликда тинч ҳамда осойишта ҳаёт кечирайлик, чунки Нажоткоримиз Худонинг ҳузурида бу яхши ва маъқулдир. У барча инсонлар ҳақиқатни билиб олишларини ва нажот топишларини хоҳлайди.

## Кўр кўзларни очиш

Шафоат ибодати – инсонларнинг юракларидан кўрлик олиб ташланиши учун Худонинг тахтига йўналтирилган бўлиши керак. Бизлар имонсизларни кўр қиладиган руҳий зулматга қарши чиқишимиз керак.

2-Коринфликларга 4:3-6 Агарда Хушхабаримиз ёпиқ бўлса, у ҳалок бўлаётганлар учун ёпиқдир. Ўша имонсизларнинг онгини бу дунёнинг худоси кўр қилиб қўйган, токи Худо тасвири бўлган Масихнинг шон-шуҳратли Хушхабарининг нури улар учун порламасин. Чунки биз ўзимизни эмас, балки Масих Исо Раббийни воизлик қилмоқдамиз, биз эса Исо ҳақи сизларнинг қулларингизмиз. Зеро қорон<sup>®</sup>иликдан нур порлашига буюрган Худо бизнинг юракларимизни ёритди, токи Исо Масих сиймосидаги Худонинг шон-шуҳратини билишнинг нурини берсин.

Бизлар юракларни қоплаб турган пардани юлқиб ташлаш ва Хушхабар нурининг порлашига ижозат бериш ҳоқимиятига эгамиз.

## Қотмаларни парчалаш

Худо шайтоннинг қотмаларини барбод қилиш учун шафоат ибодатини қўлловчи ибодатчилар қўшинини кўтаришни истайди. У хирмонга тўсқинлик қилаётган ёвуз руҳларни боғловчи ва йўқотилганларни Масихга келтириш учун Муқаддас Руҳни ечадиган қўшин бўлишини истайди.

У хирмон Эгасидан хирмон далаларига қўпроқ ишчиларни юборишини ўтинадиган ва фаришталар танасини шайтон ва унинг фаришталарига қарши жангга жўнатадиган қўшин бўлишини истайди.

Ишаъё 43:5-7 Қўрқма, зеро Мен сен биланман.; Шарқдан сенинг қабилангни олиб келаман ва арбдан сени йиаман. Шимолга: "бер" ва жанубга: " ушлаб турма" - дейман; Менинг ўилларимни узоқдан ва Менинг қизларимни ер юзининг охирларидан олиб кел. Менинг исми билан аталадиган, Мен Ўз шуҳратим учун яратган, барпо этиб обод қилган ҳар бир кишини олиб келинглари.

### Хирмонни йиштириш

Рухий дунёда, ҳар бир территория устидаги жангда ғалаба қозонгач, бизлар хушxabар билан ҳаракат қилишимиз ва хушxabар мўъжизаси воситасида жонлар хирмонини йиғишимиз керак.

## ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

---

1. Жанговар Хушxabарчиликда маҳсулдор рухий уруш босқичларини қисқача ёзинг.
2. Жанговар Хушxabарчилик мўъжизасида маҳсулдор бўлиш учун бизлар қандай ибодат қилишимиз керак?
3. Фаришталар биз томонимизда жанг қилишларига қандай эришамиз?

## Олтинчи Дарс

### *Умумий хирмонни озод қилиш.*

Умумий хирмон йиғишнинг иккита муҳим шарти бор.

Булар ибодат ва Худони улуғлашдир.

## ИБОДАТ

---

### Мажбурият билан

Бизлар ибодат учун аниқ, маълум вақт ажратишимиз, сўнгра эса кун давомида руҳда санолар куйлашимиз ва шафоат ибодати қилишимиз керак.

Петъор ва Юҳаннонинг ибодат учун ажратилган вақтлари бор эди, бу соат тўққизда эди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 3:1 Ибодат вақти бўлган соат тўққизда Петъор Юҳанно билан бирга маъбадга бор аётган эдилар.

### Қайноқ

Ҳаворий Ёқуб кучли ибодат қилувчилар имкониятлар шоҳлигини олишларини айтган.

Ёқуб 5:16 Бир-бирингизга гуноҳларингизни эътироф этинглар ва шифо топишингиз учун бир-бирингиз учун ибодат қилинглар. Ҳақ кишининг<sup>®</sup> айратли ибодати кўп нарсани амалга ошира олади.

### Махсус

Бизлар кўпинча умумий ибодат қиламиз. Бу кўп имонни ўз ичига олмайди. Бизлар у ёки бу нарсани аниқ сўраганимизда, аниқ нарсалар содир бўлиши учун имонга эга бўламиз.

Матто 16:19 Осмон Шоҳлигининг очкичларини сенга бер аман. Ер юзида сен нимани бо<sup>®</sup>ласанг, осмонда ҳам бо<sup>®</sup>ланган бўлади. Ер юзида сен нимани ечсанг, осмонда ҳам ечилган бўлади.

## Бирликда

Илк жамоатнинг муваффақиятининг сабабларидан бири улар яқдиллик билан - биргаликда ибодат қилганлари эди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 4:24 Улар эса буни эшитгач, яқдиллик билан Худога овозларини баландлатиб дедилар: "Осмону ер, денгизлар ва уларнинг ичидаги ҳамма нарсани яратган Ҳукмрон Худойимиз!

## Қатъиятли

Исо қатъиятли ибодат натижалар келтиради деб ўргатган.

Луқо 11:9 Яна сизларга айтаманки: сўранглар ва сизларга берилади. Изланглар ва топасизлар. Тақиллатинглар ва сизларга очилади.

## Дадил

Бизлар бирор ноаниқ нарсани Худонинг иродаси эканлигини билсак, ўта дадиллик билан ибодат қила оламиз.

Масалан, бизлар йўқотилганларга қўлга киритиш доимо Худонинг иродаси эканлигини биламиз. Шунинг учун аниқ инсоннинг нажот топиши учун махсус ибодат қилишимиз

2-Петъор 3:9 Баъзилар буни имиллаш деб ҳисобласалар ҳам, Раббий ўз ваъдасини бажаришга имилламапти. Аксинча, У ҳеч кимнинг ҳалок бўлишини истамай, ҳамма тавба қилсин деб, сабр-тоқат билан кутиб турибди.

## Кутиш билан

Имон кутади. Бизлар имон билан ибодат қилганимизда, ибодатимизга жавоб келишини кутамиз.

Марк 11:23,24 -Худога ишончингиз бўлсин. Сизларга гапим шуки, агар ким бу тоққа: "Қўпорилиб денгизга отил", деса-ю, ўз қалбида шубҳаланмай, айтгани бажо келишига қаттиқ ишонса, айтгани бўлади. Бинобарин, сизларга айтаман: сиз ибодатда нимаики сўрасангиз, олишингизга ишонинглар ва эришасизлар.

## Кечиримда

Марк 11:25,26 Ибодат қилиб турганингизда бировда гинангиз бўлса, уни кечириб юборинг, токи осмондаги Отангиз ҳам сизларнинг гуноҳларингизни кечирсин. {Агар сиз

лар бошқаларнинг айб гуноҳларини кечирмасангизлар, осмондаги Отангиз ҳам сизларни кечирмайди.]

## ҲАМДУ-САНО ВА САЖДА ҚИЛИШ

---

### Ҳамду-сано нима?

Ҳамду-сано Худо бизлар учун қилган ҳамма нарса учун Унга эҳтиромимизнинг ва чин дилдан миннатдорчилигимизнинг изҳоридир. Бу Худога астойдил миннатдорчилигимизнинг жисмоний ва садоли изҳори қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Уни мақташ
- Унга мафтунликни намойиш қилиш
- Унга хушомад қилиш
- У ҳақда яхши сўзлаш
- Уни табриклаш
- Унга қарсак чалиш
- Уни шарафлаш
- Уни улуғлаш

### Сажда қилиш нима?

Сажда қилиш ҳамду-санонинг энг юқори шаклидир. Сажда қилиш Унинг бизларга берган барча мўъжизавий баракалари билан ёнма-ён юради. Бизлар Худони шундайлиги, ҳар актери, фазилатлари ва мукамаллиги учун мақтаймиз ва дилимиздагиларни изҳор қиламиз.

Сажда:

- Қалб таъзимини изҳор қилиш
- Муқаддас қўрқувни ҳис қилиш
- Сажда қилинаётган шахс қаршисида тиз чўкиш
- Қадрига бориш
- Унга ўрин бериш

### Худо билан муносабат

Барча тушкунликлар, ўзини паст кўриш, ва ҳудбинликлар - бизлар Раббийни шарафлаб, Унга сажда қилишни бошлаганимизда кетади. Бу имонлига Худонинг ҳузурига дадиллик билан кириб боришга ва У билан суҳбатлашишга озодлик беради.

Бизлар ҳамду-санонинг чўққисига кўтарилганимизда, У бизларни кўпинча Ўзининг шуҳратига олиб киради. Худонинг шуҳрати – Худонинг ҳаёти ва табиатининг намоён бўлиши, очил

иши ва шахслашишидир. Шарафли булутлар келганида Муқаддас Рухнинг инъомлари -бир лаҳзада шифоланиш ва озод бўлишни амалга ошириб, катта тезликда Ўзини намоён қилади.

2-Йилнома 5:13,14 Карнай чалаётганлар ва куйлаётганлар Раббийни улу<sup>®</sup>лаб, ҳамду-сано куйлашда - бирдек овоз чиқариб, бир кишидек эдилар; Карнайларнинг, но<sup>®</sup>ораларнинг ва мусиқа асбобларининг садоси гумбурлаганда ва Раббийни мақтаганларида, зеро У эзгу, зеро Унинг шафқати мангу, шунда уйни, Раббийнинг уйини бултўлдирди, ҳамда руҳонийлар булт туфайли оёқларидан тура олмадилар, чунки Раббийнинг шуҳрати Худонинг уйини тўлдирди.

## Оқаётган дарё

Бизлар Худога ҳамду-сано куйлаб сажда қилганимизда, Унинг ҳузури дарёдек оқади ва Унинг тахти орамизда қурилади. Бу Ҳезекил ёзган Худонинг тахтиравонидан оқадиган дарёдир.

Ҳезекил 47:1,9,12 Сўнгра у мени яна маъбаднинг эшикларига олиб келди, ва мана, маъбад остидан шарққа қараб сув оқар эди, зеро маъбад шарққа юзланиб турарди; ҳамда маъбаднинг ўнг биқинидан қурбонгоҳнинг <sup>®</sup>арбий томонига сув оқиб чиқарди.

Икки оқим сув кирадиган жойда бўлган ҳар қандай яшайдиган жонзот тирик бўлади; Балиқлар ҳам жуда кўп бўлади, чунки бу сув ўша жойга киради-ю сувлар со<sup>®</sup>ломлашадилар, бу оқим қаерга кирса, ўша жойда ҳамма нарсаси тирик бўлади.

Бу оқимнинг қир<sup>®</sup>оқларида, у ва бу томонидан озиқ бер адиган турли дарахтлар ўсадилар: уларнинг барглари сўлмайди ва уларнинг ҳосиллари камаймайди; Ҳар ойи янгилари етила бошлайди, чунки улар учун сув муқаддасгоҳдан оқмоқда; Уларнинг ҳосиллари овқатга, барглари эса даволашга ишлатилади.

Худонинг халқи табиий ҳамду-сано ва кўнгил саждасига йиғилганида – доимо Унинг руҳи инъомларининг оқими, мўъжизалар, аломатлар ва ажойиботлар оқими бўлади.

Юҳанно 7:37-38 Байрамнинг охириги, улу<sup>®</sup> кунида Исо тик турди-да, овозини баланд қилиб хитоб қилди:

**-Ким чанқаган бўлса, Менинг олдимга келиб ичсин. Муқаддас Битикда айтилганидек, Менга ишонганнинг вужу дидан ҳаётбахш сув дарё бўлиб оқади.**

Худонинг илоҳий севгиси бизлардан оқиб чиқар экан, бизлар Унинг қудратида ва раҳм-шафқатида ҳаракат қиламиз. Бизлар хушxabар мўъжизаси билан бу дунёнинг йўқотилганларини кўлга киритишда давом этамиз.

### **Ҳамду-сано қурбонлиги**

Ҳамду-сано қурбонлиги Худога ишлар бароридан келмаётгандек туюлганида қилинади.

Бу:

- Ҳамду-сано қурбонлиги ишлар қандай кечаётганидан қатъи-назар келтирилади.
- Ҳамду-сано қурбонлиги имон ва итоаткорлик билан келтирилади.
- Ҳамду-сано қурбонлиги – Худоимиз айнан шундай Худо эканлиги учун келтирилади.

**Ибронийларга 13:15 Шунинг учун, Исо орқали доимо Худого мақтов қурбонлигини, яъни Унинг номини шуҳратлайдиган оёқлардан ҳосилни келтирайлик.**

Бизлар Хушxabар мўъжизасида ҳаракат қилаётганимизда шайтон ва унинг жинлари бизларга қарши барча турдаги қаршилиқлар, муаммолар ва муваффақиятсизликдан қўрқиб қиш ҳиссини келтиришга ҳаракат қилади. Айнан шу вақтда, бизлар ҳамду-сано қурбонлиги келтиришни давом эттиришимиз керак.

### **➤ Повул ва Сила**

Повул ва Сила бизлар ҳамду-сано қурбонлигини қандай келтиришимиз кераклигининг яхши мисолларидир.

**Ҳаворийларнинг фаолияти 16:22-26 Оломон ҳам уларга қарши қўзғалиб кетди. Сардорлар эса уларнинг кийимларини йиртиб ташлаб, калтаклашни буюрдилар. Уларни кўп калтаклашгандан кейин зиндонга ташлаб, зиндонбонга қаттиқ қўриқлашни буюрдилар. У эса бундай буйруқ**

ни олиб, уларни ичкаридаги зиндонга ташлаб, оёқларини кундалаб қўйди. Тун яримлаб қолганда, Повул ва Сила ибодат қилиб, Худога куйлашар эди: маҳбуслар эса уларни эшитиб туришарди. Тўсатдан қаттиқ зилзила юз берди-да, қамоқхонанинг пойдеворини силкитиб ташлади. Ўша заҳоти барча эшиклар очилиб, ҳамманинг кишани бўшаб қолди.

Санолар 33:1 Ҳар доим Раббийни дуо қиламан. Унга тўхтовсиз ҳамду-сано Менинг о<sup>®</sup>зимда.

Ҳамду-сано қурбонлиги – давомий ва баланд санодир. Мазкур оятлар кўрсатяптики ҳамду-сано қурбонлиги Худога - бизларнинг ҳаётимизга, оиламизга, жамоатимизга, халқимиз ва дунёга Унинг илоҳий аралашини талаб қиладиган ҳолатлар юз берганида келтирилади.

### **Ҳамду-сано <sup>®</sup>алаба келтиради**

➤ *Подшоҳ Иософатнинг <sup>®</sup>алабаси*

Подшоҳ Иософат ва Исроил халқи қудратли душман билан юзлашганларида, подшоҳ ва халқ Раббийни улуғлай бошладилар. Душман қанчалар қудратли эканига урғу берилмади. Улар барча халқлар устидан ҳукм сураётган Худони улуғладилар. Сўнгра Худо уларга сўзлади ва ғалабани ваъда берди.

Иософат деди:

**2-Йилнома 20:6-9 Раббий, Оталаримизнинг Худоси! Осмондаги Худо Сен эмасми? Сен халқларнинг барча Шоҳликлари устидан ҳукмронлик қиласан, куч ва қудрат Сенинг қўлингда ва ҳеч ким Сенга қарши тура олмайди! Бу ернинг аҳолисини Ўз халқинг Исроилнинг юзи олдидан қувган ва уни Сенинг дўстинг Иброҳимнинг авлодига мангуликка берган Сен эмасмисан? Улар шу ерга жойлашдилар ва бу ерда Сенга атаб, Сенинг номингга муқаддасгоҳ қурдилар ва дедилар: "Агар бизларга кулфат келса: жазоловчи қиличми, ёки ярами, ёки очликми - бизлар шу уйнинг қаршисида, Сенинг ҳузурингда турамыз, зеро Сенинг номинг шу уйдадир. Сиқилганим**

изда Сенга фарёд қиламиз, шунда Сен эшитасан ва қутқарасан."

Раббийнинг руҳи Ёзоилга тушди.

15-18 оятлар: Ва у деди: Барча яҳудийлар, Иерусалимнинг аҳолиси ва подшоҳ Иософат қулоқ солинганлар! Раббий сизларга шундай деяпти: бу улкан кўпчиликдан қўрқманглар ва даҳшатга тушманглар, зеро бу сизларнинг эмас, Худонинг уруши. Эрта уларга қарши чиқасизлар: Мана улар Циц тепалигига кўтариляптилар, сизлар уларни водийнинг охирида Иерулом саҳроси олдида топасизлар. Бу дафъа сизлар жанг қилмайсизлар; сизлар қадларингизни ростланглар, туринглар ва Раббий сизларга юбораётган нажотга қаранглар. Яҳудо ва Иерусалим! Қўрқманглар ва даҳшатга тушманглар. Эртага уларнинг қаршисига чиқасизлар ва Раббий сизлар билан бирга бўлади.

Шунда Иософат, барча яҳудийлар ва Иерусалим аҳолиси Раббийга тиз чўкиш учун Раббийнинг қаршисига йиқилдилар.

➤ *Имонлилар бугунги кунларда*

Бизлар Раббийга ҳамду-сано куйлаб Унга сажда қилишни бошлаганимизда, У душманга қарши қопқонлар қўяди. Иософат ва Исроил фарзандлари душман енгилганидан кейин эмас, балки душман ҳали уларни қуршаб турганида ва уларнинг аҳволлари умидсиз туюлган вақтда ҳамду-сано қурбонлиги келтирдилар.

2-Йилнома 20:20-24 Улар эрталаб дарвақт туриб Текой саҳросига бордилар; Улар бораётганларида Иософат туриб деди: "Менга қулоқ солинганлар, Яҳудийлар ва Иерусалим аҳолиси! Раббий Худоларингга ишонинглар ва мустаҳкам бўлинглар; Унинг пай<sup>®</sup> амбарларига ишонинглар ва муваффақият қозонасизлар."

У халқ билан маслаҳатлашиб Раббийга куйловч иларни қўйди, токи улар қўшиндан олдин юриб, муқаддаслик гўзаллигини тараннум қилсинлар ва десинлар: Раббийни шарафланглар, зеро Унинг шафқати мангу!

Улар ҳайқириб, ҳамду-сано куйлаётганларида, Раббий Яҳудияга қарши келган Аммонитликлар, Моавитликлар ва Сеир то<sup>®</sup>и аҳолиси орасида келишмовчиликни қўз<sup>®</sup>атди ва улар енгилдилар.

Зеро Аммонитликлар ва Моавитликлар Сеир то<sup>®</sup>и аҳолисига қарши кўтарилиб, уларни ўлдира бошладилар ва қира бошладилар. Сеир аҳолисини яксон қилганларидан сўнг эса бир-бирларини қира бошладилар.

Яҳудийлар саҳродаги тепаликка келганларида ўша кўпчиликка қарадилар - ва мана, ерда мурдалар ётарди ва бирорта тирик жон қолгани йўқ эди.

Ҳозирги кунларда, бизлар ҳам Ўз шаҳарларимизни ва дунёнинг халқларини ҳамду-сано орқали олишимиз мумкин. Бизлар Худони улуғлаганимизда Унинг қудрати озод қилинади. Фаришталар бизнинг томонимизда ҳаракат қила бошлайдилар. Бизлар ҳам хушxabар мўъжизаси орқали қозонилган улкан ғалабаларни кўраимиз. Бизлар ҳам буюк қувонч ҳис қиламиз.

2-Йилнома 20:27-29 Барча Яҳудийлар, ва Иерусалимликлар Иософат бошчилигида -Раббий уларга душманлари устидан тантана бергани туфайли Иерусалимга қувонч билан қайтиш учун ортга қайтдилар.

Иерусалимга санолар, но<sup>®</sup>оралар ва карнайлар билан Раббийнинг уйига келдилар.

Раббийнинг Ўзи Исроилнинг душманлари билан жанг қилганини эшитганларида ерлик барча ш оҳликларни даҳшат қоплади.

Хушxabар мўъжизасида, бизлар уйларга, шаҳарларга халқларга ҳамду-сано билан боришимиз бора сида, Худо душманга қарши бизнинг томонимизда ҳаракат қилади. Бизлар Исони қабул қилиш учун тайёр юракларни ва очиқ эшикларни кўрамиз. Биз ўз шаҳарларимизни Худо учун оламиз!

## ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

---

1. Умумий хирмон йиғишнинг иккита шарти нима?

2. Умумий хирмон йиғиш учун керак бўлган маҳсулдор ибодатнинг еттита хусусиятини ёзинг.

3. Библияда берилган Худони улуғлаш натижасида келган ғалабанинг мисолини айтинг.

## Еттинчи дарс

### *Худонинг қўшини*

#### **ИНТИЛУВЧИ БУЮК ҚЎШИН**

---

Ҳезеқил пайғамбар қуруқ суяклар водийси ҳақида башорат қилган эди. У Исроил халқига тааллуқли нарсаларни башорат қилган эди. Лекин бизлар атрофимизга, бугунги кунларимиздаги жамоатларга қарасак, бизларни қачонлардир чиройли, ҳаракатчан ва актив бўлган, ҳозир ҳафсала си пир, яраланган, ночор қолиб, барбод бўлган Масиҳийлар ўраб турибди.

Бу Худо тасвирлаган қўшин тури эмас. У- Худонинг шоҳлигига қудрат билан олға интиладиган обрўли, бақувват қўшин ҳақида сўзлаяпти.

Муқаддас Рухнинг нафаси - бутун дунё бўйлаб жонларнинг хирмонини йиғиш учун Худонинг қўшинини қайта тиклаяпти.

Бизлар Ҳезеқил билан бирга ишонишимиз мумкин.

**Ҳезеқил 37:10 У менга буюрганидек башорат қилдим ва уларга руҳ кирди, ҳамда улар тирилдилар-у, оёққа турдилар, улар ўта, ўта катта қўшин эдилар.**

#### **Гидеон мисол сифатида**

Бугун Худо кўтараётган қўшин сон жиҳатидан катта бўлишга боғлиқ эмас. У Худонинг қудратига боғлиқ. Исроил халқи жоҳил Маданитларнинг бошқаруви остида бўлганида, Худо бир инсоннинг, Гидеоннинг олдида фариштани юборди.

**Ҳакамлар 6:12 Унга Раббийнинг фариштаси намоён бўлиб деди: Раббий сен билан, кучли инсон!**

Худо сўзлади. Гидеон ишонди ва айнан шу сўзга биноан ҳаракат қилди. Эътибор беринг, Худо кўп сонли одамларга муҳтож бўлмади. У бедор ва қўрқмас, бағишланган одамларга муҳтож эди.

**Ҳакамлар 7:1-7 Иеровоал, шунинг ўзи Гидеон ҳам у билан бирга бўлган халқ билан бирга эрталаб турди, ҳамда Ҳарод було®ида қўшин бўлиб жойлашди; Маданит қўшини эса шимол томонда водийда, Море тепалигида эди.**

**Раббий Гидеонга деди: Сен билан бирга бўлган халқ кўп, Маданитларни сенинг қўлингга бера олмайман, то**

ки Исроил Менинг қаршимда ма<sup>®</sup>рурланмасин ҳамда: "Менинг қўлим мени қутқарди",-демасин;

Шундай қилиб, халққа баланд овозда эълон қилиб айтгин: "Ким қўрқоқ ва уятчан бўлса Галаад то<sup>®</sup>идан кетсин ва ортига қайтсин." Шунда халқдан йигирма икки мингтаси қайтди, ўн мингтаси қолди.

Раббий Гидеонга деди: Ҳали ҳам халқ кўп; Уларни сувга олиб бор, ўша жойда Мен сенга улардан баъзиларини танлаб бераман; Ким ҳақида: "Сен билан борсин"-десам, ўша сен билан борсин; Ким ҳақида: "Сен билан бормасин"-десам, у сен билан бормасин.

У халқни сувга олиб келди, ва Раббий Гидеонга деди: Ким сувни ит ялайдигандек тили билан яласа, уни ажратиб қолдир. Худди шунингдек, тиззаларига тиз чўкиб сув ичадиганларни ҳам ажратиб алоҳида қўй.

Қўлларидан сувни о<sup>®</sup>излари билан ялаганларнинг сони уч юзта одам бўлди; Бошқа ҳамма халқ сув ичиш учун тиззаларига тиз чўккан эди.

Раббий Гидеонга деди: Уч юзта сувни ялаб ичганлар билан Мен сизларни қутқараман ва Маданитларни сизларнинг қўлларингга топшираман; Бутун халқ эса ўз жойига кетсин.

Худо жангга тайёрлаш ва қуроллантириш учун бутун дунё бўйлаб эркак ва аёлларни кўтаряпти. Бизлар душман кучларини енгиб, йўқотилган майдонларни қайтариб олаётган кучли жангчилар каби, Унинг Руҳи ва Унинг Сўзи қудратида олдинга интилувчи кучли қўшин бўламиз.

Худо Гидеонга сўзлагани каби, бугунги кунларимиздаги жамоатларимизга сўзлаяпти: "Худо сен билан, сен кучли, жасур инсонсан."

## Йўэл башорати

➤ *Жангга тайерлан*

Йўэл пайғамбар томонидан айтилган жанг қичқириғи ҳозирги кунга қадар давом этапти. Бу ҳануз Раббийнинг бутун дунёдаги хизматкорларига жанг қичқириғи.

Йўэл 2:1,11; 3:9 Сионда карнай чалинглари ва Менинг муқаддас то<sup>®</sup>имда хабар қилинглари; Бутун ер аҳли титрасин, зеро Раббийнинг кунни яқинлашмоқда, зеро у яқин

Шунда Раббий Ўз қўшини олдидан овоз беради, зеро Унинг қўшини сон-саноксиздир ва Унинг Сўзини бажар

увчи қудратлидир; Зеро Раббийнинг куни улу® ва ўта даҳшатлидир, ким унга чидай олади?

Халқлар орасида буни эълон қилинлар, урушга тайё рланинлар, жасурларни уй®отинлар; Чиқсинлар, барч а жангчилар кўтарилсинлар!

Имонлиларнинг юракларида Худонинг қудратли эркаклари ва аёллари бўлишга кучли истак уйғонмоқда.

➤Жучли олдинга интилиш

Бу-Худонинг Шоҳлигига куч билан интилиб - агрессив раҳ м-шафқат, агрессив имон, агрессив итоат билан бораётган агрессив қўшиндир.

Матто 11:12 Яҳё пай®амбар кунларидан бошлаб, то ҳоз иргача Осмон Шоҳлиги куч билан олинмоқда, ва куч ишлатадиганлар унга суқилиб кирадилар;

➤Умумий хирмон

Худонинг қўшинини йиғишдан мақсад - умумий хирмондир. Охири замон яқин. Исо яқинда келади. Худонинг Руҳи буту н дунё бўйлаб, илгари ҳеч қачон эшитилмаган ёки кўрилм аган даражада аломатлар, ажойиботлар ва мўъжизалар б илан ҳаракат қиляпти.

Йўэлнинг башорати давом этяпти.

Йўэл 3:13,14 Ўроқларни ишга солинлар, зеро ҳосил ети лди; Боринлар, киришинлар, зеро шароб идишлари тў лди ва тошиб тўкиляпти, чунки уларнинг зулмати улк андир.

Тўп-тўп одамлар, Тўп-тўп одамлар ҳукм водийсида! З еро ҳукм водийсида Раббийнинг куни яқин!

## ХУДОНИНГ ҚУРОЛИ

Худо бизни душман қаршисида ҳимоясиз қолдирган эмас. У бизни ҳимоямиз ва ғалабамиз учун қурол билан таъм инлади.

Эфесликларга 6:10 - 17 Ниҳоят, менинг биродарларим, Раббийда ва унинг қувватининг қудртида кучли бўлинлар. Иблиснинг ҳийлаларига қарши тура олишингиз учун Худонинг ҳамма қуролларига бурканинлар, чунки бизнинг жангимиз қону танага қарши эмас, балки бу дунёда ги зулматни бошқарадиган бошлиқларга ва ҳокимлару ҳокимиятларга осмон остидаги ёвузлик руҳларига қаршидир. Шунинг учун сизлар ёвуз кунда қаршилиқ кўрса та олишингиз учун Худонинг ҳамма қуролларини қабул

қилинглар, токи ҳаммасини бажариб, туриб қола олингл ар. Шунинг учун туриб, белингизни ҳақиқат камари билан бо<sup>®</sup>ланглар, ҳақлик совутига бурканинглар, тинчлик Х ушхабарини ёйиш учун оё<sup>®</sup>ингизни тайёрлик билан кийи нглар. Бунинг устига имон қалқонини олинглар, у билан ёвузнинг ҳамма қиздирилган ўқларини ўчира оласизла р. Шунингдек нажот дубул<sup>®</sup>асини ва Худонинг Сўзи бўл ган Рухнинг қиличини олинглар.

Бизлар душман билан юзлашимиздан олдин, Худонинг барча қурол аслаҳаларини кийишни ўрганишимиз керак. Хозир тайёр бўлиш, руҳий қуролларимиз билан қуроллани ш, имон қалқони ҳамда Исонинг қони билан қопланиб ҳи мояланиш вақти.

➤*Ҳақиқат*

Ҳақиқат камарга ўхшайди, у ҳамма нарсани ўз жойида у шлайди. Шахсий ҳаётимизда покликсиз, Худонинг қуроллар идан ҳеч қайсиси танамизда турмайди.

➤*Ҳақлик*

Ҳақлик бизга душмандан ҳимояни таъминлайди. Ҳақлик қ алқони билан қопланган вақтимизда, бизлар душманнинг ҳ ужумларига қарши тура оламиз.

➤*Тинчлик хушхабари*

Тинчлик хушхабари, душманга қарши мустаҳкам тура оли шимиз учун барқарорлик ва хавфсизлик билан таъминла йди.

➤*Имон қалқони*

Имон қалқони кучли ҳимояни таъминлайди. У душманнин г қиздирилган ўқ-ёйларини ўчиради.

➤*Нажот дубул<sup>®</sup>аси*

Нажот дубулғаси бошни ҳимоя қилади. Бизлар Худо бутун инсониятни таъминлаган умумий нажотни тушунсак ва онг имизни шу нажот билан янгиласак, ҳимояланган бўламиз.

➤*Рухнинг қиличи*

Рухнинг қиличи - бизлар эга бўлган ягона ҳужум қилиш қ уролидир. Бу Худонинг Сўзи. Бизлар Худонинг Сўзига ишони б, Уни оғзимиздан чиқарганимизда, шайтон бу қудратли қ уролни тўхтата оладиган бирорта ҳимояга эга эмас. Бизл

ар Рухнинг қиличини Осмон Шоҳлигига куч билан яқинлаш иш учун ишлатишимиз мумкин.

➤Тилларда ибодат қилиш

Ибодат Худонинг қудратини бизнинг ҳаётимиз орқали оқиш ига имкон беради. Бизлар жанг учун тўлиқ қуролланганимиз дан сўнг, фақат шундан сўнггина ибодат орқали жанг м айдониға кирамиз.

Агар бизлар ибодат қилувчи жангчилар бўлмасак, бизлар Ра ббийнинг Қўшинида жанг қилмаяпмиз.

Эфесликларга 6:18 Барча ибодат ва илтижолар билан Р уҳда ҳамиша ибодат қилиб, бутун тиришқоқлик билан ҳушёр бўлинглар, ҳамма муқаддаслар учун илтижо қ илинглр.

## ШОҲЛИКНИНГ КАЛИТЛАРИ

---

Исо Шоҳлик калитларини тортиб олди ва уларни бизларга берди. Жамоат дунёнинг халқларига хушхабарни еткази ш учун, ушбу калитларни ишлатиш жавобгарлигига эга.

Вахий1:18 Ўнг қўлида етти юлдузни тутиб турар, о®зид ан ўткир дудама қилич чиқазиб турар эди. Унинг юзи к уннинг қизи®ида балқийдиган қуёшдай балқиб турард и.

Матто 16:19 Осмон Шоҳлигининг очқичларини сенга бе раман. Ер юзида сен нимани бо®ласанг, осмонда ҳам бо ®ланган бўлади. Ер юзида сен нимани ечсанг, осмонда ҳам ечилган бўлади.

➤Исонинг қони

Бизлар эга бўлган ғалабанинг биринчи калити бу Исонинг қонидир. Бизлар Исони ўз Раббимиз ва Нажоткоримиз д еб қабул қилган вақтимиздан ушбу калитни ишлатиш им конияти берилади.

Ибронийларга 9:12,14 Масих такалар ва ҳўкизларнинг қ они билан эмас, балки Ўз қони билан муқаддас маконг а бир марта кириб, бизларни шу тўлов билан то-абад қ айта сотиб олди. Чунки агар такалару ҳўкизларнинг қо ни ҳамда ®унажиннинг кули ҳаром бўлганларга пуркал иб, уларнинг бадани покланиши учун муқаддасланадиг ан бўлса, унда барҳаёт Худога хизмат қилишимиз учун Масихнинг қони нақадар ортиқ виждонимизни ўлимли ишлардан поклайди. Чунки Исо абадий Рух орқали Ўз ини нуқсонсизликда Худога ба®ишлади.

➤ **Қон орқали** <sup>®</sup>*алаба қозониш*

Исонинг қони орқали бизлар, Одам Ато шайтонга олдирган асл ўрнимизга тикландик. Энди бизлар умидсиз ва енгилган эмасмиз. Бизлар қайта ва қайта ғолиб ва қўли баланд келувчилармиз.

Бизлар Исонинг Қони орқали шайтонни енгимиз мумкин.

**Вахий 12:11 Улар Қўзининг қони шарофати билан ва Ўзларининг шаҳодат Сўзлари билан уни енгдилар.**

**Улар ўз жонларини то ўлгунча севмаган эдилар!**

➤ **Қон орқали** <sup>®</sup>*ҳимоя*

Қон орқали ҳимоя ва ғалаба бор. Бизлар дадиллик билан Исонинг қони билан қопланганимизни ва шайтонни Қўзининг қони билан енгимизни эътироф этишимиз керак.

**Худонинг Сўзи**

Худонинг Сўзи оғзимиздан чиққанида, У бизнинг ҳаётимизда қудратли кучга айланади. Худонинг Сўзи - бизнинг руҳий қиличимиз.

➤ **Сўз** <sup>®</sup>*алаба олиб келади*

Ҳаворий Юҳанно Худонинг Сўзини билган ва ғалабага эга бўлган йигит ҳақида ёзган.

**1-Юҳанно 2:14 Эй оталар, мен сизларга ёздим, чунки сизлар азалдан бор Бўлганни таниб билдингизлар. Йигитлар, мен сизларга ёздим, чунки сизлар кучлисизлар; Худонинг Сўзи ичингизда жо бўлмоқда ва сизлар ёвуз шайтонни енгдингизлар.**

Бизлар Худонинг Сўзини билганимизда ва уни сўзлаганимизда, ғалабага эришишимиз мумкин.

➤ **Худонинг Сўзини айтинг**

Хизматкори соғайиши учун, Исонинг олдига келган юзбоши, айтиладиган сўзнинг қудратини ва аҳамиятини тушунган эди.

**Матто 8:8-10 Юзбоши жавоб бериб:**

-Ҳазрат! - деди, - Кулбамга оёқ босишинг учун мен муноси эмасман. Сен биргина сўз айтсанг бас, хизматкорим со<sup>®</sup>айиб кетади. Чунки мен ҳам буйруққа тобе одамман, шунингдек, менинг буйру<sup>®</sup>имга бўйсунувчи аскарлар

им ҳам бор. Бирига "кет" десам, кетади. Бошқасига "кел" десам, келади. Бирон хизматкоримга "шуни қил" десам, қилади.

Исо буни эшитгач ҳайрон қолди. Орқасидан эргашиб к елаётганларга:

-Сизларга чинини айтайин, - деди, - Мен бунчалик бую к ишончни Исроилнинг бирон жойида ҳам топмадим.

## Исонинг номи

Исо Унинг номига ишонувчилар - бутун дунё бўйлаб юриб Унинг хушxabарини воизлик қилганларида аломатлар ва мўъжизалар уларга ҳамроҳ бўлишини ваъда берди.

Марк 16:15-18 Исо шогирдларига деди: "Бутун жаҳон бўйлаб юринглар ва ҳамма тирик жонга Инжил Хушxabарни тар<sup>®</sup>иб қилинглар. Ким ишониб, сувда имон келтирса, нажот топади. Ишонмаган эса маҳкум бўлади. Қуйидаги аломатлар имонлиларга ҳамроҳ бўлади: Менинг номим билан жинларни қувиб чиқарадилар. Янги тилларда сўзлайдилар. Қўлларига илон олиб кўтарсалар еки ҳалокатли бирон нарса ичсалар ҳам, уларга зарар етмайди. Беморларга қўлларини қўйганларида улар со<sup>®</sup>айиб кетадилар.

### ➤ Унинг номи билан сўранг

Исо бизга Унинг номини ишлатиш ҳуқуқини ва имтиёзини берди. У бизни Унинг номини ишлатишга йўналтирди.

Юҳанно 14:12-14 Сизларга ростини айтайин: Менга ишонган киши Мен қилаётган ишларни ўзи қилади ва ҳатто бундан каттаро<sup>®</sup>ини ҳам қилади. Зеро Мен Отанинг олдида кетяпман. Менинг номимдан Отадан бирор нарса сўрасангизлар, уни бажо келтираман, токи Ота Ў<sup>®</sup>ли орқали улу<sup>®</sup>лансин. Ҳа, Менинг номим учун нима сўрасангизлар, Мен уни бажо келтираман.

Юҳанно 16:23-24 Ўша куни Мендан ҳеч нарса сўрамайсизлар. Сизларга ростини айтайин: агар Менинг номимдан Отадан нима сўрасангизлар, Ўзи сизларга беради. Ҳозиргача Менинг номимдан Отадан бирон нарса сўрамадингизлар. Сўранглар, эришасизлар ва қувончингиз камол топади.

### ➤ Барча номдан устун

Исонинг номи бошқа ҳар қандай номдан устундир. Унинг номи қаршисида самовий дунёдаги ва ердаги ҳар қандай зот тиз чўқади

Филиппликларга 2:9-10 Шунинг учун Худо Уни жуда ю ксалтирди ва Унга ҳар қандай исмдан юқори бўлган исми ато этди, токи Исонинг исми олдида самодаги, ердаги ва ер остидаги ҳар қандай зот тиз чўксин.

➤ Унинг номидаги шифо

Петъор ва Юҳанно Исонинг номи билан шифоладилар.

Ҳаворийлар фаолияти 3:6,12,16 Унда Петъор унга: "Менда кумуш ва олтин йўқ, аммо эга бўлганимни сенга бераман: Носиралик Исо Масих номидан ўрнингдан туриб юр!"- деб айтди,

Петъор буни кўрганида, халққа деди: "Исроил эрлари! Нима учун бунга ҳайрон бўляпсизлар? Гўё бизлар ўз кудратимиз ёки диёнатлигимиз билан уни оёида юрибиз анимиздай, нега бизларга қараб турибсизлар?"

Мана, Унинг исмига ишониш орқали Унинг исми бу сизлар кўрган ва билган одамни қувватлади. Раббийдан бўлган имон эса ҳаммаларингизнинг олдингизда унга шифо берди.

➤ Жинлар бўйсундилар

Повул жинларга Исо номи билан чиқиб кетишни буюрди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 16:18 Шундай қилиб, у кўп кундан бери буни қилар эди. Повул эса аччиқланиб, унга бурилди-да, руҳга деди: "Исо Масихнинг номи билан сенга буюраман: чиқиб кет ундан." Ўша заҳоти руҳ ундан чиқиб кетди.

Хотима

Буюк Топшириқ Қўшинида бўлган ҳар бир имонли хушхабар мўъжизасида учта калитни ишлатишни билиши керак. Ҳаворийлар китобида жонларнинг улуғ хирмони келтиришда шогирдлар бу калитларни қандай ишлатганларини кўрамиз.

Бугун, Ҳаворийларнинг китобидагидек, ғалабанинг ушбу калитлари билан қуролланган Худонинг қудратли қўшини кў тарилмоқда. Шаҳарларимизнинг кўчаларида аломатлар ва мўъжизалар Худонинг Сўзини тасдиқлаяпти. Хушхабар мўъжизаси учун қуролланган ва таъминланган Худонинг қўшини - охириги замон улкан хирмонини бошлади.

## **ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР**

---

- 1) Ким бугун Худонинг қўшинида?
  
- 2) Руҳий қурол-аслаҳаларимизни номланг ва уларнинг ҳар бири нима учун ишлатилишини ёзинг.
  
- 3) Хушхабар мўъжизасининг учта калити нима?

## Саккизинчи дарс.

### *Қудратли Хушхабар ҳаракатда*

Рухонийлар яратган урф-одатлар барбод бўлди. Худо янги имонлилар авлодини кўтармоқда. Улар бостириб киришга ва Исо қилган ишларни қилишга дадилдирлар.

#### **ҚУДРАТЛИ ХУШХАБАРЧИЛАР**

---

##### **Хирмон майдони**

Исо хирмон кўп, аммо йиғувчилар оз деди. Бизнинг Отами з Худо-хирмоннинг Раббийсидир, ва У йиғувчиларни майдонга юборди.

Матто 9:37,38 Ўша вақтда Исо Ўз шогирдларига деди: Ҳосил мўл, бироқ юмушчилар оз. Ўз ҳосилингни йи<sup>®</sup>иб-терадиган юмушчилар юбор, юеб ҳосил Эгасига илтижо қилинглр".

##### **Экиш ва ўриш қонуни**

Худонинг экиш ва ўриш қонуни ҳануз кучга эга.

Жамоат ҳар бир майдонда нимани экса шуни ўриб олади. Агар бизлар енгилмасак, хирмонни кўраимиз.

Галатликларга 6:7-9 Адашманглр, Худо ҳақоратланган бўлмайди. Одам нима экса, шуни ўради. Ўзининг тана сига экувчи танасидан чиришни ўриб олади; Рухга экувчи эса Рухдан мангу ҳаёт ўриб олади. Шу йўсинда яхшилик қилиб, тушкунликка тушмайлик; чунки агар ҳолсизланиб қолмасак, ўз фаслида ўриб оламиз.

##### **Таъминотни кўпайтириш**

Худо экувчини уруғ ва ейувчини нон билан таъминлашни ваъда берган. У ҳатто бизнинг уруғимизни кўлайтиришни ва ҳосилимизни ўстиришни ваъда берган.

2-Коринфликларга 9:10 Уру<sup>®</sup> экувчига уру<sup>®</sup> ва озиқа учун нон берадиган Худо сизларнинг экканингизни ҳам мўл қилади ва ҳақлигингизнинг ҳосилларини ошириб юборади.

## Хушхабар мўъжизаси

Буюк топшириқдаги Исонинг хушхабар тарқатишга йўллан масида мўъжизалар муҳим ўринни эгаллар эди.

Марк 16:15,17,18,20 Исо шогрдларига деди: "Бутун жаҳон бўйлаб юринглар ва ҳамма тирик жонга Инжил Хуш хабарини тарқатиб қилинглари. Қуйидаги аломатлар имонлиларга ҳамроҳ бўлади: Менинг номим билан жинларни қувиб чиқарадилар. Янги тилларда сўзлайдилар. Қўлла рига илон олиб қўтарсалар ёки ҳалокатли бирон нарса ичсалар ҳам, уларга зарар етмайди. Беморларга қўлларини қўйганларида, улар соғайиб кетадилар".

Шогирдлар эса кетиб, ҳамма ёқда воизлик қилиб юрдилар. Раббимиз уларга кўмаклашар ва пайдо қилган мўъжизалар орқали Ўз Сўзини тасдиқлар эди.

Матто 28:19-20 Шунинг учун бориб, барча халқлардан шогирд орттиринглар. Уларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух номи билан сувга чўмдириб, имонга киритинглар. Мен сизларга буюрган ҳамма нарсага амал қилишни уларга ўртатинглар. Мана, Мен ҳар куни, дунёнинг охиригача сизлар билан бирга бўламан".

Исо бизлар дунёга бориб, барча халқлардан шогирдлар орттиришимизни айтди. Бизлар уларни сувга чўмдириб, Исо буюрган ҳамма нарсани қилишга ўргатишимиз керак. Бизлар имонлиларга муваффақиятли хушхабар тарқатувчиликни, жинларни қувиб чиқаришни, ва беморларга қўл қўйиб шифолашни ўргатишимиз керак.

## Исо бизга намунадир

Исо Ўз хизматини шахсан:

- Таълим бериш
- Воизлик қилиш
- Шифолаш
- Асирларни озод қилиш
- Раҳм шафқат кўрсатиш

билан бошлади.

Луқо 4:18-19 "Худованднинг Рухи Менинг устимда, чунки қашшоқларга хушхабарни эълон қилиш учун, дили эзилганларга шифо бериш учун, асирларга халос бўлишларини, кўрларга кўзлари очилишини воизлик қилиш учун, азоб чекканларни озодликка чиқариш учун, Худо

ванднинг илтифот йилини воизлик қилиш учун У Мени мойлаб юборди."

Матто 9:35-36 Исо ҳамма шаҳар-қишлоқларни айланадиган бўлди. Маҳаллий ибодатхоналарда таълим бериб, Худонинг Шоҳлиги тўрисидаги Хушхабарни эълон қилар ва одамларнинг ҳар хил дарду дармонсизликларини даволар эди. Халқ оломонини кўриб, Исо уларга ачинди; чунки чўпонсиз қўйлардай довдираган ва ҳолдан тойган эдилар.

Юҳанно 14:12 Сизларга ростини айтайин: Менга ишонган киши Мен қилаётган ишларни ўзи қилади ва ҳатто бундан каттародини ҳам қилади. Зеро Мен Отамнинг олдига кетяпман.

## **КЎПАЙИШ**

---

Биринчидан, Исонинг хизмати маълум вақт бирлигида битта қишлоқ ёки шаҳар билан чекланган эди.

### **Ўн иккита шогирд**

Сўнг Исо Ўз хизматини ўн иккита шогирдига топшириқ бериб кўпайтира бошлади. Улар ҳам айнан Исо уларга кўрсатган хизматни қилишлари керак эди. Исо уларга ўргатди. Улар ҳам Исо эга бўлган севги ва раҳм-шафқат билан ҳар кат қилишлари керак эди.

Матто 9:36-38 Халқ оломонини кўриб, Исо уларга ачинди; чунки чўпонсиз қўйлардай довдираган ва ҳолдан тойган эдилар.

Ўша вақтда Исо Ўз шогирдларига деди: "Ҳосил мўл, бир оқ юмушчилар оз. Ўз Ҳосилингни йиғиб-терадиган юмушчилар юбор, деб ҳосил Эгасига илтижо қилинглар".

Биринчидан шогирдлар хирмон учун ибодат қилишлари керак эди. Сўнгра уларга топшириқ берилиб, ҳокимият берилган ва хизматга юборилган эдилар.

Матто 10:1,5,7,8. Исо Ўзининг ўн икки шогирдини ёнига чақириб, одамлардан ёмон руҳларни қувиб чиқариш ва ҳар қандай дарду иллатни соғайтириш учун уларга қудрат ато этди.

Исо бу ўн икковини жўнатиб, буйруқ берди: "Мажусийлар йўлига оёқ босманглар ва самарияликларнинг бирон шаҳрига кирманглар. Йўлингиз қайга тушмасин, элга: "Осмон Шоҳлиги яқинлаб қолди,"—деб эълон қилинглар. Хасталарни соғайтиринглар, моховларни пок қил

инглар, ўликларни тирилтиринглар, жинларни қувиб ч  
иқаринглар. Текин олдингизлар, текин беринглар.

## Етмишта шогирд

Ўн иккита шогирди қувониб қайтгач, Исо етмишта шогирди  
га топшириқ бериб жўнатди.

Луқо 10:1,9 Шундан сўнг Раббий бошқа етмишта шогир  
дни ҳам танлади ва Ўзи бормоқчи бўлган ҳар бир ш  
аҳарга, ҳар бир жойга уларни Ўзидан олдин иккитада  
н юборди.

Ўша ердаги беморларни шифоланглар ва уларга: "Худо  
нинг Шоҳлиги сизларга яқинлашди,"-деб айтинглар.

## Ҳар бир имонли

Исо ердан кетишидан олдин, У барча имонлиларга топшир  
иқ берди ва уларни хизматга юборди. Имонлилар Исонинг  
ишларини қилишлари, ҳатто Исодан кўра улуғроқ ишларн  
и қилишлари керак.

Марк 16:15,17,18 Исо шогирдларига деди: "Бутун жаҳо  
н бўйлаб юринглар ва ҳамма тирик жонга Инжил Хушха  
барни тар<sup>®</sup>иб қилинглар. Қуйидаги аломатлар имонлил  
арга ҳамроҳ бўлади: Менинг номим билан жинларни қ  
увиб чиқарадилар. Янги тилларда сўзлайдилар. Қўллар  
ига илон олиб кўтарсалар ёки ҳалокатли бирон нарса и  
чсалар ҳам, уларга зарар етмайди. Беморларга қўллар  
ини қўйганда, улар со<sup>®</sup>айиб кетадилар".

Исо бизлар хушхабарни эълон қилганимизда, Сўзларини  
мўъжизалар билан тасдиқлаб бизлар билан бирга бўлиш  
ини айтган. Бизлар мўъжизаларни кутишимиз керак.

Исо шу ерда айнан қилган ишларини бизлар ҳам қилиши  
миз кераклигини тайинлади. Маҳсулдор хушхабар тарқатиш  
учун Матто, Марк, Луқо ва Юҳанно китобларини ўқишимиз  
ва ўзимизни айнан Исо қилган ишларни қилаётган ҳолда  
тасаввур қилишимиз керак.

Юҳанно 14:12 Сизларга ростини айтайин: Менга ишон  
ган киши Мен қилаётган ишларни ўзи қилади ва ҳа  
тто бундан каттаро<sup>®</sup>ини ҳам қилади. Зеро Мен Отамн  
инг олдига кетяпман.

Исонинг ишлари тугаган эмас. Юҳанно: -Агар Унинг барча  
ишлари ёзилганида эди, дунёнинг барча китоблари уларни  
сиғдира олмас эди,- деган.

Юҳанно 21:25 Исо бажарган бошқа бир талай ишлар  
ҳам бор. Булар бирма-бир ёзиб чиқилганида эди, ёзилг  
ан китоблар оламга ҳам си<sup>®</sup>мас эди, деб ўйлайман.

## Бир хил қудрат

Исони ерлик хизматига қуроллантириш учун келган Муқаддас Рух, бир хил қудрат билан бугунги кунларда имонлиларни қудратли қилишга қодир.

Ҳаворийларнинг фаолияти 1:8 Аммо Муқаддас Рух сизларнинг устингизга тушиб келганда, сизлар куч-қудрат оласизлар ва Иерусалимда, бутун Яҳудия билан Самарияда, то ернинг охиригача Менинг гувоҳларим бўласизлар".

Рухга чўмиш орқали келадиган қудрат - Исо Масиҳнинг гувоҳи бўлиш учун қудратдир. Ҳар бир имонли хушхабар мўъжизасида маҳсулдор бўлиши учун Худонинг қудрати билан таъминланади.

## ҚУДРАТЛИ ХУШХАБАР

---

### Ғайритабиий ҳодисотлар

Сохта динлар кўпинча жинларнинг қудрати билан ғайритабиий намоишлар кўрсатадилар. Ушбу шайтоний динлар томонидан боғланган одамларга эришиш учун, Худонинг Рухи билан тўлган имонлилар аломатлар ва мўъжизалар орқали Худонинг буюкроқ қудратини намоён қилишлари керак. Ҳаракат қилувчи мўъжизалар, аломатлар ва ажойиботлар -Худо Ўз танасига берган қудрат қуролларидир.

Т.Л. Осборн ёзган: *Муқаддас Рухнинг қудратида воизлик қилинаётган, аломатлар, ажойиботлар ва тўридан-тўри мўъжизалар билан исботланаётган "Ушбу Шоҳлик хушхабари" ҳар қандай авлодда улкан хушхабар тантанасини келтириб чиқаради."*

Бу дунёнинг жуда кўп одамлари ғайритабиий ишлар билан шуғулланадилар. Улар фақатгина - ўзлариникидан кучлироқ ғайритабиий қудрат билан келадиган хушхабарни исташадилар, шундай хушхабарга муҳтожлар ва шундай хушхабарни қабул қилишади.

Қудратли ҳодисотлар кўринарли, улар одамларга - Исо Масиҳ, улар сажда қилаётган ва кўрқаётган сохта худолар ва руҳлардан кўра қудратли эканлигини амалий намоишидир.

Жон Вимбер ўзининг "Хушхабар қудрати" китобида шундай ёзган:

*Хушхабар билан қўлга киритилиши керак бўлган ҳар қандай тизим ёки кучнинг имонга келиши қудратли ҳодисотлар содир бўлиши натижасида амалга ошади.*

Ибронийларга китобининг муаллифи йўқотилганларни қўлга киритишда аломатлар, ажойиботлар, мўъжизалар ва Муқаддас Рухнинг инъомларининг муҳимлигини ёзган.

Ибронийларга 2:3,4 Унда биз шу улу® нажотни менсимасак, жазодан қандай қочиб қутуламиз? Шу нажот аввалда Раббий орқали воизлик қилинган, сўнгра Ундан эшитганлар томонидан бизларда тасдиқланган эди. Худодан эса аломатлар, ажойиботлар, ҳар турли мўъжизалар ва Ўз иродаси бўйича тарқатган Муқаддас Рухнинг инъомлари билан Ўзининг гувоҳлигини ҳам қўшиб берди.

#### Мўъжизалар кундалик ҳаётда

Аломатлар ва мўъжизалар билан тасдиқланган хушxabар улкан натижалар келтиради. Петъор, Филипп ёки Повул бўлишидан қатъий назар ҳар доим бир хил натижалар ҳамроҳ бўларди:

- улар хушxabарни эълон қилишарди
- мўъжизалар бўлиши табиий эди
- кўпчилик имон келтирарди

Повул хушxabар - бу Худонинг кучи деб айтган эди.

Римликларга 1:16 Зеро мен Масихнинг Хушxabаридан уялмайман, чунки бу Хушxabар ҳар бир имон келтирганнинг, яъни аввало яҳудий кейин юноннинг нажот топиши учун Худонинг куч-қудратидир.

Мўъжизалар доимо воизлик қилинган сўзга ҳамроҳ бўларди.

Марк 16:20 Шогирдлар эса кетиб, ҳамма ёқда воизлик қилиб юрдилар. Раббимиз уларга кўмаклашар ва пайдо қилган мўъжизалар орқали Ўз Сўзини тасдиқлар эди.

Аломатлар ва мўъжизалар хушxabарнинг эълон қилишини тасдиқлаганда, одамлар доимо Исога келишади.

Хаворийлар китобини ўргансак, ҳар доим одамлар Муқаддас Рухга тўлганларида, Исо Масихнинг қудратли мўъжизалар яратувчи хушxabарчиларига айланганлар.

## Исонинг қудрати

Исо: "Воизлик қилиш учун Муқаддас Рух билан мойланганман", - деди.

Луқо 4:18 - 19 "Худованднинг Рухи Менинг устимда, чунки и қашшоқларга хушхабарни эълон қилиш учун, дили эзилганларга шифо бериш учун, асирларга халос бўлишларини, кўрларга кўзлари очилишини воизлик қилиш учун, азоб чекканларни озодликка чиқариш учун, Худованднинг илтифот йилини воизлик қилиш учун У Мени мойлаб юборди".

Муқаддас Рухнинг мойланишисиз воизлик қилиш самарасиз бўлади. Қудратли, мойланган воизлик доимо натижалар келтириб чиқаради.

## Янги Аҳддаги намуна

### ➤Филипп Самарияда

Филипп Янги Аҳднинг хушхабар мўъжизаси намунаси билан таъминлади.

Хаворийларнинг фаолияти 8:5-8 Шундай қилиб, Филипп Самария шаҳрига келиб, уларга Масих ҳақида воизлик қилди. Филиппнинг қилаётган мўъжизаларини эшитиб, кўришди-да, бутун халқ унинг гапларига яқдиллик билан қулоқ солди. Чунки нопок руҳларга гирифтор бўлган кўп кишилардан руҳлар баланд овоз билан бақириб чиқар, анчагина шолу чўлоқлар эса шифоланарди. Шундай қилиб, у шаҳарга буюк қувонч бўлар эди.

Самариялик одамлар Филипп айтган нарсалар ҳақида эшитдилар ва у қилаётган мўъжизаларни кўрдилар.

### ➤Филипп ва Эфиопиялик

Филипп фақатгина одамлар тўпларига хушхабарчиликдагина эмас, балки шахсий хушхабарчиликда ҳам Раббийга итоаткор эди.

Хаворийларнинг фаолияти 8:26-31 Филиппга эса Худованднинг фариштаси: Ўрнингдан тур ва жануб томон, Иерусалимдан Газага борадиган саҳро йўлига бор! — деди. Филипп эса йўлга равона бўлди. Ўша вақтда Ҳабашистон маликаси Кандакининг вазири, маликанинг бутун хазиналари мудир бўлган ҳабашистонлик бир ходим эди. У си<sup>®</sup>иниш учун Иерусалимга келган эди. Энди ўз ватанига қайтиб кетаётиб, аравасида Ишаъё пай<sup>®</sup>амбарнинг

г китобини ўқиб ўтирган эди. Муқаддас Рух Филиппга: Я қинлашиб бу аравага ҳамроҳ бўлгин! — деди. Филипп унинг олдига чопиб борди. У Ишаъё пай<sup>®</sup>амбарнинг китобини ўқиб турганини эшитиб: Ўқиётганингни тушуняпсанми?— деб сўради.

Менга биров насиҳат бермаса, қандай тушуна оламан? — деб, Филиппдан ўз ёнига чиқиб ўтиришни илтимос қилди.

Бу - Филипп унга Масихни воизлик қилганини билдиради.

Хаворийларнинг фаолияти 8:35 Филипп эса ўз о<sup>®</sup>зини очиб шу Ёзувдан бошлаб, Исо ҳақидаги Хушxabарни унга баён қилди.

Кўплаб одамлар Буюк Топшириқни эшитганларида: "Мен воизлик қила олмайман! Мен ҳеч қачон одамларнинг катта гуруҳи олдида тура опмайман ва гапира олмайман! Албатта, Исо мендек одамлар ҳақида айтгани йўқ! У албатта, кимни воизликка даъват қилган бўлса шуларга!"-деб эълон қилдилар.

Марк 16:15 Исо шогирдларига деди: "Бутун жаҳон бўйлаб юринглар ва ҳамма тирик жонга Инжил Хкшxabарини тар<sup>®</sup>иб қилинглар.

Марк давом эттиради:

Марк 16:17 Қуйидаги аломатлар имонлиларга ҳамроҳ бўлади: Менинг номим билан жинларни қувиб чиқардилар. Янги тилларда сўзлайдилар.

Барча имонлилар хушxabарни воизлик қилишлари керак. Ҳар ҳолда, воизлик қилиш кафедранинг ортида туриб, бир гуруҳ одамларга воизлик қилишимизни билдирмайди. Филипп ва Эфиопиялик мисолида, бизлар Филиппнинг ўтириб, бири кишига юзма-юз усулида воизлик қилаётганини кўрамиз.

"Воизлик қилиш" қаерга борсак ўша жойда Исо Масихнинг хушxabарини эълон қилишни ёки шунчаки бўлишишни билдиради.

Хаворийларнинг фаолияти 8:36-38 Бу орада, йўлларини давом эттириб, улар сув бўйига келдилар. Ходим: мана сув, менинг чўмдирилишимга нима тўсқинлик қилади,— деди. Филипп эса унга: Агар бутун юрагинг билан ишонсанг бўлди,— деди. У жавобан: Исо Масих — Худонинг Ў<sup>®</sup>ли деб ишонаман,— деди ва аравани тўхтатишга бую

рди. Уларнинг иккаласи сувга тушиб, Филипп ходимни ч ўмдирди.

## Повулнинг стратегияси

Повул:- "Хушхабарни тўлиқ воизлик қилдим,"-деди.

Римликларга 15:18-21 Чунки Масих мажусийларни бўйсундириш учун мен орқали сўзда ва ишда бажарганлардан бошқа нарса ҳақида гапиришга журъат этмайман. Масих буни қудратли аломатлару мўъжизалар ва Худо Рухининг кучи билан ижро этди. Шундай қилиб, мен Иерусалим ва унинг ён атрофидан бошлаб, то Иллирикагача Масихнинг хушхабарини тўлиқ воизлик қилдим. Шу билан бирга, мен бошқаларнинг пойдевори устига бино қурмаслигим учун Масихнинг исми ҳали маълум бўлмаган ерларда Хушхабарни воизлик қилишга жон куйдирдим. Худди ёзилганидек: "У ҳақида хабарсиз бўлганлар кўрадилар, У ҳақида эшитмаганлар тушунадилар".

Повулга хушхабар мўъжизасини олдинга суриш топширилган эди. Эътибор беринг, ҳеч қачон хушхабарни эшитмаган одамлар, уни кўрдилар ва тушундилар. Улар нимани кўрдилар? Қудратли аломатларни ва ажойиботларни.

Хушхабарнинг учта воситаси бор:

- Сўз
- ишлар
- аломатлар ва мўъжизалор.

Эҳтиёткор, Рух бошқараётган -Худонинг Сўзи, ишлари ва мўъжизаларининг бирикмаси, Исо Масих учун халқларга эришиш учун Библиянинг стратегиясидир.

1-Коринфликларга 2:1-5 Биродарларим, мен сизларнинг олдингизга келганимда, Худонинг гувоҳлигини маҳоратли нутқ ёки донолик билан хабар қилиш учун келмадим, чунки мен сизларнинг орангизда Исо Масихдан ва Унинг хочга миҳланганлигидан бошқа ҳеч нарсани билмасликка қарор қилдим.

Мен орангизда заифликда, кўрқувда ва қаттиқ титроқда бўлган эдим. Менинг сўзим ҳамда воизлигим инсоний доноликнинг ишонтирарли сўзларидан эмас, балки руҳ ва куч-қудратнинг намоён бўлишидан иборат эди, ток имонингиз инсоннинг донолигига эмас, балки Худонинг куч-қудратига асосланган бўлсин.

## Жанговар Масиҳийлик

Ҳар қандай халқ орасида маҳсулдор хушxabарчи бўлиши миз учун, қуйидаги тўрт ҳақиқатга амин бўлишимиз керак.

- қудрат хушxabарда
- қудрат Худонинг Сўзида
- қудрат Исонинг номида
- Хушxabарчилик қудратда амалга оширилиши керак

Хаворийларнинг фаолияти китобида Масиҳийлик агрессив , жанговар, қудратли хушxabарчилик воситасида тарқатилган эди.

Бизларнинг жангимиз тана ва қон, ёки одам зоти билан эмас, балки зулмат кучлари биландир.

Худонинг Шоҳлиги -шайтоннинг ер юзида ўрнатган шоҳлигига қарши куч билан олға интилиш воситасида кенгайтирилади. Маҳсулдор хушxabар -агрессив руҳий жангни ва хушxabар мўъжизаси орқали Худонинг қудратини намойишини ўз ичига олади.

**Матто 11:12 Яҳё пай<sup>®</sup>амбар кунларидан бошлаб то ҳозиргача Осмон Шоҳлиги куч билан олинмоқда, ва куч ишлатганлар Унга суқилиб кирадилар.**

## ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Қаршилиқ қудрати нима ва у қачон муҳимдир?

2. Нима учун Самариялик кўплаб одамлар Филиппнинг воизлигига эътибор бердилар?

3. Ҳар қандай халқ орасида маҳсулдор хушxabарчи бўлишимиз учун, қандай тўрт ҳақиқатга амин бўлишимиз керак?

## Тўққизинчи дарс

### *Мойланиш воситасида хизмат қилиш*

Мойланиш - Худонинг сезиларли ҳузуридир. Бу Худонинг - Ўзи учун очиқ бўлган, махсулдор идишига, Унинг истакларини ва ишларини бажариш учун Ўз қобилиятини солишидир. Худо бажараётган иш билан оқишни тушуниш - бошқаларни озод қилишнинг калитидир. Мойланиш -қўл қўйиб ибодат қилиш воситасида кўпайиши, ўтказилиши, берилиши мумкин.

Бизлар Исо Муқаддас Рухнинг мойланишига нақадар муҳтож бўлганини ўқишимиз мумкин. Исо Ўзининг ердаги хизматида қилган ҳамма ишлари Муқаддас Рухнинг инъомлари ва мойланиши воситасида амалга ошган эди. У овоз ёки қудрат инъомларида ҳаракат қилишидан олдин, бўладиган воқеаларни- ваҳий инъомлари воситасида руҳий дунёда кўрар ва эшитар эди. Шунинг учун, Исо қилган ишларни қилишни истаган одам, олдин мойланиш воситасида хизмат қилишни ўрганиши керак.

Худо Ўз халқини бошқаришининг асосий йўли- Муқаддас Рухнинг мойланиши воситасидадир. Барча ваҳийлар, башоратлар, ҳиссиётлар ва намойишлар ички мойланиш воситасида текширилиши шарт. Хушхабар мўъжизасида- барча таассуротлар бизнинг ички гувоҳлигимиз билан тасдиқланиши шарт. Бизлар овоз ва қудрат инъомларида қадам ташлашимиз борасида, мўъжизалар содир бўлишини кўрамиз ҳамда одамлар хушхабарни қабул қиладилар.

Муқаддас Рухнинг мойланиши ва қудратисиз дунёга хушхабарни етказиб бўлмайди.

## **МУҚАДДАС РУХНИНГ ВАЪДАСИ**

---

**Эски Аҳдда ваъда берилган**

Муқаддас Рухнинг мойланиши Эски Аҳдда ваъда берилган эди.

Йўэл 2:28,29 Шундан сўнг, Ўз Рухимни ҳар бир жисмга қўяман, шунда ў<sup>®</sup>илларингиз ва қизларингиз башорат қила бошлайдилар; Қарияларинг туш кўра бошлайдилар, ҳамда ўсмирларинг ваҳий кўра бошлайдилар.

Шунингдек қулларимга ва чўриларимга ҳам ўша кунларда Ўз Рухимдан қўяман.

## Янги Аҳдда берилган ваъда

Муқаддас Рухга тўлишиш Янги Аҳдда ваъда қилинган эди.

Луқо 24:49 Мана, Мен Отамнинг берган ваъдасини сизларнинг устингизга юбораман. Сизлар эса юқоридан бу қудратга бурканмагунингизча, Иерусалим шаҳрида қолинглар.

Юҳанно 7:37-39 Байрамнинг охири, улу® кунида Исо тик турди-да, овозини баланд қилиб хитоб қилди:

-Ким чанқаган бўлса, Менинг олдимга келиб ичсин. Муқаддас Битикда айтилганидек, Менга ишонганнинг вужу дидан ҳаётбахш сув дарё бўлиб оқади. Исо бундай деб, Муқаддас Рухни назарда тутган эди; Унга ишонганлар Муқаддас Рухни яқин орада олишлари керак эди. Исо ҳали осмонга кўтарилмаган, шунинг учун Муқаддас Рух ҳали тушмаган эди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 2:38,39 Петъор эса уларга деди: "Тавба қилинган ва гуноҳларингиз кечирилиши учун ҳар бирингиз Исо Масих номидан чўмдирилиш ва Муқаддас Рух инъомини оласизлар. Чунки бу ваъда сизларга, фарзандларингизга ва бизнинг Раббий Худой имиз даъват этган барча узоқда бўлганларга ато этилган.

## Ваъда амалга ошди.

Исо ваъда қилганидек, элликлик кунида Муқаддас Рух келди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 2:1-4 "Элликлик" куни келганда, уларнинг ҳаммаси якдиллик билан бир жойда турган эдилар. Тўсатдан кучли шамол эсиб тураётгандек, осмондан бир шовқин келиб, улар ўтирган уйни бутунлай тўлдирди. Оловга ўхшаш бўлинаётган тиллар уларга зоҳир бўлиб, уларнинг ҳар бири устига биттадан қўнган эди. Шунда ҳаммалари Муқаддас Рухга тўлиб-тошиб, Унинг бераётган ифодаланиши билан бошқа тилларда гапира бошладилар.

Муқаддас Рухнинг инъомларини олиш учун, бизлар уларни шунчаки сўрашимиз керак ва имон билан қабул қилишимиз керак.

Луқо 11:11-13. Сизлардан қайси бир ота, ў<sup>®</sup>ли ундан нон сўраса, унга тош берар экан? Ёки балиқ сўраса, унга балиқ ўрнига илон берар экан? Ёки тухум сўраса, унга чаён берар экан? Шундай қилиб, агар сизлар ёвуз бўла туриб, болаларингизга яхши ҳадялар беришни билсангиз, бундан зиёд осмондаги Ота Ундан сўраганларга Муқаддас Рухни беради!

Муқаддас Рух билан тўлишиш-Отамиздан келадиган ажойиб инъом. У бундан сизга беришни истайди.

## Исо бизга намуна

Исо ердалигида одамдек фаолият юритди. Худонинг Сўзи Уни, Худо Муқаддас Рух ва Унинг қудрати билан мойлади,-дейди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 10:38 Худо Носира шаҳридан бўлган Исони Муқаддас Рух ва қудрат билан мойлади. Шундай бўлиб, У эзгулик қилиб юриб, иблисга гирифторм бўлганларнинг ҳаммасини шифолар эди, чунки Худо У билан бирга эди.

Луқо 3:21, 22 Шу орада бутун халқ сувга чўмдирилганда, Исо ҳам чўмдирилди. У ибодат қилаётган вақтда осмон очилиб, Муқаддас Рух жисм тусида каптар каби Унинг устига келиб тушди. Осмондан эса: "Сен Менинг севиқли ў<sup>®</sup>лимсан, Менинг илтифотим Сендадир,"- деган садо келди.

Исо Хушхабарни воизлик қилиш учун мойланганини айтди.

Луқо 4:18 "Худованднинг Рухи Менинг устимда, чунки қашшоқларга хушхабарни эълон қилиш учун, дили эзилганларга шифо бериш учун, асирларга халос бўлишлари учун, кўрларга кўзлари очилишини воизлик қилиш учун, азоб чекканларни озодликка чиқариш учун, Худованднинг илтифот йилини воизлик қилиш учун У Мени мойлаб юборди".

Исо Худонинг ўғли сифатида хизмат қилганида эди, У Муқаддас Рухнинг мойланишига муҳтож бўлган бўлмас эди. Ҳар ҳолда, У Сўнгги Одам Атодек, Худо танада намоён қилган одамдек хизмат қилди, ҳамда бугунги кунларда ҳар бир имонли фаолият юритиши лозим бўланидек, Муқаддас Рухнинг мойланиши воситасида фаолият юритди.

## МОЙЛАНИШ

---

### Худди Исодек

Биз Исо қилган ишларни қилшимиз учун, Унда бўлган мойланишга мухтожмиз. Исо Унинг ишларини қиладиган барча имонлиларга гапирган эди. У фақатгина ҳаворийларга ёки беш томонлама хизматдагиларга гапирган эмас. У ҳамма имонлиларга, Унинг ишларини қилишлари учун бирдек мойланишни қабул қилиш иқтидорини берди.

**Юҳанно 14:12 Сизларга ростини айтайин: Менга ишонган киши Мен қилаётган ишларни ўзи қилади ва ҳатто бундан каттаро<sup>®</sup>ини ҳам қилади. Зеро Мен Отамнинг олдида кетяпман.**

### Ички мойланиш

Ҳар бир имонли ичимизда яшайдиган Муқаддас Рухнинг ҳузури билан келувчи ички мойланишга эга. Бунга қўшимча равишда, Худо имонлиларни махсус вазифалар ва хизматларга танлаганида, уларга махсус мойланиш беради. Имонлининг ҳаётида мойланиш - Муқаддас Рухнинг ғайритабиий инъомлари ҳаракати воситасида Рухий соҳада фаолият кўрсатади.

**1 Юҳанно 2:27 Бироқ Худодан олган мойланиш сизларда бор экан, сизларга бировнинг уқтиришининг ҳожати йўқдир. Лекин шу мойланишнинг ўзи сизларга ҳамма нарсани ўргатганидай — бу эса ёл<sup>®</sup>он эмас, балки ҳақиқатдир — шундай қилиб, у сизларга ўргатганидек, Масихда бўлинглар.**

Эски Аҳдда имонлилар - бизлар элликлик кунидан буён эга бўлган, ичларида яшовчи Муқаддас Рухнинг ҳузурига эга эмас эдилар. Бунинг ўрнига, Муқаддас Рух муайян вазифани бажаришлари учун -пайғамбар, руҳоний ва подшоҳларни қувватлаш учун уларга тушар эди.

**1-Шомуил 10:6,7 "Раббийнинг Рухи сенинг устинга тушади. Улар билан бирга сен ҳам пай<sup>®</sup>амбарчилик қиласан ва бутунлай бошқа одамга айланасан. Бу аломатлар сенда намоён бўлганда, ўзинга маъқул бўлганини қил. Худод сен билан."**

## МОЙЛАНИШ УЧУН САБАБЛАР

---

### Исонинг ишлари

Бизлар Исо қилган ишларни қилишни истасак Муқаддас Рухнинг мойланиши муҳимдир.

Марк 16:17-18 "Қуйидаги аломатлар имонлиларга ҳамроҳ бўлади: Менинг номим билан жинларни қувиб чиқардилар. Янги тилларда сўзлайдилар. Қўлларига илон олиб кўтарсалар ёки ҳалокатли бирон нарса ичсалар ҳам, уларга зарар етмайди. Беморларга қўлларини қўйганда, улар со<sup>®</sup>айиб кетадилар"

Матто 28:16-20 Ўн бир шогирд Жалилага, Исо уларга таянинг этган тоққа боришди. Улар Исони кўриб, Унга сажда қилдилар. Баъзилари эса шубҳага бордилар.

Исо уларга яқинлашиб, шундай деди: "Менга осмонда ҳам, ерда ҳам бутун ҳокимият берилгандир. Шунинг учун бориб, барча халқлардан шогирд орттиринглар. Уларни Ота, Ў<sup>®</sup>ил ва Муқаддас Рух номи билан сувга чўмдириб, имонга киритинглар. Мен сизларга буюрган ҳамма нарсага амал қилишни уларга ўргатинглар. Мана, Мен ҳар кунни, дунёнинг охиригача сизлар билан бирга бўламан". Омин.

### Ҳосил келтириш

Муқаддас Рухнинг мойланиши орқали имонлилар яхши ҳосил келтиришлари мумкин.

Юҳанно 15:7,8,16 "Агар сиз Мен билан алоқада бўлиб, сўзларимни қалбингизга жо қилсангизлар, истаганингизни сўранглар, эришасизлар. Сизлар кўп ҳосил берсангиз, Отам улу<sup>®</sup>ланади, сизлар эса Менинг шогирдларим бўласизлар. Сизлар Мени эмас, Мен сизларни танладим. Бориб ҳосил беринглар ва ҳосилингиз боқий бўлсин, деб сизларни танладим. Шундай қилиб, Менинг номимдан Отадан нимаики сўрасангизлар, У сизларга беради."

### Худо билан ярашган ҳолатда бўлиш

Исо Масих орқали бизлар Худо билан ярашдик. Ҳозир бизлар дунёни Худо билан яраштираётимиз.

2 Коринфликларга 5:17- 21 Шундай қилиб, ким Масихда бўлса, у янги яралувчидир. Эскиси ўтиб кетди, энди ҳаммаси янгидир. Бунинг ҳаммаси эса Худодандир. У Ма

сиҳ орқали бизни Ўзи билан яраштирди ва бизга яраштириш хизматини берди. Чунки Худо Масиҳда одамларнинг гуноҳларини ҳисобга олмасдан, дунёни Ўзи билан яраштирди ва бизга яраштириш Сўзини топширди. Шундай қилиб, биз Масиҳ ҳақи элчилармиз ва гўё Худонинг Ўзи и биз орқали инсонлардан ўтиниб сўраяпти. Биз Масиҳ номидан ёлвораямиз: Худо билан ярашинглар! Зеро биз Масиҳда Худонинг ҳақлиги бўлишимиз учун, Худо гуноҳни билмаган Масиҳни биз учун гуноҳга айлантирди.

#### Масиҳ тимсолига кириш

Бизлар тобора Масиҳ тимсолига ўзгаришимиз керак.

2 Коринфликларга 3:18 Бизнинг ҳаммамиз эса очиқ юзимиз билан кўзгуга қараганимиздек, Раббийнинг шон-шухратига қараб турибмиз ва Раббийнинг Руҳи орқали шон-шухратдан шон-шухратга худди ўша тасвирига ўзгармоқдамиз.

#### Ўқитиш

Худонинг мойланиши бизларни ўқитади ва ҳамма нарсани тасдиқлайди.

1Юханно 2:20,27 Бироқ сизлар Муқаддас Бўлганнинг мойланишига эгасизлар ва ҳамма нарсани биласизлар. Худодан олган мойланиш сизларда бор экан, сизларга бировнинг уқтиришининг ҳожати йўқдир. Лекин шу мойланишнинг ўзи сизларга ҳамма нарсани ўргатганидек— бу эса ёл<sup>®</sup>он эмас, балки ҳақиқатдир — шундай қилиб, у сизларга ўргатганидек, Масиҳда бўлинглар.

#### Даъватни аниқ билиш

Бизлар Муқаддас Руҳнинг ҳаракат қилишини кутишни ва Худо бизларни бажариш учун даъват этган вазифаларни аниқ билишни ўрганишимиз керак.

Ҳаворийларнинг фаолияти 10:38 Худо Носира шахридан бўлган Исони Муқаддас Руҳ ва қудрат билан мойлади. Шундай бўлиб, У эзгулик қилиб юриб, иблисга гирифт ор бўлганларнинг ҳаммасини шифолар эди, чунки Худо У билан бирга эди.

Бизлар Худонинг Руҳи бизнинг ичимизда эканлигига ишонимиз шарт.

Одамлар бу мойланишни кўришга, ишонишга ва ҳурмат қилишга муҳтождирлар.

Матто 20:30-34 Йўл чеккасида ўтирган икки кўр Исо уларнинг олдидан ўтиб бораётганини эшитгач:

-Эй Ҳазрат, Довуд Ўли, бизларга раҳм қил, - деб бақи ра бошладилар. Халойиқ уларни жим бўлишга мажбу р қилсада, лекин улар овозларини янада баландроқ қилиб: -Эй Ҳазрат Довуд Ўли, бизларга раҳм қил!-деб ёлвордилар. Исо тўхтаб, уларни ёнига чақирди-да: -Сизлар Мендан нима истайсизлар?-деб сўради. Улар: -Ҳазрат, кўзларимиз очилсин!-дейишди. Исонинг уларга раҳми келиб, кўзларига қўл тегизди. Шу онда уларнинг кўзлари очилиб кетди. Улар Исонинг ортидан эргашдилар.

Исода бўлган мойланишни кўпчилик одамлар кўрди. Улар кўр одамларни кўришди ва уларни жим қилишга уринишди. Сўнгра улар мойланишнинг фаолиятини кўришди: кўрларнинг кўзлари кўра бошлади.

## Хизмат қилишни ўрганиш

Бизлар Муқаддас Рух билан бирга оқишни ўрганганимизда қуйидагилар бўлади:

- Маълумот, билим
- Сезгирлик
- Қобилият
- Ижобий фикрлар
- Итоаткорлик

Бизлар:

- Муқаддас Рухни тушунамиз
- Муқаддас Рух билан ҳамкорлик қила оламиз
- Муқаддас Рух бошқарувида иш юритамиз

Бизлар Муқаддас Рух томонидан бошқарилишни ўрганишимиз шарт. Худо қилаётган иш билан оқиш- маҳсулдор хизматнинг калитидир.

Римликларга 8:14 Зеро Худонинг Рухи билан бошқарил адиганларнинг ҳаммаси Худонинг ўилларидир.

Ҳикматлар 20:27 Раббийнинг чирои - юракнинг барча тубликларини синовчи одамнинг руҳидир.

## Ички гувоҳлик

Бизлар Муқаддас Рухнинг мойланишида ҳаракат қилганимизда, руҳимизда ички гувоҳлик бўлади.

Римликларга 8:16 Ана шу Рухнинг Ўзи бизнинг руҳимизга, биз Худонинг фарзандлари эканлигимиз ҳақида гувоҳлик бермоқда.

Юҳанно 14:20 "Мен Отамда, сизлар Менда ва Мен сизларда ҳозир эканимни ўша кунда фаҳмлайсизлар."

## Ички овоз

Бизнинг виждонимиз ичимиздаги Муқаддас Рухнинг овози ёки гувоҳлиги.

Римликларга 9:1 Мен Масихда ҳақиқатни айтяпман ва ёл<sup>®</sup>он гапирмаяпман, менинг виждоним ҳам Муқаддас Рухда менга гувоҳлик беряптики.

1 Юҳанно 3:20,21 Шундай қилиб, ҳатто юрагимиз бизни ҳукм қилса ҳам, юрагимизни Худонинг олдида хотиржам қиламиз. Чунки Худо юрагимиздан каттароқдир, У ҳамма нарсани билади. Севганларим! Агарда юрагимиз бизни ҳукм қилмаса, Худога нисбатан дадил бўламиз.

## Итоаткорлик

Бизлар Худони Муқаддас Рухнинг ваҳий инъомлари орқали эшитсак ва Унга бўйсунсак, Филипп каби маҳсулдор бўламиз.

Ҳаворийларнинг фаолияти 8:26-31 Филиппга эса Худонинг фариштаси: Ўрнингдан тур ва жануб томон, Иерусалимдан Газага борадиган саҳро йўлига бор! — деди. Филипп эса йўлга равона бўлди. Ўша вақтда Ҳабашистон маликаси Кандакининг вазири, маликанинг бутун хазиналари мудури бўлган Ҳабашистонлик бир ходим эди.

У си<sup>®</sup>иниш учун Иерусалимга келган эди. Энди ўз ватанига қайтиб кетаётди, аравасида Ишаъё пай<sup>®</sup>амбарнинг китобини ўқиб ўтирган эди. Муқаддас Рух Филиппга: Яқинлашиб бу аравага ҳамроҳ бўлгин! — деди. Филипп унинг олдида чопиб борди. У Ишаъё пай<sup>®</sup>амбарнинг китобини ўқиб турганини эшитиб: Ўқиётганингни тушунайсанми? — деб сўради.

Менга биров насиҳат бермаса, қандай тушуна оламан? — деб, Филиппдан ўз ёнига чиқиб ўтиришни илтимос қилди.

## МОЙЛАНИШ ОРҚАЛИ ХИЗМАТ ҚИЛИШ

---

Хар бир имонли учун Рухда ҳаракат қилиш ва фаолият кўрсатишни ўрганиш жуда муҳим. Имонлилар Исо қилган ишларни бажаришлари учун, Худо уларга жойлаштирган мойланишни дадил ишлатишлари керак.

### Исо ва Самариялик аёл

Бизлар Исо қудуқ ёнида Самариялик аёлга хизмат қилаётганда Муқаддас Рухнинг ваҳий инъомларида фаолият кўрсатганининг ажойиб мисолига эгамиз.

Юҳанно 4:16,17,18,29,30,39 "-Бориб эрингни бу ерга чақириб кел,- деди Исо.

-Менинг эрим йўқ, - деди аёл.

-Эрим йўқ деб сен тўғриси айтдинг, - деди Исо. - Сен инг беш нафар эринг бўлган, ҳозиргиси ҳам эринг эмас. Буни сен тўғри айтдинг.

-Боринглар, мен қилган ҳамма ишларни айтиб берган Одамни кўринглар. У Масих эмасмикин?

Одамлар эса шаҳардан чиқиб, Исонинг олдида бордилар. Шундан кейин, ўша шаҳарда яшовчи талай самарияликлар Исога имон келтиришди. Улар ҳалиги аёлнинг "Мен қилган ишларнинг ҳаммасини айтиб берди", деган гувоҳлигига ишонишган эди."

### Повул- башорат Рухи

Повул унда бўлган мойланиш воситасида - Муқаддас Рухнинг, руҳларни фарқлаш инъомида ҳаракат қиларди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 16:16,17,18 Бир куни ибодатхонага кетаётганимизда, фолчилик руҳига гирифтор бўлган бир чўри бизга дуч келди. У фолчилиги билан хўжайинларига кўп даромад келтирарди.

У Повул ва бизнинг орқамиздан юриб: Бу одамлар Худо йи Таолонинг куллари дир, бизга нажот йўлини эълон қилмоқдалар,— деб бақирарди.

Шундай қилиб, у кўп кундан бери буни қилар эди. Повул эса аччиқланиб, унга бурилди-да, руҳга деди: "Исо Масихнинг номи билан сенга буюраман: чиқиб кет ундан." Ўша заҳоти руҳ ундан чиқиб кетди.

## Петъор/ Юҳанно - шол одамнинг шифоланиши

Петъор ва Юҳанно маъбаднинг дарвозаси олдида шол одамни шифолаганларида Худонинг мойланиши воситасида хизмат қилдилар.

Хаворийларнинг фаолияти 3:1-9 Ибодат вақти бўлган саноат тўққизда Петъор, Юҳанно билан бирга маъбадга бораётган эдилар.

У ерда онасининг қорнидан шол ту<sup>®</sup>илган бир киши бор эди. Маъбадга кираётганлардан садақа сўраш учун уни ҳар кун маъбаднинг Гўзал деган дарвозаси олдида келтириб қўяр эдилар.

У маъбадга кириб бораётган Петъор ва Юҳаннони кўргач, улардан садақа сўради.

Аммо Петъор Юҳанно билан унга тикилиб қараб: "Бизларга қара!"-дедилар.

У эса улардан бирон нарса олишни қутиб, уларга диққат билан қаради.

Шунда Петъор унга: "Менда кумуш ва олтин йўқ, аммо эга бўлганимни сенга бераман: Носиралик Исо Масих номидан ўрнингдан туриб юр!"-деб айтиб, уни ўнг қўлидан ушлаб кўтарди. Дарҳол унинг тўпиқлари ва тиззалари мустаҳкамланиб қолди. У ир<sup>®</sup>иб ўрнидан турдию, юра бошлади. Худони мақтаётиб, ир<sup>®</sup>иб дик юраётди, улар билан маъбадга кирди. Шунда бутун халқ унинг юраётганини ва Худони мақтаётганини кўриб турар эдилар.

Хушxabар мўъжизасида - Муқаддас Рухнинг бошқарувига сезгир бўлишимиз керак. Ваҳий билими орқали Худо муаммонинг илдизини очиш беришига муҳтожмиз. Бизларда бўлган мойланишни, Худонинг қудратини дадиллик билан сўзлашимиз ва озод қилишимиз керак.

Беш томонлама хизмат юритаётганларга ғайритабиий ваҳийларни ва қудратни намойиш қилиш учун махсус иноятлар ва мойланишлар берилган. Ҳар ҳолда, Исонин ишларини қилиш учун мойланиш ва қудрат барча имонлилар учундир.

Барча имонлилар хушxabар мўъжизаси учун мойланганлар. Агар улар итоаткор бўлсалар, ичларида қобилиятли мойланишга эгадирлар.

## Филипп Самарияда

Филипп Муқаддас Рух мойланишида ҳаракат қилувчи имонлининг яхши намунасидир. Кейинчалик, Ҳаворийларнинг фаолияти китобида биз Филиппнинг Хушхабарчилик инъомидаги беш томонлама хизмат фаолиятини кўрамиз. Ҳар ҳолда, у Исонинг: "Самарияда гувоҳим бўласан"- деган сўзларига итоат қилганида, оддий имонли, Иерусалимдаги маҳаллий жамоатнинг хизматчиси сифатида фаолият кўрсатарди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 8:4- 8,12,13 Шу орада тарқалиб кетганлар Хушхабарни воизлик қилиб юришар эди. ...Лекин Худонинг Шоҳлиги ва Исо Масихнинг номи ҳақида хабарлаётган Филиппга ишонганларида, кўп эркак ва аёллар чўмдирилдилар.

Ўшанда Симуннинг ўзи ҳам имон келтирди ва чўмдирилди иб Филиппнинг ортидан қолмай юрар эди. У қилаётган ажойиб ва қудратли мўъжизаларини кўриб туриб, ҳайрон бўлар эди.

Барча имонлилар йўқотилганларга эришиш учун ичларида мойланишга эгалар. Муқаддас Рухга чўмган, Исога итоаткор бўлган имонлилар дадил гувоҳлар бўладилар, уларга келаётган Муқаддас Рухнинг буюк мойланишини- қудратли Хушхабар мўъжизаси учун бўлган мойланишни амалда қўллайдилар. Улар Филиппга ўхшаб, Муқаддас Рухнинг барча тўққизта инъомларида дадиллик билан хизмат қиладилар.

Улар Филиппга ўхшаб, Исо: "Худованднинг Рухи Менинг устимда, чунки У Мени ...воизлик қилиш учун мойлади,"-деганида аэга бўлган мойланишда фаолият кўрсатадилар.

## Шаҳарларимизга эришиш

Ўз шаҳрига эришиш имкониятини излайдиган жамоат, ҳар бир имонлини Муқаддас Рухнинг мойланишида хизмат қилишни таъминлаши керак.

Ишаъё 10:27 Ўша куни шундай бўлади: Сенинг елкангдан унинг юки, ва сенинг бўйингдан унинг бўйинтуру®и олинади; Бўйинтуруқ мойланишдан парчаланиб тушади.

Имонлилар, Худонинг мойланишини қабул қилишни, унда оқибатни ва Худонинг мойланишида хизмат қилишни ўрганишлари баробарида - улар Исо Масихнинг мўъжиза яратувчи, қудратли, жонларни душмандан тортиб олувчиларига айландилар.

## ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР:

---

1. Мойланиш нима?

2. Мойланиш ким учун мўлжалланган?

3. Бизлар ўз мойланишимизда Муқаддас Рух билан оқишни ўрганганимизда қандай хусусиятлар пайдо бўлади?

## Ўнинчи дарс

### *Муқаддас Рухнинг инъомлари*

#### ХИЗМАТ УЧУН БЕРИЛГАН

---

Хушxabар мўъжизасида махсулдор бўлишни истаган ҳар бир имонли Муқаддас Рухнинг инъомларида фаолият юритишни ўрганиши шарт.

Бизлар Хушxabар билан йўқотилганларга йўналганимизда, Исо ҳар бир кишига бериш учун махсус инъомга эга эканлигига ишончимиз комил бўлиши керак. Бу инъом ғайритабиий аломат ва у бизларга хушxabарни эътиборга ҳавола қилиш учун эшикларни очади.

Ҳар бир шахс ўз ҳаётида ўзига хос муҳтожликларга эга. Бу касаллик, ички яралар, одамлар томонидан рад қилиниши ёки ҳаётларига жинларнинг бостириб кириши бўлиши мумкин. Худо Ўз Сўзини амалга ошириш ҳамда одамлар Уни ўзларининг шахсий Нажоткорлари қилиб қабул қилишларига юракларини очишлари учун уларнинг ҳаётларидаги муҳтожликларини қондиришни истади. Худо бу инъомларни тақсимлаш учун воситачи излаяпти.

Имонлилар, маълум бир инъомларда бошқа имонлиларга нисбатан эркинроқ фаолият юритсалар ҳам, бу - имонли бу ёки у инъомга эга дегани эмас. Аскинча, маълум эҳтиёжга эга бўлган инсон, Муқаддас Рухнинг тўққиз инъомларида н у ёки бунисини олади.

- Беморлар шифоланиш инъомларига муҳтождирлар.
- Ички яралардан азоб чекканлар билим Сўзига муҳтождирлар.
- Жинга чалинган одамлар - уларнинг ҳаётларида шайтоннинг қотмаларини барбод қилиш учун руҳларни фарқлаш инъомига муҳтождирлар.
- Одамлар уларнинг ҳаётларини ўзгартириш учун, хушxabарнинг қудратини намоён қилишга, мўъжизалар содир бўлишига муҳтож бўлишлари мумкин.

Повул: "Бу инъомлар ҳар бир кишига берилган," деди.

**1 Коринфликларга 12:7 Аммо Рухнинг намоён бўлиши ҳар кимнинг манфаати учун берилади.**

Рухга тўлган имонлилар Хушxabар мўъжизасида махсулдор бўлишлари учун, Муқаддас Рухнинг барча тўққизта инъомларида ҳаракат қилишлари керак. Бу инъомлар одамлар

Худонинг энг буюк инъоми - Унинг Ўғли Исога имон келтириш орқали нажот топишлари учун эшикларни очади.

## Уч қадам

Муқаддас Рухнинг инъомларида маҳсулдор хизмат қилишнинг уч қадами бор:

- **Билиш**- Биринчидан, бизлар Худо нима қилишими эни истабини билишимиз учун ваҳий инъомларига муҳтожмиз.
- **Сўзлаш**- Иккинчидан, товуш инъомларига муҳтожмиз, токи Худо маълум шахсга, инсонларга ёки вазиятларга нима демоқчи эканлигини гапира олайлик.
- **Бажариш**- Учинчидан, Худо хоҳлаган ишни бажаришимиз учун қудрат инъомларига муҳтожмиз.

## Тўққизта инъомлар

Ҳаворий Повул Муқаддас Рухнинг тўққизта инъомларини санаб берган.

1 Коринфликларга 12: 8-10 Бирига Рух томонидан донолик сўзи берилади, бошқасига эса худди ўша Рух томонидан билим сўзи берилади. Бирига худди ўша Рух томонидан имон, бошқасига эса худди ўша Рух томонидан шифокорлик инъомлари берилади. Бирига мўъжизакорлик, бошқасига эса пай<sup>о</sup>амбарчилик берилади; бирига руҳларни фарқлаш, бошқасига ҳар хил тиллар, яна бошқасига тилларни талқин қилиш инъомлари берилади.

## ВАҲИЙ ИНЪОМЛАРИ - БИЛИШ УЧУН

---

Ваҳий инъомлари - махсус вазиятларда Худо ошкор қиладиган руҳлар, билим ва доноликдир. Бу инъомлар бизларга - тил инъомлари ва башоратчилик инъомини талқин қилиш орқали берилиши мумкин. Улар шунингдек ваҳийлар, тушлар ва ички гувоҳликлар орқали келишлари мумкин.

## РУҲЛАРНИ ФАРҚЛАШ

➤ *Маъноси*

Рухларни фарқлай билиш-руҳий дунё салтанатига ғайритабиий равишда киришдир. Бу руҳларнинг турларини ва маълум одамнинг, вазиятнинг, ҳаракатнинг ёки сўзнинг ортида турган руҳларни очиб беради. Бу бирор руҳнинг келиб чиқиши, табиати ва фаолияти ҳақидаги ғайритабиий ваҳий орқали келадиган руҳдаги билимдир.

➤ *Уч соҳа*

Рухлар фаолиятининг уч соҳаси мавжуд:

- Худонинг Руҳи
- Одамнинг Руҳи
- Шайтоннинг салтанати.

Худонинг Руҳи - Унинг ҳузурининг намоён бўлиши ва сезилиши билан ҳамда бизлар учун жанг қилиш ва Унинг номаларини бизларга етказиш учун юборилган Самовий фаришталарининг ҳузурини билан ҳис қилинади.

Одамнинг руҳи- Муқаддас Руҳни ёки шайтоннинг руҳларини, яхшилиқни ёки ёвузликни танлайди. Бу Худонинг табиати ёки чирийдиган табиат бўлиши мумкин.

Намоён бўлиши керак бўлган учинчи соҳа- шайтоннинг ёки унинг жинларининг ёвуз ҳузуридир.

➤ *Исонинг хизматида*

Петъор Исога жавоб бериб: "Сен тирик Худонинг Ўғли Масихсан," - деганида, Исо Унинг тасдиқлови инсон фикридан келган эмас, балки Худо томонидан очилганини билар эди.

**Матто 16:16,17 "Симун Петъор жавоб бериб деди: -Сен барҳаёт Худонинг Ўғли - Масихсан.**

**Исо Петъорга жавобан деди: -Сен бахтиёрсан, эй Юнус ўғли Симун. Бу сирни сен ўз уқув-идрокин билан уққаннинг йўқ, балки осмондаги Отам сенга очиб берган."**

Бироз вақтдан сўнг, Исо Петъорнинг бошқа тасдиғининг ортида турган руҳ шайтоннинг руҳи эканлигини фарқлади.

**Матто 16:22-23 "Петъор Уни четга олиб таъна қила бошлади: -Худо хайрингни берсин, Раббим. Бу нарсалар Сенинг бошинга тушмас, - деди. Исо эса Петъорга қараб: -Йўқол кўзимдан, шайтон, - деди. - Сен Мени йўлдан уряпсан, чунки сен Худонинг ишларини эмас, балки инсон ишларини ўйлаяпсан."**

➤ *Хушхабарчилик мўъжизасида*

Хушхабар мўъжизасида руҳларни фарқлай билиш муҳимдир чунки кўпинча руҳий жанг қилишимиз керак бўлади. Асирларни озод қилиш учун бизлар қуйидагиларни қила олишимиз керак:

- тўғри ва нотўғри руҳларни фарқлай олишимиз
- улар қандай келганини билишимиз

➤ шахсинг ҳаётида улар қандай фаолият юритаётганини тушунишимиз.

Масалан, бизлар одамга гувоҳлик бераётганимизда - унда шахват, ҳасад, мағрурлик, исён, жодугарлик, адабсизлик руҳи ёки шу ва бошқа руҳларнинг тўпи бўлиши мумкин. Бизлар айнан қайси жинлар билан иш олиб боришимизни, одамларни озод қилиш учун ёвуз руҳлар бу одамнинг ҳаётига қандай келганини билишимиз шарт.

Аниқланган ҳар бир ёвуз руҳ боғланиши ва қувиб юборилиши шарт. Бизлар ҳаракат қиламиз!

Луқо 10:19, 20 "Мана, Мен сизларга илону чаёнларни эиб ташлаш ҳамда душманнинг бутун куч-қудратини оёқ ости қилиш иқтидорини берганман. Ҳеч нарса сизларга зарар етказмайди. Бироқ руҳлар сизга бўйсунмаётганидан қувонманглар, балки номларингиз осмонда ёзилганидан қувонинглар."

## Билим Сўзи

➤ *Маъноси*

Билим Сўзи - табиий онг томонидан ўрганилмаган вазиятлар, маълум фактлар, ўтмишдаги ёки ҳозир содир бўлаётган воқеалар, маълум одам ҳақида Муқаддас Руҳ томонидан бериладиган ғайритабиий ваҳийдир.

Бу ҳар бир дуч келадиган вазиятдаги умумий билимнинг кичик бир қисми. Худо фақат қисм-қисм билан билим улашади.

➤ *Исонинг хизматида*

Исо қудуқ ёнида аёл билан гаплашганида, шу биргина билим Сўзининг намоён бўлиши Самарияни қўзғатиб юборди ва у ерга уйғониш олиб келди.

Юҳанно 4:16,18,39,41,42 "-Бориб эрингни бу ерга чақириб кел,-деди Исо.

- Сенинг беш нафар эринг бўлган, ҳозиргиси ҳам эринг эмас. Буни сен тўри айтдинг.

Шундан кейин, ўша шаҳарда яшовчи талай Самарияликлар Исога имон келтиришди. Улар ҳалиги аёлнинг "Мен қилган ишларнинг ҳаммасини айтиб берди", деган гувоҳлигига ишонишган эди.

Натижада Исонинг сўзини эшитиб, янада кўпроқ одамлар имон келтирди. Улар аёлга:

-Энди сенинг сўзларинг туфайлигина ишонаётганимиз йўқ. Уни ўзимиз ҳам эшитдик. У ҳақиқатан оламнинг Қу

тқарувчиси - Масих эканига қаноат ҳосил қилдик, - дейишди.

➤ *Хушxabар мўъжизасида*

Билим Сўзи инъоми орқали - муайян фактларни ғайритабиий равишда билиб оламиз. Бу маълумот бизларга одамларнинг муҳтожликларига янада улкан дадилликда хизмат қилиш имизга ёрдам беради.

Билим Сўзи - муайян фактларни, ҳозир ёки ўтмишдаги воқеаларни, вазият ёки шахс тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш йўли билан руҳларни фарқлаш инъоми билан бирга фаолият кўрсатади.

Билим Сўзи қуйидагиларни ошкор қилиши мумкин:

- касалликлар номини;
- одамларнинг ёки қариндошларининг номини;
- биз қўнғироқ қилишимиз ёки хабар олишимиз керак

бўлган одамни;

- фақат ғайритабиий йўл билан очилиши мумкин бўлган ўтган замон ҳодисалари ва вазиятларини;

Бизлар:

- Бирор одам ёки жой атрофида руҳда нималарнидир кўришимиз мумкин;
- Руҳда сўз ёки жумла эшитишимиз мумкин;
- Бошқа одамга тааллуқли бўлган нарсаларнинг намоён бўлишини ўз танамизда ҳис қилишимиз мумкин;

## Донолик Сўзи

➤ *Маъноси*

Донолик сўзи - имонлига берилган ғайритабиий ваҳийдир. Бу табиий ва ғайритабиий билимга асосланиб ҳаракат қилишни таъминлайдиган Худонинг донолигидир. У:

- бизнинг ҳаётимиз ва хизматимиз учун;
- зудлик билан ёки келажакда қилиш керак бўлган ишлар учун;
- Масихнинг танаси Худонинг режасини бажаришда қай даражада шахсан ва қай даражада ҳамкорликда фаолият юритиши кераклиги ҳақидаги -

Худонинг режа ва мақсадларини очиб беради.

➤ *Кўплаб шакллар*

Донолик сўзи кўплаб шаклларда келади:

- ички овоз;
- уйғониш вақтида ваҳий орқали;
- уйқуда ётганда туш орқали;
- Овозли инъомда фаолият юритиш воситасида;

➤ *Исонинг хизматида*

Исо ёш бадавлат йигит билан гаплашганида донолик Сўзида фаолият кўрсатди.

**Матто 19:16,17,21 "Шу маҳал бир киши Исонинг ёнига келиб:**

**-Валинеъмат Устозим. Абадий ҳаёт насиб бўлиши учун қандай савобли иш қилмо<sup>®</sup>им лозим? - деб сўради.**

**Исо унга деди:**

**-Нега сен Мендан савобли иш ҳақида сўраяпсан? Бирги на Худодан бошқа ҳеч ким савоб Эгаси эмас. Агар боқи й ҳаётга эришмоқ истасанг, илоҳий амрларга риоя қил.**

**Исо унга:**

**- Агар комил бўлишни истасанг, бор, ҳамма мол-мулкини сотиб, пулини камба<sup>®</sup>алларга тарқат. Шундагина кўгда хазинанг бўлур. Ва кел, Менинг ортимдан эргаш, - деди.**

➤ *Хушxabар мўъжизасида*

Худо билим сўзи орқали бизларга умуман нотаниш бўлган ш ахс тўғрисида сўзлаши мумкин. Кейин, У фаолият кўрсатиш имиз учун ғайритабиий донолик беради.

Агар биз Муқаддас Рух инъомларида оқсак, Худо буларни и монсизлар нажот топишлари учун, имонсизларни Ўзининг Х удо эканлигига ишонтириш учун ишлата олади.

Донолик Сўзи- руҳларни фарқлаш ва билим сўзи инъомлар и билан биргаликда фаолият кўрсатади, токи бизлар одамла рга хизмат қила олайлик. Бу одамларнинг аниқ муҳтожликл арида қандай хизмат қилишимиз кераклиги ҳақидаги ваҳий дир. Донолик Сўзи дадилик билан хизмат қилишга ишонч бе ради.

Донолик Сўзи ҳимоя ва йўналтириш учун берилган ва кўпин ча бизларга билим Сўзи орқали очилган билимларимизни қ

андай ишлатимизни очиб беради. У маълум йўналишда ибо дат қилишга ички сезги бериши мумкин.

Донолик Сўзи бизларни йўналтириши мумкин:

- одамга қўл қўйишга;
- Сўз айтишга;
- мўъжиза яратишга;
- шайтонни қувишга;

Донолик Сўзи - бизларга ҳар-хил вазиятларда Хушхабарни маҳсулдор тақдим қилиш учун донолик беради.

## СЎЗЛАШ УЧУН-ОВОЗ ИНЪОМЛАРИ

Бизлар маълум бир шахс ёки вазият тўғрисида билим Сўзин и олганимизда, улар тил орқали, тилларни талқин қилиш ёки башоратчилик орқали сўзланиши керак. Бизлар ваҳий олганимизда -бу ваҳий учун ибодат қилишимиз керакми ёки сўзлашимиз керакми билиш мақсадида, ички гувоҳлигимизни текшириш учун руҳимизни очишимиз керак.

Овоз инъомлари воситасида бизлар хизмат қилаётган одамимиз ҳақида бир неча бор ахборот олишимиз мумкин. Бу инсон қабул қилиши мумкин бўлган ғайритабиий ваҳий.

"Худо менга кўрсатди, сизда..."

- Инсон ўтмиши ҳақида махсус деталлар.
- Хозирги шароит ва вазиятлар ҳақида махсус деталлар.

Махсус ваҳий - хизмат қилаётган ва хизмат қилинаётган одамларнинг иккаловларининг ҳам ишончини ривожлантиради.

## Тиллар инъоми

### ➤ Таърифи

Тиллар инъоми - бизларнинг жисмоний овоз аъзоларимизни ишлатган ҳолда, Муқаддас Рух томонидан берилган ғайритабиий илҳом ёки намойишдир. Бу гапирувчи томонидан ҳеч қачон ўрганилмаган ва унинг онги тушунмайдиган тилдир. Гапириладиган нома инсоний тил ёки фаришталар томонидан ишлатилмайдиган самовий тил бўлиши мумкин. Тил инъоми эшитувчига тушунарли тил бўлиши мумкин.

### ➤ Хушхабар мўъжизасида

Тиллар инъоми -кўпчилик одамлар яширишни истайдиган биргина инъомдир. Аммо ҳаворий Повул - "бу имонсизлар учун аломат,"- деб ёзган.

1Коринфликларга 14: 22 Шундай қилиб, *номаълум* тиллар имонлилар учун эмас, балки имонсизлар учун аломатдир. Пай® амбарчилик эса имонсизлар учун эмас, имонлилар учундир.

Элликлик кунда тиллар инъоми минглаб одамларни Масихга келтиришнинг асбоби бўлди. Тиллар инъоми - биринчи хушxabар ҳаракатларининг ташкилий қисмларидан бири эди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 2:6 Бу шовқин содир бўлганда, кўпчилик одамлар тўпланиб, эсанкираб қолдилар, чунки ҳар бири уларни ўз шеvasида гапираётганларини эшитди.

## Тилларни талқин қилиш

*>Таърифи*

Тилларни талқин қилиш инъоми - номани Руҳ томонидан эшитувчиларнинг она тилларида маъносини айтилиши, тушунтирилиши ёки номани бошқа тилда овоз орқали ифодаланишидир. Бу онг бажарадиган ёки тушунадиган иш эмас. Бу Худонинг Руҳи томонидан берилган.

Талқин қилиш- тушунтириш, талқин қилиш, очиш маъносини билдиради. Бу одатда адабий, сўзма-сўз таржима эмас.

*>Хушxabар мўъжизасида*

Тилларни талқин қилиш инъоми - тиллар инъоми билан бирга оқади. Агар Худо сизни имонсизлар билан тилларда ибодат қилишга бошқарса, улар сизнинг нима қилаётганингизни эҳтимол тушунишмайди. Шунга қарамасдан, тилларни талқин қилиш инъоми ҳаракатга келганида ва сиз табиатан билишингиз мумкин бўлмаган нарсалар ҳақида сўзлай бошлаганингизда, бу улар учун Худонинг ҳузурининг аниқ аломати бўлиши мумкин.

## Башоратчилик инъоми

*>Таърифи*

Башоратчилик инъоми - биз билган тилимизда янграйдиган, ғайритабиий равишдаги, бирдан келадиган овоз илҳоми ёки намоишидир. У Масихнинг танасини қувватлантиради, қуради ва юпатади. Бу Худодан тўғри маълум бир одамга ёки одамлар гуруҳига келган нома.

Башоратчилик - юнон тилида "propheteia" бўлиб, Худонинг м аслаҳатини ва фикрларини сўзлаш деган маъносини билдир ади.

➤ *Хушxabар мўъжизасида*

Башоратчилик инъоми имонсизнинг ҳаётида, тиллар ва тилл арни талқин қилиш инъомидек фаолият кўрсатиши мумкин. Бу - сиз табиий равишда билмаган нарсаларни сўзлашингиз ва шу алфозда, Худонинг ҳузурининг аломати бўлиши му мкин.

## ИШЛАТИШ УЧУН ҚУДРАТ ИНЪОМЛАРИ

Қудрат инъомлари - Худонинг қудратининг бизлар орқали н амоён бўлишидир. Бу қудрат инъомлари - имон инъоми, ши фоланишлар инъомлари, мўъжизалар яратиш инъомлари.

Донолик сўзи фаолият кўрсатиш учун ҳар доим имон инъом ини келтириб чиқаради. Бизлар донолик сўзи орқали Худо н има қилмоқчи эканлигини билганимизда, мўъжизалар ярати ш ва шифолаш инъомларида ҳаракат қилиш учун имон инъ омида фаолият юритишда дадил ҳаракат қиламиз.

### **Имон инъоми**

>Таърифи

Имон инъоми - махсус вақт ва мақсад учун ғайритабиий и шонч. Бу маълум бир вақтда, маълум шароитда, маълум ваз ифани бажаришимиз учун берилган қудрат инъоми. Маълум вазифани қандай бажариш ҳақида донолик сўзи берилгани дан сўнг, уни Худонинг режалаштирганига биноан дадиллик билан бажаришимиз учун имон инъоми алангаланади.

>*Қандай қабул қиламиз*

Имон инъоми - ваҳий руҳларининг фаолияти орқали олинад и. Имон инъоми келганида имонли ишониш учун куч ишлатм айди. У нима содир бўлишини билади ва билим ваҳийида да диллик билан ҳаракат қилади. Имон инъомининг натижаси - мўъжизалар ва шифоланишлар инъомларини амалга оши ришдир.

*>Исонинг хизматида*

Исо фақат Отаси қилганини кўрган ишларини қилганини айтди. У олиб кетилаётган ўлик одамни кўрганида, Отаси шу одамга сўзлаётганини ва у одам ҳаётга қайтаётганини кўрган.

Луқо 7:12-15 "Исо шаҳарнинг дарвозасига яқинлашганда, бир бева аёлнинг яккаю ягона ўли ўлигини кўтариб чиқаётган эдилар. Тумонат шаҳар аҳолиси у аёлни ўраб олган эди. Раббимиз Исо онани кўргач, унга раҳми келиб:

-Йи<sup>®</sup>лама, - деди. У ёндашиб, тобутга қўл тегизди. Тобут кашлар тўхтаб қолишди. Исо ўликка:

-Эй йигит, сенга айтяпман: тур ўрнингдан, - деди. Ўшанда ўлик ростланиб ўтирди-да, гапира бошлади. Исо уни орасига топширди."

Исо улкан бўронни тинчлантиришида, фаолиятдаги имон ишончининг бошқа бир намунасини кўрамыз.

Марк 4:37-41 "Шу орада кўлда кучли бўрон кўтарилди. Тўлқинлар қайиқни тебратиб юборди, қайиқ сувга тўла бошлади. Исо эса қайиқнинг қуйруқ томонида ёстиққа бош қўйиб, ухлаб ётган эди. Шогирдлар Исони уй<sup>®</sup>отиб: -Устоз, биз ҳалок бўляпмиз. Парво қилмайсанми? - дейишди. Шунда Исо туриб, шамолга дўқ урди ва кўлга:

-Жим бўл, бас қил, - деб қўйди. Шу онда шамол тинди ва ачуқур сукунат бўлди. Исо шогирдларига:

-Нега бундай кўрқоқсизлар? Қандай қилиб ҳалигача ишончингиз йўқ? - деди. Улар эса жуда кўрқиб, бир-бирига:

-Бу қанақа кишики, шамол ҳам, кўл ҳам Унга бўйсунса? - дейишди.

*>Хушхабар мўъжизасида*

Шароитлар нақадар оғир кўринмасин, Худо ғайритабиий алофозда бизнинг руҳимизга беморларга қўлимизни қўйишимиз ва мўъжизалар ҳақида сўзлашимиз учун имонини қуявереди.

Донолик сўзи инъоми фаолият кўрсатганида, Худонинг мўъжиза яратишини кўрамыз ва бизнинг руҳимизда имон инъоми и кўтарилади. Кейин, бизлар мўъжизалар яратиш инъомида ҳаракат қилишимиз мумкин.

## Мўъжизалар яратиш

>Таърифи

Мўъжизалар яратиш - табиатнинг табиий оқимига Худонинг ғайритабиий аралашувидир. Бу Худонинг қудратининг ғайри табиий намойишидир. Унинг таъсири остида табиат қонуния тлари ўзгаради, тўхтади ёки назорат қилинади.

Мўъжизалар яратиш номаълум тилларда нома юбориш каб и осондир. Кўпинча бизлар билим сўзини қабул қиламиз, ва сўнгра бу билим билан нима иш қилишимиз кераклиги ҳа қида Худонинг хохишини очиб берадиган донолик сўзини ол амиз. Бизлар донолик сўзини қабул қилганимизда, ўзимизни мўъжиза яратаётганимизни кўраамиз. Бирдан, имон инъоми ажралади ва бизлар ҳозиргина Рухда кўрган ишларимизни дадиллик билан амалга ошираамиз. Шу сабабли бу - мўъжиз а яратиш деб аталган. Мўъжизалар ҳар доим Худонинг Сўз ини тасдиқлайди ва Исонинг номини улуғлайди.

>Исонинг ҳаётида

Исо еттита нон ва бир нечта балиқ билан минглаб одамларн и тўйдириши мисолида мўъжизалар яратишнинг ажойиб на мунасини кўраамиз.

**Матто 15:33-38 "Шогирдлари Унга:**

**-Бу саҳрода шунча кишини тўйдирадиган емакни қаерд ан топамиз?- дейишди.**

**-Қанча нонларингиз бор?-сўради Исо.**

**-Еттита нон ва озгина балиқимиз бор,- дедилар.**

**Шундан кейин Исо халойиққа ерга ўтиришни буюрди. Ет тита нон ва балиқларни олиб, шукрона дуосини айтиб с индирди ва шогирдлари эса бутун халойиққа тарқатди. Ҳаммаларининг қорни тўйди. Ортиб қолган нон бурдала ри нақ етти сават бўлди. Хўрандалар эса хотинлар ва б олалардан ташқари тўрт минг киши эди.**

Хушхабар мўъжизасида

Мўъжизалар яратишнинг кўплаб сабаблари бор.

>ҳимоя;

>ҳалокатнинг олдини олиш;

>Муҳтожларнинг эҳтиёжини қондириш;

>Одил ҳукми қарор топтириш;

>Инсоннинг ҳаётидаги даъватини бажариш;

>Воизлик қилинган сўзни бажариш;

Бизлар одатий асосда ғайритабиий ишларда фаолият юритсак, бу дунёдаги йўқотилганлар эътибор берадилар, ҳамда бизнинг қудратли, севувчи, мўъжизалар яратувчи Худоимиз билан муносабатга киришишни хошлайдилар.

## Шифолашлар инъомлари

*>Таърифи*

Шифолаш инъомлари-шифоланишга муҳтож одамларга Худонинг шифоловчи қудратининг ғайритабиий берилишидир. Улар инъомлар (кўплик) деб таърифланганлар, чунки беморларни шифолашни ёки шифо юборишнинг йўллари кўп. Шифо олаётган одам шифолаш инъомини қабул қилаётган бўлади. Шифолаш инъомлари -Муқаддас Рухнинг ғайритабиий намоишлари бўлиб, тиббиёт амалиётига ўхшамайди.

Булар - Масихнинг танасига ва хусусан шифоланишга муҳтожларга Худонинг инъомлари.

*>Исонинг ҳаётида*

Тўрттала Хушxabар ҳам Исонинг шифолаш инъомларида одамларга хизмат қилгани ҳодисаларига тўла. Худди шунингдек, Хаворийларнинг фаолияти китоби ҳам дастлабки Масихийлар Муқаддас Рухнинг бошқа инъомлари қаторида шифолаш инъомларида қандай фаолият юритганларини ёритади. Ҳар доим мўъжизалар рўй берганида одамлар Исога келишган. Исо: "Имонлилар беморларга қўл қўйганларида улар шифоланадилар,"-деди.

-Бу,-деди Исо,-йўқотилган дунёга Унинг Сўзларини тасдиқловчи аломатлардан бири бўлади."

*>Хушxabар мўъжизасида*

Кўпинча одамларнинг касалликларига ёвуз заифлик руҳлар и сабабдир. Масалан: рак, артрит, хафалик ва алам руҳлар и бор. Руҳларни фарқлаш ёрдамида Муқаддас Рух муаммонинг илдизини очади ва одам озод бўлиши мумкин. Руҳларни фарқлаш - муаммонинг илдизи бўлмиш заифлик руҳининг номини ошкор қилувчи таассурот ёки фикр воситасида кел ади.

**Матто 9:32-33** У кишилар энди чиқиб бораётганда, жин чалган бир соқовни Исонинг олдига келтиришди. Исо жинни қувиб чиқаргандан кейин, соқов гапира бошлади.

Халқ эса ҳайратда қолиб: - Исроилда бундай ҳодиса ҳеч қачон бўлган эмас, - деди.

Бизлар Раббийдан одамнинг ҳаётидаги муаммони билиб олганимизда, бу одамга шифолаш инъомларида хизмат қилишимиз осон бўлади. У одам Исо номи билан шифоланганида, бу шифо унга -Уни таниб-билишига ва Уни Ўз Нажоткори сифатида қабул қилишига эшик очади.

## Хулоса

Шифолаш инъомлари -Исо ва ҳаворийлар хизматларида бўлганидек, маҳсулдор хушxabарчилик мўъжизаси учун ўта муҳим ғайритабиий намойиш ҳисобланади. Худо Ўз Сўзини шифолаш мўъжизалари орқали тасдиқлаганда, одамлар доимо Исога келадилар.

Муқаддас Рухнинг инъомлари бошқа - саноклигина шифоловчи хушxabарчиларнинг хизматлари билан чегараланмайди. Суперюлдузларнинг кунлари ўтди. Ҳозир ҳар бир имонли Исо Масихнинг ишларини қилиши вақти ва ҳар бир имонли ўзининг кунлик ҳаётида Исо Масихнинг мўъжизакор гувоҳи бўлади.

Ҳар бир Муқаддас Рухга чўмган имонли, Муқаддас Рухнинг ҳар бир инъомларида Худонинг мойланишида оқса ва фаолият юритса, хушxabар мўъжизасининг тўлқини бизнинг барча шаҳарларимизни ва бутун ерни қамраб олади.

*Муқаддас Рухнинг инъомлари ҳақида чуқурроқ билишни истасангиз, А.Л. ва Жойс Гилнинг." Муқаддас Рухнинг инъомлари воситасида "айритабиий яшаш" ҳамда Жойс Гилнинг" Ёл<sup>®</sup>он устидан "алаба" китобларини ўқинг.*

## ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

---

1. Муқаддас Рухнинг инъомларида маҳсулдор хизмат қилишнинг учта қадами нима?
2. Муқаддас Рухнинг инъомларининг уч тоифаси нима?
3. Муқаддас Рухнинг тўққизта инъомларини ва улар хушxabар мўъжизасида қандай ишлатилишини ёзинг.

## Ўн биринчи дарс

### *Шифолаш ва озод қилиш хизматлари*

Бемор ва жинларга чалинганларга хизмат қилишнинг бир неча йўли бор. Хушхабарларда ва ҳаворийларнинг фаолияти китобида - Исо инсонларнинг муҳтожликларини турли йўллар билан қондирганини кўраемиз.

Хушхабар мўъжизасига жалб қилинган барча одам Муқаддас Рух томонидан бош қариладиган бўлиши керак. Ҳаттоки Масихий шифо топганида ҳам имонсизлар бу ҳақида эшитадилар. Ҳар бир шифоланиш, озод бўлиш ҳамда мўъжиза имонсизларни Исога ишонишга ва Уни Ўз Нажоткорлари сифатида қабул қилишларига етаклаши лозим.

### **ХУДОНИНГ ШИФОЛОВЧИ КУЧИ**

---

Аёл шифоланди.

Исонинг шифоловчи хизмати ўрганганимизда - Исонинг танашида Ундан оқиб чиқиб бошқаларни шифоловчи куч бўлганини кўраемиз. Бунинг мисолини қон оқиш дардига чалинган аёлнинг тарихида кўришимиз мумкин.

Марк 5: 25-34 У ерда ўн икки йилдан бери қон кетишидан азоб чекаётган бир аёл ҳам бор эди. У кўп табиблардан кўп қийналиб, бутун мол-мулкни сарф этгани билан ҳеч фойда кўрмаган, аксинча янада о<sup>®</sup>ирлашиб кетган эди. Аёл Исо ҳақида эшитдию, халойиқ ўртасида орқа томондан Унга яқинлашиб, кийимига қўл тегизди. У ўзича: "Агар кийимига бир тегиб олсам бас, со<sup>®</sup>айиб кетаман," -деб ўйлаган эди. У шундай қилиши биланок, қон кетиши тўхтади. Аёл касалликдан фори<sup>®</sup> бўлганини ўз танашида ҳис этди. Исо эса шу онда Ўзидан бир куч чиққанлигини пайқайди. У атрофидаги халойиққа кўз югуртириб:

-Менинг кийимимга ким тегди?-деди. Шогирдлари Унга:

-Халойиқ Сени сиқиб турганлигини кўряпсан-ку ва та<sup>®</sup>ин кийимимга ким тегди, деб сўраяпсанми?-дейишди. Лекин Исо буни қилган аёлни кўриш учун атрофга қарар эди. Аёл ўзига нима бўлганини билиб, қўрқиб ва қалтираб келди, Исонинг оёқларига ўзини ташлаб, бутун ҳақиқатни Унга сўзлаб берди. Исо унга:

-Қизим, ишончинг сени қутқарди. Эсон-омон бориб, дардиндан фори<sup>®</sup> бўлгил,-деди.

Исодан аёлга оқиб ўтган "куч" сўзида юнончада "динамис" с ўзи ишлатилган. Бу бизлар билган "динамит" сўзи билан бир илдизли сўздир.

## Динамит кучи

Аёл Унинг кийимига қўл теккизганида, Исо тўхтаб ўгирилди, чунки У Ўзининг танасидан динамит кучи чиққанини ҳис қилди. Исо Иордан дарёсида сувга чўмганида Унга келган Муқаддас Рухнинг кучли реал ҳамда қўл теккизиш орқали ўтадиган сезиларли кучга эга эди.

**Луқо 6: 19** Бутун халқ Унга қўл тегизишга ҳаракат қилар эди, чунки Ундан куч чиқиб, ҳаммани шифолар эди. Исо бизга Муқаддас Рух тушганида куч-қудрат олишимизни айтди.

**Хаворийларнинг фаолияти 1: 8** Аммо Муқаддас Рух сизларнинг устингизга тушиб келганда, сизлар куч-қудрат оласизлар ва Иерусалимда, бутун Яҳудия билан Самарияда, то ернинг охиригача Менинг гувоҳларим бўласизлар".

"Куч" сўзида ишлатилган сўз - айнан Исодан оқиб чиққан кучни тасвирлашда ишлатилган сўздир. Рухга тўлган имонлилар айнан Исода бўлган кучга эгадирлар!

Бизлар ичимизда айнан ўшандек динамит кучига эгамиз. Шифолаш хизматида фаолият кўрсатганимизда - бизлар шунчаки ушбу кучни бошқаларнинг ҳаётларига қуйилишига йўл очиб берамиз.

**Юҳанно 7: 38** Муқаддас Битикда айтилганидек, Менга ишонганнинг вужудидан ҳаётбахш сув дарё бўлиб оқади

Бизлар Худога буйсунганимизда - ичимиздаги динамит кучи бошқаларнинг ҳаётига - қуйилади.

## Имон орқали

Қон кетиши касаллигига чалинган аёл бор пулларини, унга ёрдам беролмаган шифокорларга сарфлади. Умидсиз аҳвол и орасида у Исо ҳақида эшитди. Исо яратган мўъжизаларни эшитганида, аёлнинг руҳига имон келди.

**Римликларга 10:17** Шундай экан, имон — эшитишдан, эшитиш эса — Худонинг сўзи орқалидир.

"Агар кийимига бир тегиб олсам бас, соғайиб кетаман,"-дея дадил эълон қилганидек имони ҳақида сўзлай бошлади. Сўнгра у шу имонда ҳаракат қила бошлади, у Исога яқинлашиб Унинг кийимига тегди. Шу вақтда, Исода бўлган шифоловчи қудрат - унинг танасига қуйилди ва у шифо топди. Исо Унга:-Қизим, сенинг имонинг сени шифолади! - деди.

Бизлар Худога буйсунганимизда ва қўлимизни беморларга қўйганимизда - бизлар ҳам имон билан, шифога муҳтожларнинг танасига қуйилиш учун ичимизда бўлган Худонинг кучли шифоловчи қудратини озод қилишимиз керак.

Шунда бизлар ўзимизни ўша қон оқишидан азобланган аёлдек -имонимизни дадил эътироф этаётган ва имонда дадил ҳаракат қилаётган ҳолда кўраимиз.

## Қўл қўйишлар

➤Исо томонидан

Исо қўлларини моховга қўйди ва Унда бўлган қудрат моховга қуйилди.

**Марк 1: 40,41** Бир мохов Исога яқинлашиб, Унинг олдида тиз чўкканча ялинди:

-Агар истасанг, мени моховликдан пок қила оласан. Исонинг унга раҳми келиб, қўлини узатди ва унга тегизиб:  
-Истайман, пок бўл!-деб қўйди.

Гунг ва кар одамни шифолаш учун, Исо бармоқларини унинг қулоқларига қўйди.

**Марк 7: 31-35** Исо Тир ва Сидўн чегарасидан жўнаб, Ўн кент вилоятдан ўтиб, яна Жалила кўли бўйига келди. Исонинг олдида бир кар-соқовни келтириб, унга қўл тегизишини сўрашди. Исо у одамни халойиқ орасидан олиб чиқиб бир четга тортди-да, бармоқларини унинг қулоқларига тикиб қўйди ва тупуриб тилига тегизди. Кейин осмонга қараб, чуқур хўрсинди-да, унга:

Эффатаҳ!-деди. Бу сўзнинг таржимаси "Очил!" демакдир. Шу онда у одамнинг қулоқлари очилиб, тилга кирди, равонгина гапира бошлади.

Исо одатда қўлларини тананинг шифога муҳтож бўлган қисмига кўярди.

➤ *Повулнинг қўл қўйиши*

Ҳаворий Повул қўлларини беморларга қўйди ва улар соғайдилар.

Ҳаворийларнинг фаолияти 19:11, 28:8 Худо Повулнинг қўллари билан кўп қудратли мўъжизаларни қилар эди. Уша пайтда Публийнинг отаси ичбуру®дан қийналиб, иситмалаб ётар эди. Повул унинг ёнига кирди ва ибодат қилиб, қўлларини унинг устига қўйди-да, уни со®айтирди.

➤ *Барча имонлиларни-нг қўл қўйиши*

Барча имонлиларга, касалларга қўл қўйишлари буюрилган ва шунда улар сағайишлари айtilган.

Марк 16: 17,18 Қуйидаги аломатлар имонлиларга ҳамроҳ бўлади: Менинг номим билан жинларни қувиб чиқардилар. Янги тилларда сўзлайдилар. Қўлларига илон олиб кўтарсалар ёки ҳалокатли бирон нарса ичсалар ҳам, уларга зарар етмайди. Беморларга қўлларини қўйганда, улар со®айиб кетадилар.

### Исонинг номини эълон қилиш

Бизлар Исонинг номини атаганимизда қудратли куч ажралиб чиқади.

➤ *Петъор ва Юҳанно томонидан айтилиши*

Ҳаворийларнинг фаолияти 3: 1-8,16 Ибодат вақти бўлган соат тўққизда Петъор Юҳанно билан бирга маъбадга бораётган эдилар.

У ерда онасининг қорнидан шол ту®илган бир киши бор эди. Маъбадга кираётганлардан садақа сўраш учун уни ҳар кун маъбаднинг Гўзал деган дарвозаси олдига келтириб қўяр эдилар.

У маъбадга кириб бораётган Петъор ва Юҳаннони кўргач, улардан садақа сўради.

Аммо Петъор Юҳанно билан унга тикилиб қараб: "Бизларга қара!"-дедилар.

У эса улардан бирон нарса олишни қутиб, уларга диққат билан қаради.

Унда Петъор унга: "Менда кумуш ва олтин йўқ, аммо эга бўлганимни сенга бераман: Носиралик Исо Масих номидан ўрнингдан туриб юр!" - деб айтиб, уни ўнг қўлидан ушлаб кўтарди. Дарҳол унинг тўпиклари ва тиззалари муштақамланиб қолди. У ир<sup>®</sup>иб ўрnidан турди-ю, юра бошлади. Худони мақтаётиб, ир<sup>®</sup>иб дик юраётиб, улар билан маъбадга кирди.

Петъор: -Исонинг номи бу одамни қаршингизда соғлом қилиб қўйди,- деди.

16-оят: Мана, Унинг исмига ишониш орқали Унинг исми бўлган сизлар кўрган ва билган одамни қувватлади. Раббийдан бўлган имон эса ҳаммаларингизнинг олдингизда унга ашифо берди.

➤ *Давом эттириш учун дадиллик*

Хаворийлар Исонинг номини воизлик қилганларида ҳаётлар ва хавф остига қолиб қўрқув келганида, Унинг номини воизлик қилиш учун дадиллик сўраб ибодат қилдилар.

Хаворийларнинг фаолияти 4:29-31 Энди, ё Раббий, уларнинг дўқларига қарагин ва Сеннинг қулларингга Сеннинг Сўзингни бутун дадиллик билан гапиришларини ато қилгин.

Қолбуки, Сен Муқаддас Ў<sup>®</sup>линг Исо номи орқали ашифоланиш ва аломату мўъжизалар қилиш учун қўлингни узатяпсан".

Шундай қилиб, улар ибодат қилганларида, улар йи<sup>®</sup>илиб турган жойларга келди. Ҳаммалари Муқаддас Рухга ашўлиб, Худонинг сўзини дадиллик билан гапирардилар.

Исонинг номини ҳокимият билан эътироф этинг. Унинг номида ашифоланишни эътироф этинг.

**Заифлик руҳларига эътироф этинг**

Беморга ҳизмат қилиш вақтида, куч қўл қўйиш орқали ўтади. Имон кўпинча, бизлар айтаётган сўзимиз орқали ажралади.

Кўплаб касалликларнинг ортида беморнинг танасига ёпишиб олган заифлик ёвуз руҳлари турибди.

Луқо 13:11,16 У ерда ўн саккиз йилдан бери дармонсизлик руҳига чалинган бир аёл бор эди. У букилиб қолган бўлиб, қаддини сира тўри тута олмас эди...

"Ўн саккиз йилдан бери шайтон болаб қўйган, Иброҳим қизи бўлган бу аёлни эса шаббат куни кишанлардан оз од қилиш керак эмасми?"

Исо касалликни қуллик деб ҳисобларди. Исо заифликнинг ёвуз руҳини қувиб чиқарди ва аёл шифо топди.

➤ *Давосиз касалликлар*

Тиббиёт давосиз деб номлайдиган касалликлар- одатда заифлик руҳлари туфайли келиб чиқади. Бундай беморларга хизмат қилганда ёки заифлик руҳига мурожаат қилинг ёки уларни касалликнинг махсус номи билан атанг.

Руҳлар томонидан келтириб чиқариладиган, бугунда тузалмас касалликлар деб аталувчи касалликлар, масалан: рак, лейкокемия ва артритдир. Библияда ҳам касалликлар ва заифликлар келтирувчи руҳларнинг мисоллари бор.

➤ *Гунглик руҳи*

Матто 9:32 У кишилар энди чиқиб бораётганда, жин чалган бир соқовни Исонинг олдига келтиришди.

➤ *Карлик руҳи*

Марк 9:25 Оломон ташқарига чиқарилгандан сўнг, Исо ичкарига кириб, қизчанинг қўлидан ушлади. Қизча эса ўрнидан туриб кетди.

➤ *Ақлдан озиш руҳи*

Матто 17:15,18 -Ҳазрат,-деди,-ўлимга раҳминг келсин! Унинг тутқанои бор, у жуда азобда қолди. Дам оловга, дам сувга ташланади. Исо жинга дўқ ургач, у боладан чиқиб кетди. Бола ўша заҳоти тузалди.

➤ *Жўрлик руҳи*

Матто 12:22 Шундан сўнг Исонинг олдига жинга чалиниб кўр ва соқов бўлган кишини келтиришди. Исонинг шифолаши туфайли унинг тили ҳам чиқди, кўзи ҳам очилди.

## Бо®лаш ва ечиш

Бизлар боғлаш ва ечиш воситасида шифолаш хизматини ба жарамиз.

**Матто 16:19** Осмон Шоҳлигининг очқичларини сенга берман. Ер юзида сен нимани бо®ласанг, осмонда ҳам бо®ланган бўлади. Ер юзида сен нимани ечсанг, осмонда ҳам ечилган бўлади.

Боғлаш- қисиш, боғлаш ёки ҳаракатланиш қобилиятини чеклаш деган маънони билдиради. Бизлар:

"Шайтон, мен сени шу одамнинг танаси устида боғлайман...",

"Рак руҳи, мен сени боғлайман..",- деб айтишимиз мумкин.

Ечиш инсонни касаллик қуллигидан озод қилишни билдиради.

**Луқо 13:12** Исо уни кўргач, ёнига чақириб унга деди: "Эй хотин, сен дармонсизлигиндан озод бўляпсан!"

**Марк 16:17** Қуйидаги аломатлар имонлиларга ҳамроҳ бўлади: Менинг номим билан жинларни қувиб чиқарадилар. Янги тилларда сўзлайдилар.

Масалан, бизлар: -Исо номи билан буюраман, рак руҳи ундан чиқиб кет,-деб буйруқ беришимиз мумкин.

## Яратувчи мўъжизалар

Яратувчи мўъжизалар Исо хизматининг муҳим қисми эди, шунинг учун У: "Мен қилган ишни, сизлар ҳам қиласизлар",- деди.

Исо қўли қуриган одамга яратувчи мўъжизани сўзлади.

**Марк 3:1, 3, 5** Исо яна ибодатхонага кирди. У ерда қўли шол бир одам бор эди. Исо қўли шол одамга:

-Ўртага чиқ!-деди.

Исо одамларнингбундай ба®ри тошлигидан қай®уриб, атрофга ®азаб билан қараганча, у одамга:

-Қўлингни узат!-деди.

У одам қўлини узтиши биланоқ, тузалиб кетди.

Баъзи одамлар турли сабабларга кўра - жарроҳлик, бахтсиз ҳодиса, танани емирувчи касалликлар ёки туғма ногиронлик туфайли таналарининг маълум қисмларини йўқотганлар. Бизлар, Исо каби мўъжизавий яратувчи хизмат учун, йўқотилган тана қисмига қайта тикланишини буюриб, имонимизни ажратишимиз мумкин.

**Марк 11:23 -Худога ишончингиз бўлсин. Сизларга гапим шуки, агар ким бу тоққа: "Қўпорилиб денгизга отил", де са-ю, ўз қалбида шубҳаланмай, айтгани бажо келишига каттиқ ишонса, айтгани бўлади.**

### **Худо истаксиз ишловчи эмас**

Йиллар давомида, бизлар ибодат қилиб, Худодан сўрар эканмиз Худо беморларни даволашни ўта истайди. Бу оят бизлар ибодат қилишимиз керак демайди. Бу бизлар эътироф этишимиз лозимлигини айтади. Исо бизларга душманнинг барча кучи устидан хокимият берди. Бизлар бу дунёда ҳукмронлик қилиш учун яратилганмиз. Ҳозир, бизлар Исонинг ишларини дадиллик билан қилишимиз керак. Исо бизлар беморларни даволашимиз кераклигини айтди. Ундан беморларни шифолашини сўрашимиз кераклигини айтмади.

**Матто 10:8 Хасталарни со<sup>®</sup>айтиринглар, моховларни поқ қилинглари, ўликларни тирилтиринглар, жинларни қувиб чиқаринглар. Текин олдингизлар, текин беринглар.**

Вазиятлар қай даражада имконсиз кўринишининг аҳамияти йўқ. Бизлар: "Худо билан ҳамма нарсанингимкони борлигини" ҳамда "имонли киши учун, ҳамма нарса имконли" эканлигини биламиз.

Бирор киши олдимизга ибодат қилишимизни сўраб келса ва яратувчи мўъжизага муҳтож бўлса, бизнинг дарҳол жавобимиз: "Бу Худо билан осон!"- дейиш бўлиши керак.

Бизлар мўъжиза яратувчи имонга муҳтож бўлганимизда, одамларимиз Худонинг Сўзини эшитиш баробарида имонда ўсаяётган вақтда бизлар Муқаддас Рухга сезгир бўлишимиз керак. Бу яратувчи мўъжиза содир бўлиш вақти бўлса, Худо бизларга донолик Сўзи беради, ва бизлар мўъжиза содир бўлишини хизмат қилишимиздан олдин кўраемиз. Имон инъоми озод қилинади ва бизлар тоғларга дадиллик билан гапира оламиз.

**Матто 17:20 Исо уларга:**

**-Эътиқодсизлигингиз учун!- деди.- Чиндан, сизларга айт аманки: агар бир хантал донидай ишончингиз бўлса-ю, бу тоққа: "Бу ердан у ерга кўч", деб айтсангизлар, у кўча ди. Сизга ҳеч бир нарса имконсиз бўлмайди.**

Бизлар ҳокимият билан гапирганимизда, беморнинг танасига дадиллик билан нормал ҳолатга қайта тикланишни буюришимиз керак. Бизлар қуйидагича сўзлашимиз керак: "Мен у шбу танада янги юрак пайдо бўлсин дейман!"

"Мен бу панжаларга ўсишни буюраман!"

Исо Ўзининг мўъжизакор хизматида дадил ва куч билан сўзларди.

**Ҳаворийларнинг фаолияти 14:8-10** Листра шаҳрида фалаж оёқлари билан бир киши ерда ўтирар эди. У ту<sup>®</sup>ма чўлоқ бўлиб, ҳеч қачон юрмаган эди.

У гапириб турган Повулни тинглар эди. Повул унга кўз тикканда, шифоланишни олиш учун имони борлигини кўриб,

баланд овоз билан: **Раббий Исо Масих номидан сенга айтман: оё<sup>®</sup>ингда тикка тур! — деди. Дарҳол у киши ўридан ир<sup>®</sup>иб турдида, юра бошлади.**

## Сўзларни айтиш

Беморларга шифолаш хизматини кўрсатишнинг яна бир йўли - Худонинг Сўзларини айтишдир. Исо энг зўр имоннинг мисолини - хизматкори фалажланиб, ўта азоб тортаётган юзбошида кўрганини айтди.

Юзбоши Исога фақатгина: "Фақат сўз айтгин ва хизматкорим шифо топади!"- деди.

Ўз ҳиссиётларимизни ёки шубҳаларимизни эмас, балки Худонинг Сўзини сўзлашимиз жуда муҳим. Бизлар Худонинг Сўзини сўзлаганимизда, Сўзни инсоннинг ҳаётида ҳаракат қилгани юборамиз.

**Санолар 106:20** Ўз Сўзини юбориб уларни шифолади ва уларни гўрларидан қутқарди.

Бизлар айтадиган сўзлар барбод қилиш ёки ҳаёт ва соғлиқ келтириш қудратига эга.

**Ҳикматлар 18:21 Ўлим ва ҳаёт тилнинг ҳокимиятида.**

Бизлар Худонинг Сўзини инсоннинг ҳаётида ҳаракат қилишга а юборганимизда, қудратли мўъжизалар кўрамиз.

**Ишаъё 55:11 Шунингдек, Менинг о<sup>®</sup>зимдан чиққан Менинг Сўзим ҳам Менга беҳуда қайтиб келмайди. Аксинча, Менга маъқул бўлган ишни амалга оширади ва Уни ни ма учун юборган бўлсам, шуни бажаради.**

### **Худонинг Сўзи бўйича ҳаракат қилиши'**

Исо: "Мен фақат Отам нима қилаётганини кўрган бўлсам шуни қиламан",-деди.

Бизлар ҳам Муқаддас Рухга сезгир бўлишимиз керак ва сўнг дадиллик билан У бизларга кўрсатаётган соҳаларда актив ҳаракат қилишимиз керак. Маҳсулдор Хушхабар мўъжизасида уятчанлик ёки кўрқув учун ўрин йўқ.

**2Тимўтий 1:7 Чунки Худо бизга кўрқоқлик руҳини эмас, балки куч-қудрат, севги ва со<sup>®</sup>лом онг Рухини берган.**

Бизлар ахмоқдек кўринишдан ёки обрўйимиз тўкилишидан қўрқишимиз керак эмас. Агар Исо обрў-эътиборга муҳтож бўлган бўлмаса, бизлар ҳам бу ҳақда ташвиш тортишимизнинг ҳожати йўқ.

**Филиппликларга 2:7 Аксинча У Ўзини паст олиб, қулнинг қиёфасига кирди ва инсонларга ўхшаб, кўринишида инсон каби бўлди.**

Шайтон бизларнинг онгимизга шундай фикрлар солишга ҳаракат қилади: "Сен кимгадир хизмат қилсанг-у у шифо топмаса, нима бўлади? Сен ахмоққа ўхшаб қолмайсанми?" Бунинг аксича, бизлар дадиллик билан: "Исо буни буюрган. Мен бунга ишонаман. Шунинг учун мен Исонинг сўзларига бўйсунганини танлайман,"- дейишимиз керак.

**Марк 16:18 Қўлларига илон олиб кўтарсалар ёки ҳалокатли бирор нарса ичсалар ҳам, уларга зарар етмайди. Беморларга қўлларини қўйганларда, улар со<sup>®</sup>айиб кетадилар.**

Худонинг шифоловчи кучини одамнинг танасига озод қилганимиздан, бизлар уларни имонларини ҳаракатга келтиришга руҳлантиришимиз керак. Бизлар улардан илгари қила олмаган ишларини қилишга ҳаракат қилишларини, Сўзда дадиллик билан ҳаракат қилишларини айтишимиз керак. "Эгилинг ва оёқ бармоқларингизни ушлаб кўринг!"

"Атрофда айланг ва танангизни текшириб кўринг!"  
Ишончи комиллик билан: "Оғриғингизга нима қилди",-деб сў  
ранг.Исо қўли қуриган одамга: "Қўлингни чўз",-деди. У фала  
ж одамга: "Тўшагингни ол ва юр!" деди.

Рухга тўлган имонлилар сифатида, бизлар ичимизда айнан  
Исода бўлганидек шифоловчи кучга эгамиз. Бизлар қўллари  
мизни беморга қўйганимизда, шифога муҳтожларнинг тана  
сига имон билан Муқаддас Рухнинг шифоловчи кучини ўтқа  
замиз. Бизлар дадиллик билан Исонинг номини атаганимизд  
а, заифлик руҳларини қувганимизда, ҳамда одамларга ярат  
увчи мўъжизани сўзлаганимизда -Худо Ўзининг Сўзини буюк  
шифоловчи мўъжизалар билан тасдиқлайди. Ҳар доим ода  
млар шифоланадилар, Худонинг Сўзи амалга ошади ҳамда  
одамлар Исони таниб-билиш учун Унга келадилар.

Худо Жамоатда хушxabар мўъжизасини қайта тикляпти, в  
а бизлар ўзимизни Хаворийлар китобида ёзилганидек хайра  
тланарли кунларда яшаётганимизни кўраимиз.

*Шифоланиш мавзуини чуқурроқ ўрганиш учун, А.Л. ва  
Жойс Гилнинг "Шифоланиш учун Худонинг таъми  
ноти" китобини ўқинг.*

## ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

---

1.Бизлар ичимизда бўлган шифоловчи кучни шифога муҳтож беморларга қуйилиши учун қандай озод қиламиз?

2.Худонинг шифоловчи кучини ажратадиган сўзлашнинг тўртта йўлини номланг.

3.Яратувчи мўъжизага муҳтожлик вақтида шифолаш хизматини қандай ўтказамиз?

4.Шифога муҳтож одамларнинг имонини ҳаракатга келтириш учун уларни қандай йўналтирамиз?

## Ўн иккинчи дарс *Мабла®лар ва пионерлик руҳи*

### УЙҒОНИШ УЧУН МАБЛАҒЛАР

---

1980 йилларда Муқаддас Рух - 1990 йилларда келадиган умумий хирмон учун жамоатни моддий таъминлашни башорат қилишга руҳлантирди.

Реал қараганда - Буюк Топшириқни амалга оширишга миллионлаб доллар пул керак бўлади. Хушxabарчилар пул оладилар, хаворийлик ташкилотлари пул оладилар.

Муқаддас Рух бизларни қарзлардан озод қилиш ва мазкур охириги умумий хирмонга моддий таъминлаш учун Библиядаги гуллаб-яшнашга урғу беради.

#### Илк жамоат

Бизлар илк жамоатнинг ўз мол-мулкларини сотиб, пуллари ва Худого берганликлари ҳақида тез-тез эшитамиз.

Хаворийларнинг фаолияти 4:32-35 Имонлиларнинг кўпчилигининг юраги ва жони бир эди. Ҳеч ким ўз мулкидан бирор нарсани меники демас эди, лекин уларда ҳамма нарсаси умумий эди.

Хаворийлар эса Раббий Исо Масихнинг тирилиши ҳақида буюк қудрат билан гувоҳлик берар ва уларнинг ҳаммалари устида буюк иноят бўлиб турар эди.

Уларнинг орасида муҳтож бўлганлардан ҳеч ким йўқ эди. Чунки ерлари ёки уйлари бор бўлганларнинг ҳаммаси мулкларини сотар, эвазига олган пуллари келтириб, хаворийларнинг оёқлари олдига қўядилар. Шундай қилиб, бу ҳар бирига муҳтожлигига қараб тақсимланар эди.

Шуниси диққатга сазоворки, илк жамоатда кенг тарқалган кибонлик қилиш руҳи ҳақидаги ҳикоянинг ўртасида, бизлар мана бу муҳим сўзларни ўқиймиз: "Хаворийлар буюк куч-қудрат билан Раббий Исонинг тирилганлиги ҳақида гувоҳлик бердилар."

## Барнабо мисол сифатида

### ➤Борини бериш-Экиш

Барнабо бор нарсасини сотиб пулларини ҳаворийларга олиб келган одам эди. У пулларини дунёга хушxabар тарқатиш иши учун берди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 4:36-37 Масалан, Кипрлик Юсуф исмли бир левит бор эди. Ҳаворийлар унга Барнабо, яъни "юпатиш ўли" деган ном бердилар.

У ўз ерини сотиб, пулини ҳаворийларнинг оёқлари олди га қўйди.

### ➤Имон ўриб олиш

Бизлар Барнабо ҳақида яна Антиохияга бориш учун танланганда эшитамиз. Ёзув айтади: "У Муқаддас Рухга ва имонга тўлган - яхши одам эди."

Ҳаворийларнинг фаолияти 11:22-24 Бу ҳақда Иерусалимдаги Жамоатга хабар етиб келгач, Барнабога Антиохияга боришни топширдилар.

Барнабо у ерга келганида, Худонинг иноятини кўриб қувонди. Раббий Исога чин юракдан берилинглари, деб ҳаммага далда берди.

У Муқаддас Рух ва имонга тўлган, ҳушфеъл одам эди.

### ➤Жонлар ўриб олиш

24 оят Шунинг учун, халқнинг кўпчилиги Раббийга қўшилдилар.

### ➤Хизмат ўриб олиш

Шоулни излаб борган ва уни ўзининг хизматига олиб келган Барнабо эди. Барнабо ва Шоул Антиохиядашогирдлари тайёрлаб, бир йил таълим бердилар.

Ҳаворийларнинг фаолияти 11:25-26 Сўнг Барнабо Шоулни қидириб, Тарс шаҳрига борди ва уни топиб, Антиохияга келтирди.

Бир йил чамасида улар Жамоат билан тўпланиб, талай одамга таълим беришди. Биринчи марта Антиохия шаҳрида Исо шогирдлари Масихчи деган номни олдилар.

➤*Мойланишни ўриб олиш*

Повул ва Барнабо Муқаддас Рух томонидан У бажаришга даъват қилган ишни бажариш учун ажратилган эдилар. Улар таълим бериш ва воизлик қилиш учун юборилган эдилар.

Хаворийларнинг фаолияти 13:2-5 Улар Худога хизмат қилиб, рўза тутиб турганларида, Муқаддас Рух уларга: "Барнабо билан Шоулни Мен сайлаган иш учун Менга ажратиб беринглар!" — деди.

Ўшанда улар рўза тутиб ибодат қилишди ва Барнабо билан Шоулнинг бошига қўлларини қўйиб, уларни жўнатишди.

Шундай қилиб, улар Муқаддас Рух томонидан юборилган бўлиб, Селевкия шаҳрига келдилар. У ердан эса Кипрга сузиб кетдилар.

Саламис шаҳрига келиб, яҳудийларнинг синагогаларида Худонинг сўзини воизлик қилдилар. Юҳанно ҳам уларнинг хизматида эди.

➤*Маблаъни ўриб олиш*

Барнабо борини берганидан сўнг уни бошқа пул топиш учун ишлаётганини эшитмаймиз. Унинг бирор моддий манбаи йўқ эди, у ўзида борини Раббийга берган эди. У хушxabарга уруғ экишга содиқ эди. Энди Барнабо ўзининг мўъжизавий хизматида маблағ сифатида экканларини ўрарди. Барнабо Муқаддас Рухга бўйсуниб, бутун дунёга бориш ва хушxabарни воизлик қилиш учун керак бўлган барча маблағга эга эди.

## **ЭКИШ ВА ЎРИШ ҚОНУНИ**

---

Худо бизларнинг экиш ва ўрим орасидаги миқдорни билиши мизни ҳамда яна улкан миқдорда экишимизни истайди. Бу - Худо борлиқнинг матосига тўқиган принцип. Умумжаҳон миссия албатта яхши иш. Худо бизлар миссияга эка олишимиз учун тўқинлик яшашимизни истайди. Бизлар ўзимиз эга бўлмаган нарсаларни руҳий ҳам, моддий ҳам бера олмаймиз.

## Тимўтийга берилган йўл-йўриқ Повул Тимўтийга ёзди:

1Тимўтий 6:17-19 Бу дунёда бой бўлганларга шундай йўл-йўриқ кўрсатгин: улар кеккаймасинлар ва бевафо бойликка боёланмасинлар, балки завқланишимиз учун бизга ҳамма нарсани мўл қилиб берадиган тирик Худога умид боёласинлар.

### ➤Экиш

18-оят Улар хайрли ишларда бойиб, сахий ва ҳаммага улфат бўлиб яхшилик қилсинлар.

### ➤Ўриш

19-оят Шундай қилиб, келажакда яхши пойдевор бўладиган шу хазинани абадий ҳаётга эришишлари учун ўзларига тўпласинлар.

### ➤Идора қилувчилар

Масиҳийлар Худонинг баракаларининг идора қилувчиларидир, чунки умуман олганда ҳамма нарса Худога тегишли.

1-Петъор 4:10 Шундай қилиб, ҳар бирингиз Худонинг кўп турли иноятини идора қилувчиси бўлиб, қабул қилган инъомингиз билан бир-бирингизга хизмат қилинглр.

Илк жамоат биринчилари- дунёга боришга кўнгилли бўлдилар, ўзларининг бор мол-мулкларини сотдилар, ҳамда майдонларга йўналдилар. Улар Раббий учун дунёнинг охирларигача бориш иштиёқи билан қамралган эдилар. Улар учун ҳеч нарсанинг қурбонлиги Хушхабар эълон қилинишининг олдида катта кўринмас эди.

Бизлар имонимизни Раббийнинг хизматига беришни мақсад қилиб қўйишимиз керак, ўшанда Буюк Топшириқни бажара оламиз. Худо бизларга ваъда берган моддий гуллаб-яшнашнинг асосий мақсади- бу Умумжаҳон хушхабарчиликдир.

## Фермер экади ва ўради

Фермер уруғини экканида, фақатгина битта уруғ ўриб олмайди. Битта доннинг уруғи - бир поя дон беради ва ҳар бир янги дон юзлаб уруғлар қилади.

Фермер хирмон йиғишидан олдин экиши керак. Қанча кўп ур уғ экса, хирмони шунча улкан бўлади.

2Коринфликларга 9:6-7,10 Шуни айтиб қўяй-ки, хасислик билан экадиган хасислик билан ўриб олади: сахийлик билан экадиган эса сахийлик билан ўриб олад.

Ҳар ким хафалик ёки мажбурият билан эмас, балки юрак хоҳиши билан берсин. Чунки Худо хушчақчақ берувчини севади.

Худо бизни экишимиз учун уруғ билан, кундалик ҳаётимизда аёйишимиз учун нон билан таъмилашини ваъда берган.

10-оят: Уру<sup>®</sup> экувчига уру<sup>®</sup> ва озиқа учун нон берадиган Худо сизларнинг экканингизни ҳам мўл қилади ва ҳақлигининг ҳосилларини ошириб юборади,

#### ➤Бизнинг танловимиз

Бизлар уруғимизни еймизми ёки экамизми, ўзимиз танлаймиз. Бизлар уруғимизни экиб, имонимизни чиниқтирганимизда а- Худонинг экиш ва ўриб олиш қонунини ҳаракатга хелтирамиз.

Қонуннинг кайтарилиши 26:13- 14 Ўшанда Худой Раббинг олдида айтгин: "Мен уйимдан муқаддасотни олдим ва а Сен менга буюрган барча буйруқларингга мувофиқ уни - левитга, мусофирга, етимга ва бевага бердим; Мен Сеннинг буйруқларингга оёқ босмадим ва уларни унутмадим; Мен ундан қай<sup>®</sup>умда емадим ва уни нопокликка ажратмадим, ҳамда ундан ўлик учун бермадим; Мен Раббий Худоимнинг овозига бўйсундим, Сен менга буюрганларингнинг барчасига амал қилдим."

Шоҳ Сулаймон бизни агар вазиятларимиз томонидан бошқарилсак, ҳеч қачон экмаслигимиздан огоҳлантирган.

Воиз 11:4 Кимки шамолни кузатса эка олмайди ва кимки булутларга эътибор берса ўрмайди.

#### ➤Эрталаб ва кечқурун экиш

Бизлар ҳар қандай яхши ишга - Раббимиз Исо Масиҳнинг хушxabари воизлик қилиниши ишига, доимий равишда экишимиз керак.

Воиз 11:6 Эрталаб уру®ингни сочгин ҳамда оқшомда қўл ларингга дам бермагин, зеро, қайси бири униси ёки бунис и унумли бўлишини ёки иккалови ҳам бирдек унумлимик ан билмайсан.

## Танага ёки Рухга экиш

Повул бизлар қаерга эксак ўша ердан ўриб олишимизни таъ кидлаган.

Галатликларга 6:6-9 Сўз билан насиҳат қилинган одам насиҳат қилувчи билан ҳар қандай эзгуликни баҳам кў рсин.

Адашманглар, Худо ҳақоратланган бўлмайди. Одам ни ма экса, шуни ўради.

Ўзининг танасига экувчи танасидан чиришни ўриб олад и; Рухга экувчи эса Рухдан мангу ҳаёт ўриб олади.

Шу йўсинда яхшилик қилиб, тушкунликка тушмайлик; ч унки агар ҳолсизланиб қолмасак, ўз фаслида ўриб ола миз.

Худонинг гуллаб-яшнаш қонуни:

- Уруғ экиш
- Ўз вақтида биз ўриб оламиз
- Бизлар нимани эксак шуни ўриб оламиз

Бизлар уруғимизни Исо Масиҳнинг хушхабарига эксак, Унин г хирмонини ўриб оламиз. Худо бизнинг уруғимизни олади в а уни бизларга кўпайтириб қайтаради.

Эътибор беринг, хирмонимизни йиғишимиз фаслга боғлиқ. Бизлар нимани эккан бўлсак, шуни ўриб оламиз. Агар пулла р эксак, пуллар ўриб оламиз. Бизлар сахий ишларни қилиб Худо пулларимизни қайтаришини кутишимиз керак эмас. Аг ар бизлар дунёдаги йўқотилганларга эришиш ёки эҳтиёжла римизни қондириш учун кўпроқ маблағга муҳтож бўлсак, Ху донинг Шоҳлигига кўпроқ маблағ беришимиз керак.

## ПИОНЕРЛИК (БИРИНЧИЛИК РУҲИ)

---

Пионерлик руҳи - бошқалар эргашишлари учун янги йўл очи б берадиган кучдир. Илк жамоат қонуний урф-одатларга боғ ланиб қолган дунёни титратувчи шундай портлаш эд.

Биринчилик Руҳи - ҳар қандай баҳо билан олдинга интилад иган ва янги ерларни очадиган руҳдир.

Биринчилар доимо нотинч, хавотирли ва шовқинли саргузш тга даъват этилганлар.

Буюклик янги ерларни очадиганларнинг меҳнатлари устига қурилади.

Янги Аҳддаги жамоатнинг пионерлари - жамоатни янги тўс иқлардан олиб ўтдилар, инъомларни ўтказдилар ва эркак ҳ амда аёлларни Исо Масиҳнинг хизматига озод қилдилар. Я нги Аҳд жамоатининг кучи - унинг ўсишида ва умумжаҳон ху шхабарга туртки беришларида эди.

### Қайта тикланиш

Худо жамоатда - пионерлик, хушхабар мўъжизакорлиги руҳ ини қайта тикляпти. Эркак ва аёллар юриб янги майдонлар ни эгаллашлари учун Руҳга тўлишадилар.

Худо, Исо орқали хушхабар пионерлиги мисолини кўрсатди. Исо Ўзининг шогирдлари билан бир жойдан бошқа жойга ў тиб юрарди. У бир жойда узоқроқ туришни рад қиларди чун ки бу ҳолда бошқаларнинг хушхабарни эшитиш имкониятла ри бўлмас эди.

### Бизнинг мисолларимиз

#### ➤Повул

Ҳаворий Повул пионерлик руҳининг мисолидир.

У:

- Урф-одатчиларга муаммолар келтирувчи эди;
- Диний бошқарувчиларга бош оғриғи эди;
- Қонуний қоидаларни синдирувчи эди;
- Янги Аҳд пионерларининг отаси эди;

Повул тавба қилгунига қадар, жамоатни қиришга юз фоиз б ағишланган эди. У Исони Нажоткорим деб қабул қилганида, Худо Шоҳлигини яқинлаштиришга юз фоиз бағишланган б ўлди.

Бошқалар ўз қилган ишлари билан мақтанишганда, Повул -Хушхабар учун бошидан кечирган ва кечираётган нарсалар ҳақида ёзган, яна у мақтанишга арзигулик ҳеч нарса қилмаганини ёзган.

**2 Коринфликларга 11:23-28 Улар Масихнинг хизматкорларими? Ақлсизлик қилаётганимдек айтаман: мен кўпроқ хизматкорман:**

Мен улардан анча кўпроқ меҳнату-заҳматда,  
чексиз жароҳатда бўлдим,  
кўпроқ зиндонларда ётдим  
ва кўп марта ўлимга яқин бўлдим.  
Яҳудийлардан беш мартаба бир кам қирқта қамчи едим.  
Уч марта мени калтаклашган,  
бир марта тошбўрон қилишган,  
уч марта мен кемада ҳалокатга учрадим,  
тун ва кун денгиз чуқурлигида бўлдим.  
Кўп марта саёҳатларга чиқдим.  
Дарёларда хавфда қолдим,  
қароқчилардан ҳам хавфда,  
ўз қабиладошларимдан ҳам хавфда,  
мажусийлардан ҳам хавфда,  
шаҳарда хавфда,  
сахрода хавфда,  
денгизда хавфда,  
сохта биродарлар орасида хавфда қолдим;  
ҳамда меҳнату уқубатда,  
кўп тунларни уйқусизликда,  
очлигу ташналикда,  
кўпинча рўзада,  
совуқ ҳавода  
ва ялан<sup>®</sup>очликда қолдим.  
Бундан ташқари, менинг бошимга келаётган кундалик мажбуриятлар —  
барча Жамоатлар ҳақида <sup>®</sup>амхўрлик қилишдир.

➤*Ҳаворийлар*

Ҳатто ўлдириш ва калтаклаш билан қўрқитсалар ҳам, ҳаворийлар ҳар куни маъбадга (умумий) ва ҳар бир уйга (шахсан) таълим бериш ва Исони воизлик қилиш учун боришарди.

Ҳаворийларнинг фаолияти 5:40-42 Ўшанда улар унга қулоқ солдилар. Ҳаворийларни чақириб, уларни калтакладилар. Бундан кейин Исо номи ҳақида гапиришни таъқиқлаб, уларни қўйиб юбордилар.

Хаворийлар эса Унинг номи ҳақи ҳақоратга сазовор бўлганлари учун қувониб, синедриондан чиқиб кетдилар.

Улар ҳар куни маъбадда ҳамда уйларда Исо Масиҳ ҳақида таълим бериш ва Хушхабарни воизлик қилишни тўхтатмас эдилар.

### Қувғиндаги имонлилар

Стефан биринчи қурбон бўлди. У ҳатто ўлим билан юзма-юз турганида, Худонинг сўзини таълим берди. Бу билан у кейинчалик хаворий Повул бўлган йигитга гувоҳлик берди.

Қувғинлар ўсганида, имонлилар оилаларини ўлимдан, қамоқдан ҳимоя қилишга ташландилар. Лекин улар нима қилишди? Улар осойишта ва қулай ҳаёт кечириш учун имонларини яширишдими? Йўқ, улар ҳамма жойда Худонинг сўзини воизлик қилишди.

Хаворийларнинг фаолияти 8:1-4 Шоул эса Стефаннинг ўлдирилишини маъқуллаган эди. Шу кунларда Иерусалимнинг Жамоатига қарши жуда қаттиқ қув<sup>®</sup>ин бўлди. Хаворийлардан ташқари ҳамма Яҳудия ва Самариянинг ҳар хил жойларига тарқаб кетдилар.

Баъзи диёнатли эрлар Стефанни дафн этиб, у учун катта йи<sup>®</sup>и қилдилар.

Шоул эса Жамоатга қаттиқ азоб келтирар эди. У уйларга кириб, эркагу-аёлларни судраб, олиб бориб зиндонга ташлар эди.

Шу орада тарқалиб кетганлар Хушхабарни воизлик қилиб юришар эди.

Жамоат буюк қувғин вақтларидан бошлаб ҳар доим кучлироқ ва хушхабар билан эришишда муваффақиятлироқ бўлди.

## ХУДОНИНГ РЕЖАСИ

Худонинг Масиҳнинг танасини қуриш ҳақидаги режаси ўзгармаган. Илк жамоат Буюк Топшириққа бўйсунди ва Исонинг ишларини қилиб-беморларни даволаб, Шоҳликнинг қувончли хабарини воизлик қилиб ҳамда таълим бериб-барча жойга бордилар. Улар буни ҳатто қувғинлар ва ҳатто ўлим билан юзлашганда ҳам қилишда давом этишарди.

Жамоат ҳар доим мақсадлари ташқи дунёга қаратилганид а соғлом эди, жамоатнинг кучи ўзига қаратилганда эса до им носоғломликка юз тутарди.

## Хизматкор гуруҳлар

Исо етмишта шогирдини иккитадан гуруҳ қилиб хизматга юборарди. Повул Барнабо, Сила ва Тимўтийга ўхшаш одамлар билан бир гуруҳ бўлиб ишларди. Сила ва Барнабо бирга и шлашарди. Иерусалимдаги ҳаворийлар Самарияга ва Анти охияга, у ерда уйғониш бошланганида гуруҳларни жўнатиш ди. Худонинг маҳаллий жамоат ва миссионерлар ташкилот ларининг иш фаолиятидаги иродаси уларда биргина одамни нг кўриниши эмас. Ҳаворийлар, хушxabарчилар, ўқитувчилар, пасторлар ва руҳонийлар биргаликда, бир гуруҳ бўлиб иш лашлари керак.

Бизлар Худонинг режаси бўйича ҳаракат қилганимизда, ш айтоннинг васвасаларидан ҳимоя топамиз. Гуруҳли хизмат-о дам бир ўзи саёҳат қилганида ёки хизмат қилганида келади ган умумий васвасалар туфайли содир бўладиган гуноҳдан ҳимоядир.

## Ёшларга даъват

Худо доимо нигоҳини ёш авлодга қадайдди. У доимо ёшларн и ишлатган. Бунинг сабаби, уларнинг ҳали диний урф- ода т меъёрлари билан заҳарланмаганликларидадир. Агар улар да буларни бажаришга улкан истаклар бўлса, улар бажариш ади ва шундан сўнг саволлар беришади.

Бутун Библия бўйлаб, Худо қандайдир улуғ ишни қилмоқчи бўлганида, У кўпинча ёшларни хизматга даъват этган.

Ёшлар - доимо умумжаҳон миссиянинг олд қаторида бўлиш ган. Ушбу авлодда, Худо - Унинг Шоҳлигини куч билан яқин лаштирадиган жанговар куч бўлиш учун - ёшларнинг юрагин и уйғотмоқда.

Бутун дунёда ёшларнинг янги авлоди - Исо Масихга ва умумжаҳон хушxabарга бағишлангандирлар. Улар ўзларида ва бошқаларда ярим боғишланганликни инкор этадилар. Ёшлар дунёни қахрамонона ўзгартира оладилар.

Жамоат ўз тарихида юз бурган даъватларидан энг буюгига-мазкур аср жуда тез ўзининг охирги соатларига яқинлашар экан, унга Буюк Топшириқни етказиш даъватига юз буряпти. Бу жангдан қочиш эмас, аксинча жангга югуриш вақти.

Жамоат Буюк Топшириқни бажаришга қодир. Жамоат Худо бизларни юбораётган шаҳарлар ва халқларни забт этиб олишга қодир.

Жамоат жанг қилиш учун қуролланган.

Голиаф Довудга қарши курашганида, у Довудни ҳақоратлад и ва уни қўрқитишга ҳаракат қилди.

Шайтон бугун ҳам худди шу усулни ишлатяпти. У - бизнинг эътиборимизни омадсизликларимизга қаратиш йўли билан, бизларни Худонинг ҳиссиз болалари деб аташ ва албатта унга тенг кела олмаслигимизга ишонтириш билан қўрқитмоқчи.

Довуд ушбу тузоқни четлаб ўтди. У Голиафга қарши ўзининг кучи билан эмас, балки Раббийнинг кучи билан борди. Голиафнинг бор куч-қудрати билан йиқитиш учун фақат биргина ташкилот қилди.

Масихнинг танаси сифатида, жамоат ўзининг мағлубиятларига, заифликларига ва ютқазиларига қарашни бас қилиши керак. У дадилликда ҳаракат қилишни бошлаши керак.

Қаршилиқлар орасида бизлар чекинмаслигимиз керак. Бизлар байроғимизни кўтаришимиз, тантана қилишимиз ва ғала бамизни эълон қилишимиз керак! Бизлар ғолиблардан ҳам каттароқмиз! Бизлар Исо Масихда тантаначилармиз!

Довуд ўзи билган билими билан агрессив ҳаракат қиларди. Довуд подшоҳликка мойланган эди. Бизлар ҳам мойланганмиз. Бизнинг мойланишимиз -йўқотилганларга хушxabар айтиш учундир. Жамоат кучли, дадил ва жанговор бўлиши керак, чунки бизнинг жанг қуролларимиз Худо орқали қотмаларни барбод қилиш учун қудратлидир.

Иешуа Бин Нунда бўлган дадиллик, пионерлик руҳи ҳозир жамоатда.Саҳрода кезиш вақти ўтди. Ҳозир бизнинг ваъда қилинган еримизни олиш вақти. Ҳозир Худонинг Сўзига асосланган имонга биноан ҳаракат қилиш вақти. Аломатлар ва мўъжизалар бизларга ҳамроҳ бўлади! Биргаликда, бизлар Б

уюк Топшириқни амалга оширамиз ва хушхабарни ҳар бир мавжудотга хушхабар мўъжизалари билан етказамиз.

## **ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР**

---

1. Гуллаб-яшнаш ҳақидаги Худонинг Сўзининг номасини асосий мақсади нима?
2. "Хушхабарчиликнинг пионер руҳи" дегани нимани билдиради?
3. Хушхабарчиликда гуруҳ бўлиб хизмат қилишнинг Библиявий мисолларини келтиринг.